

РАЗИКОВА Л.Т.

ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК  
КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Л.Т.РАЗИКОВА

ТАЛАБАЛАРДА ТАД҆ҚИҚОТЧИЛИК  
КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ



ТОШКЕНТ – 2021

**УЎК: 37 (075)**  
**КБК: 37.24-5.**

**Л.Т.Разикова.** Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари. (Монография). –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 138 бет.

**ISBN 978-9943-7134-5-1**

Ушбу монографияда талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари, тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнининг концептуал асослари ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг модели очиб берилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимига педагогик лойиҳалаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш орқали илмий ва инновация ютуқларни амалиётта жорий этишининг самарали методлари келтирилган.

**УЎК: 37 (075)**  
**КБК: 37.24-5.**

**Тақризчилар:**

**Ш.Х.Зиядуллаев** – СДТИ Илмий ва инновациялар бўйича проректор, тиббиёт фанлари доктори, доцент;

**И.Б.Аскаров** – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, ЖизПИ “Транспорт воситалари мұхандислиги” кафедраси.

**ISBN 978-9943-7134-5-1**

© Л.Т.Разикова, 2021;  
© Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2021.

## КИРИШ

Жаҳонда шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ахборот-таълим мухитини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида таълим олувчиларнинг фаоллиги, ижодкорлиги, тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилган педагогик экспериментларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишнинг замонавий шакл ва методларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, касбий таълим сифати бўйича “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар мутахассис кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси”да тадқиқотчилик элементларини ҳамкорликда ўқитиш технологиялари билан интеграциялаш масалалари тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш деганда талабаларни бўлажак касбий фаолияти муаммоларини ечишдаги тадқиқотчилик вазифаларини бажариш билан боғлиқ илмий методлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш тушунилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда тадқиқотчилик кўникмаларининг ўрни муҳим. Буларга назарий ўрганиш, кузатиш, муаммони кўя билиш, фараз қилиш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, тадқиқот методларини танлаш, фараздан келиб чиқиб режа тузиш, эксперимент ўтказиш (методлар), экспериментни ўтказиш босқичлари, эксперимент натижаларини олиш, фаразга нисбатан эксперимент натижасини таққослаш, назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, амалда кўллаб кўриш кабилар билан боғлиқ кўникмалар киради. Айтилганларнинг баъзилари фан асосларини ўрганишда, баъзилари амалиёт жараёнида, яна бошқа хиллари изланиш ишлари орқали шаклланади.

Республикамида илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши бугунги замон талаблари асосида таълим тизимини ислоҳ қилиш, касбий-педагогик таълимда илғор инновациялар ва амалий ишланмаларни кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлапси ёсатини давом

эттириш»<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу сабабли бўлажак мутахассисларнинг педагогик муаммоларни киёсий таққослаш, танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўқитиш методларининг оптимал вариантларини танлаш асосида амалий қўникмаларини шакллантириш орқали уларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш заруратини такозо этмоқда.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қиласди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони:// Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. -Т., 2017. -Б.39.

# **І БОБ. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КҮНИКМALARINI ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА**

## **1.1-§. Талабалар тадқиқотчилик фаолияти муаммоларининг педагогик ва психологик таҳлили**

Мамлакатимиздаги илмий-техника тараққиёти инсон фаолијатининг барча соҳаларида, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришларни вужудга келтириб, такомиллаштириш жараёни уз-луксиз давом этмоқда. Замонавий илмий-техника тараққиёти фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, балки фаолият кўрсатаётган ҳар қандай соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар киритмоқда. Ҳозирги давр меҳнат бозори мутахассисликларда умумтальим, касбий билимларнинг фақат юкори даражасини эмас, балки маҳсус тайёргарликни ва тафаккурнинг мослашувчанлигини ҳам талаб этувчи тадқиқотчилик ва изланувчанлик қобилиятига эга бўлишни тақозо этмоқда.

Илмий-техника тараққиёти янги ахборотнинг доимий равишда ўзгариб бориши билан бирга кечади, шунинг учун ҳам жамиятта ўзгарувчан ахборот оқимини энг кераклигини танлаб олиш, ечимларнинг энг яхши варианtlарини таққослашга, таҳлил қилишга, мустақил қарор қабул қилишга кодир кадрлар талаб этилади. Бугунги кунда итоаткор ижрочиilar эмас, балки айнан ана шундай мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнини юкори даражага кўтаришга имкон берувчи янги ғоя ва фикрларни илгари сурадилар.

Ишлаб чиқаришнинг янада ривожланиши мутахассиснинг мустақил фикрлashi, изланиши, ўз билимларини ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ мустақил тўлдира олиш қобилиятини талаб қилди. Шунинг учун илмий-техника тараққиёти инсоннинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти хусусиятини анча ўзgartириб, бу билан унинг тадқиқотчилик қобилияtlарининг ривожланиши, шунингдек, тадқиқотчи шахсининг шаклланиши учун қулай шароитлар яратади.

Ҳозир таълим муассасаларида бизнинг келажагимиз бўлган ёшлиар ўқимокда. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг катта қисми ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатишади,

шунинг учун айнан олий таълим муассасаларида шахснинг тадқиқотчилик сифатларини шакллантириш бўйича ишлар олиб бориш зарур. Бу вазифани амалга ошириш учун талабалар билан илмий тадқиқот ишларини ташкил этишнинг янги шакллари зарур. Хозир шундай методлар керакки, улар реал обьектлар, жараёнлар ва ҳодисаларни мустакил тадқиқ этишга ҳамда тушунтиришга ўргатсин. Бу талабаларда билимларни ёдлашдан ҳоли бўлган интеллектуал мослашувчанликни ривожлантирган бўлар эди.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг хусусияти, қизикиши, қобилияти, ақлий жиҳатдан ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнат фаолиятига муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлари ривожланиб, маълум бир босқичга етсагина у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топади.

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчисидир. Демак, шахс – ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, онгли фаолият билан шугулланувчи ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда ўз ўрни бор. Шахснинг ривожланиши эса барча тұғма ва ҳосил қилинган хусусиятлар: организмнинг анатомик тузилиши, фаолият ва хатти-харакатларнинг микдорий ҳамда сифат ўзгариши жараёнидир.

Ривожланиш – шахснинг жисмоний, ақлий ва бошқа хислатларининг такомиллашувини намоён этадиган жараён бўлиб, бундай хислатлар тұғма, баъзилари кейинчалик эришилган бўлади [115].

Шу маънода Н.Р.Атутовнинг фикрича, фанды табиат ҳодисалари түғрисидаги анъанавий тасаввуфларга баъзан мувофиқ келмайдиган шундай бир кашфиётлар юз беради. У фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ва түғри баҳолаш учун ва улардан кейинчалик фойдаланиш учун ақлнинг мослашувчанлиги, ўзлаштирилган билимларни ижодий қўллаш зарур деб таъкидлайди [19].

Биз дастлаб тадқиқотчилик кўнимкамаларини шакллантириш жараёнида ифодаловчи асосий тушунчалар ҳақида тўхтalamиз.

«Шакллантириш» тушунчасига турли хил энциклопедияларда икки вариантда таъриф берилади. Масалан, С.М. Ожеговнинг

лугатида [71] «шакллантириш» - 1) маълум шакл бериш, тугалланганлик, яратиш; 2) яратиш, тузиш, ташкил этиш. Ривожлантириш деганда «бир ҳолатдан бошқа, янада мукаммал ҳолатга ўтиш жараёни, эскидан янгига ўтиш» тушунилади.

Х.Тўракулов ва бошқаларнинг педагогика фанидан изоҳли лугатда [107] инсон рухияти ва организмдаги сифатини ривожланиши, ўзгаришлар деб таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча шакллантириш бу – ташқи ва ички таъсирлар орқали шахснинг фазилатлари, сифатлари ва хулқларини шакллантиришdir. Ривожлантиришга эга шахснинг шаклланган фазилатлари, қобилияtlари, кўникмаларини ижобий томонга ўзгариб бориш жараёнидир.

Шу ўринда қобилият, кўникма ва малака бу тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқатли ва унинг ишини муваффакиятли бажаришдаги ўзига хос имкониятларини ифодаловчи индивидуал руҳий хусусиятидир [107].

Кўникма – бу аклий ва жисмоний ҳаракатлар ёрдамида режалаштирилган мақсадга эришилади ҳамда муайян бир фаолият амалга оширилади.

Малака – киши эгаллаган билимлари, кўникма босқичидан ўтиб доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиниши [69].

Х.Ф.Рашидовинг “Касбий педагогика” китобида куйидаги таърифлар берилди.

**Кўникма** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усусларидан тўғри фойдаланиб муваффакиятли бажариш қобилияти.

**Малака** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) аниқ, тез ав мақсадга мувофиқ тарзда автоматик равишда бажариш қобилияти. Малакани “автоматлашган кўникма” деб ҳам аташ мумкин [80].

Шу пайтгача педагогик адабиётларда «кўникма» ва «малака» тушунчаларининг бир қатор таърифлари берилган.

«Кўникма» – бу «мақсадларни амалга оширишда ва ҳаракат қилишга тўғри келадиган шароитларда фаолият ёки амалларни самарали бажариш имкониятидир».

Кўпчилик олимлар кўникма деганда, фаолиятни янги шароитларда бажариш қобилияти деб таъриф ҳам берилган. «Кўникма фаолиятнинг мазкур тури томонидан уни ўзлаштириш маҳсулдорлиги, сифати ва тезлигини белгиловчи шахснинг хусусияти хисобланиб, у факат намоён бўлиб қолмай, балки фаолиятда шаклланади ҳам».

О.А. Абдуллина, С.А. Кисельгоф, Л.Ф. Спириналар кўникмани «билимлар ва кўникмага асосланган ҳаракат ёки ўзаро боғлиқ амаллар системаси» сифатида кўришади [7].

«Кўникма» тушунчасининг бундан кейин аниқлаш жараёнида биз, олимларнинг бу масалага иккита ҳар хил нуқтаи назарига дуч келдик, яъни баъзилар кўникмани тугалланмаган малака деб хисобласа, иккинчи нуқтаи назарга кўра кўникма шаклланган билимлар ва кўникмалар асосида ташкил топувчи ижодий амал сифатида «алоҳида фаолият»нинг маълум мақсадга эришишга йўналтирилган деб каралади, яъни «кўникма» «малака» дан кўра кенгрок тушунчадир.

Бизнинг фикримизча, «кўникма – бу ўзлаштирилган билимлар ва хаёт тажрибаси асосида тез, аниқ ва онгли бажариладиган амалий ва назарий амалларга тайёр туришдир». Кўникмалар такомиллашиб ва автоматлашиб, малакага айланади. Кўникманинг асосий белгиларига: мослашувчанлик (турли хил вазиятларда оқилона ҳаракатланиш қобилияти); мустаҳкамлик (ташқи халақитларга қарамай, аниқликни ва суръатни саклаш); пишиқлик (кўникма амалда қўлланилмаётган даврда йўналмайди); реал шароитларга ва вазифаларга максимал яқинлашганлик киради.

Педагогик энциклопедияларда «малака» тушунчаси «ўзлаштиришнинг юқори даражасини ифодаловчи ҳаракат» сифатида аниқланади, бу боскичда ҳаракат (амал) автоматлаштирилган бўлиб қолади – онгли назорат шу даражада камайтириладики, гўёки у йўқдек туюлади».

И.А.Зимняя: “малака – қўп қиррали, мақсадга йўналтирилган машқлар натижасида амални бажаришнинг мустаҳкам, мукаммалига етказилганидир” [47].

Психолог С.А. Рубинштейн малакаларнинг муҳим аҳамиятини куйидагича кўтарар эдики, яъни малакалар нисбий элементар ишларини тартибга солишдан енгиллаштириши ва бунинг оқибатида у

янада мураккаб масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиши мумкин [85].

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси фанда мавжуд бўлган кўникмалар ва малакалар муаммосининг турли хил жиҳатларига нисбатан нуқтаи назарларнинг қарама-қаршилигини ёрқин ифодалайди. Биз «кўникма» ва «малака» тушунчаларини фарқ қилувчи, аммо шу билан бирга, уларнинг алоқалари тўғрисида фикр юритувчи, умумийлигини кўрсатувчи муаллифларнинг фикрларига кўшиламиз.

Т.У.Тучкованинг кўрсатишича, кўникма ва малакаларнинг умумийлиги шундан иборатки, улар таркибига ҳам онгли, ҳам онг ости компоненти киритилиб инсон фаолиятида маълум бир ўринни эгаллади. Унинг фикрича, малакалар ва кўникмалардаги фарқ шундан иборатки, малакада асосийси автоматлаштирилган компонент ҳисобланса, кўникмада – онгли мақсадга йўналтирилганлик бўлади [94].

Кўникма фаолият билан ўзаро муносабатда бўлса, малака амал ёки операция билан ўзаро муносабатда бўлади.

Мавжуд таърифларни умумлаштириб, В.А.Мижриков қўйида-ги хulosага келади: «малакалар ўқитища – кўп карра бажарилиши натижасида автоматлаштирилган хусусиятга эга бўлувчи ўкув амалларидир». Талабалар билим ва кўникмаларини ўзлаштира борган сари автоматлаштирилган элементлар уларнинг оғзаки ва ёзма нуткида, ўкув масалаларини ечишда ва ҳоказоларда пайдо бўлади. Демак, кўникма – бу онгли ва аниқ амалларга тайёрлик, малака эса – бу фаолиятнинг автоматлаштирилган бўгинидир. Кўникмаларнинг элементлари кўпинча малакаларга ўтади, улар эса ўз навбатида кўникмаларнинг мукаммаллашишига ёрдам беради, баъзан эса уларнинг шаклланишига имкон беради.

Шундай қилиб, кўникма деганда уни бажариш мақсадлари ва шартларига мувофиқ маълум фаолиятни самарали бажариш қобилиятини тушуниш керак.

Малака эса – бу ўзлаштиришнинг юқори даражаси билан ифодаланувчи амаллардир.

Кўникмаларнинг турлари орасида тадқиқотчилик кўникмалари ажralиб туради.

Ўз тадқиқотимизда биз бу икки жараён талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларининг бошланғич даражалари бир жинсли эмаслиги туфайли бир-бирига керакли ҳолда юриши керак деб ҳисобладик.

«Тадқиқот» тушунчаси бўйича фикр юритсак, илмий тадқиқот билимларни ишлаб чиқиши янгиликларни яратиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Илмий тадқиқот ҳаққонийлиги, қайта тикланиш, исботла нувчанлиги, аниклиги билан фарқ қиласди.

Педагогикада «тадқиқот» педагогик қонуниятлар, тамойиллар, ўқитиши ва тарбиялаш механизми, педагогика назарияси ва тарихи, ўкув-тарбиявий ишни ташкил этиш методикаси, унинг мазмуни, қонун-қоидалари, методлари, ташкилий шакллари тўғрисида ижтимоий аҳамиятга эга янги билимларни олишга йўналтирилган илмий фаолият жараёни ва натижаси сифатида ифодаланади. Шу ернинг ўзида тадқиқотчилик методига таъриф берсак – талабаларни мустақил ва бевосита кузатишга жалб этиш методи бўлиб, унинг асосида борлиқдаги обьектлар предметлар ва ҳодисаларнинг алоқалари ўрнатилади, хуносалар чикарилади, қонуниятлар ўрганилади. Таълимга тадқиқотчилик элементларининг киритилиши бўлажак ўқитувчиларда фаолликка, ташаббускорликка, қизиқувчанликка кучайтиради ва уларнинг тафаккурини ривожлантиради, талабаларнинг мустақил изланишларга, “ихтиrolарга”, «кашфиётларга» ва янги ғоялар эҳтиёжини рағбатлантиради, уларнинг «тадқиқотчилик» қобилиятини ривожлантиради.

Булардан кўриниб турибди, замонавий қасб таълими ўқитувчиси ана шундай талабларга жавоб бериши учун у албатта мустақил изланувчанлик, тадқиқотчилик ва ижодий ишлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Педагогик адабиётларда тадқиқотчилик тамойили ўкув жараёнини шундай ташкил этишни назарда тутадики, бунда талабалар ўрганаётган фанлари бўйича қўлланиладиган тадқиқотларнинг асосий методлари билан танишишлари, тадқиқотчилик методикасининг қулай элементларини ўзлаштиришлари ва янги билимларни, табиатни ва ижтимоий ҳодисаларни, тадқиқ этиш йўли билан мустақил эришиш кўникмаларини эгаллашлари лозимлиги кўрсатилган [68]. Тадқиқотчилик тамойилининг қўлланилиши талабаларнинг билиш ва ўрганишга оид қобилиятларини, ривожлантиришга бўлган

фаоллигини оширишга имкон беради. Ўқитишида тадқиқотчилик тамойилининг афзалиги шундан иборатки, ўқитувчи талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган объектни танлаб олиб, ўқитишини унга йўналтириш мумкин.

И.Я.Лернер ва М.Н. Скаткинлар «ижодий фаолият тажрибасини тўла ўзлаштириш ва бир вақтда билим ҳамда кўникмаларни эгаллаш учун педагогик амалиётда анча илгари кўлланилган тадқиқотчилик методи зарур»лиги тўғрисида фикр юритиб тадқиқотчилик методининг моҳиятини «ўқувчиларнинг улар учун янги бўлган муаммоларни ҳал этиш бўйича изланувчан, ижодий фаолиятларини ташкил этиш усули сифатида» таърифлашади [58].

Ҳар бир бўлажак замонавий мутахассис мустакил равишда таълим олишга ва ўрганишга шундай тайёрланишлари керакки, улар нафакат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда ҳамда самарали ўзлаштира олишлари лозим. Шуни таъкидлаш керакки, бўлажак кичик мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик вазифа ҳам ҳисобланади ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун маҳсус методикалар ишлаб чиқишини такозо этади.

У.Содиковнинг фикрича, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун факат билим бериш билан чегараланмасдан, ўқувчиларга ҳар бир масалага ижодий ёндашишни ўргатиш керак. Ўқувчилар ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг қизиқиши, ҳаваскорлиги билан боғлиқ [89].

Таълимга ижодий ёндашув – шахсга йўналтирилган ўқитишини тўла амалга оширишга имконият яратади.

Хорижий педагоглар ва психологлар: Д.Гилорд, Е.Торранс, Л.Термен, Р.Стернберг, М.Воллах, россиялик олимлар В.Дашлова, П.Гальперин, В.Калныкова, Д.Богоявленский, Т.Куликова ва бошқалар томонидан ижодий фикрлаш назарий жиҳатдан асосланган бўлсада, бугунги кунда ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаларини ишлаб чиқишида йўналтирилган тадқиқотлар давом этмокда [105].

Д.Б.Богоявленскаянинг фикрича, ижодий иш – муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир. Ижодий фаоллик

деганда ҳодисалар, жараёнлар, объектлар аҳамиятини тушунган холда, кийинчиликларни ёки муаммони енгишга интилиш тушунилади. Яъни шахснинг касбий фаолияти бўйича янги ечимларни излаш ва топиш ҳамда натижаларидан қоникиши тушунилади [32,33].

Ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш – боскичма-боскич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўкув, илмий, ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади [13].

Махсус адабиётларда эса, ижодкорлик тушунчасининг у ёки бу талкини келтирилиши билан бир қаторда, унинг табиати, ижодий жараён тузилиши ва инсон ижодий қобилиятларининг шаклланиши ҳакида турли фикрлар мавжуд. Бу ерда “ижодкорлик” тушунчасини талқин этишда унинг кўп кирралигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, ижодкорлик тушунчаси “фаоллик”, “фаолият”, “жараён”, “фаолият кўриниши”, “фаолият типи”, “фаолият шакли” сифатида қаралади. Унинг бошқа томони эса “ижодий потенциал”, “ижодий қобилият”, “ижодий фаоллик”, “ижодий муносабат”, “ижодий фаолият”, “ижодий меҳнат”, “шахс ижоди” каби тушунчаларда акс этади [74,78,83].

Л.С.Рубинштейннинг «инсон фаолияти ва ишида, унинг амалий, назарий, психологик ва маънавий ривожи нафақат намоён бўлади, балки такомиллашади», деган ғояси хизмат қиласи [86].

В.Г.Разумовский эса ижодкорликни куйидагича таърифлайди: “ижодкорлик – бу инсоннинг борлиқни билишга йўналтирилган онгли, мақсадли фаолияти бўлиб, унинг натижасида янги, ўхшаши бўлмаган, илгари мавжуд бўлмаган, жамиятнинг моддий ва маънавий хаётини яхшилашга қаратилган буюмлар, асарлар ва бошқа шу кабилар яратилади” [83,18].

Ижодий фаолиятнинг фалсафий назарияси ва унинг ижтимоий табиати Н.Ф.Хорошко [109], А.Т.Шумилин [114] каби олимларнинг ишларида қаралган бўлиб, улар асосан инсон ижодий фаолиятининг дунёкараши жиҳатини, гнесологик ва умумметодологик характердаги муаммоларини ўрганганди.

Фаолият субъектига боғлиқ холда ижодкорлик уч турга ажратилади: алоҳида шахснинг ижодкорлиги; ижтимоий гурух (катлам)нинг ижодкорлиги; объект ижодкорлиги [55].

И.С.Якиманский фаолият ва фаоллик ўртасидаги фарқ тўғрисида қўйидагиларни қайд этган: “фаолият – бу энг аввало зарурият. Фаоллик – бу қизиқиши, аҳамияти, идеали, эҳтиёжи ва мустакил фаолиятда жойлашган ифодаси билан айтиб туриладиган шахсий моҳият намоён бўлишидир” [115].

К.И.Кузьмин бу ҳақда “Ижодкорлик режалаштирилган ёки кўркўона тақорланувчи фаолият бўлиб қолмасдан, у инсон тафаккури ва фаолигининг кўриниши ёки юзага чиқишидир” – дейди. Шунингдек, у илмий-техникавий ижодкорликни “техник курилма яратиш ва синааб кўриш билан боғлиқ мақсадга йўналтирилган лойиҳалаш ва конструкциялаш ҳамда илмий тадқиқот ишлари мажмуаси” – деб таъриф беради [56].

Психолог олим С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ижодий фаолият жараёнида кишида аста-секин ишнинг қайси жойини, нимани ўзгартириш, яхшилаш, такомиллаштириш масаласини ўйлаш тамомилини вужудга келади. Натижада мавжуд билимларни таққослаш, кузатиш ва ижод жараёнида келиб чиқадиган вазифаларга мувоффиклаштириш, мўлжалланган ечимнинг умумий тузилишини фикран тасаввур этиш зарурати туғилади [85].

Бу эса, ўз навбатида, хаёлнинг инсон миясининг фаол ишлари билан топилган ечимларни ҳисоблашларда, чизмаларда, эскизларни яратишида, буюмларни безаш ва ҳоказоларда аниқ ифодалашни талаб қиласиган ўзига хос аклий иш билан боғлиқдир. Ижодий меҳнат жараёнида фақат қандайдир буюм ёки янги нарса яратилиб қолинмай, балки шахснинг ўзи киритган оригинал ҳусусиятлари ҳам яққол намоён бўлади. Шунга кўра, ижодий фаолият, ижодкорлик сифатлари ва шахс ҳислатларини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фаолиятнинг асосий кўриниши сифатида аниқланган ижодкорлик моҳияти ўкувчи ижодий фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Таълим олувчиликар ижодий фаолияти моҳиятини аниқлаштиришга йўналтирилган ўз ёндашувимизда биз қўйидаги тамойилларни келтирамиз:

1. Касбий таълим мазмунига боғлиқ ҳолда ижодкорлик ўзига хос ҳусусиятларга (адабий, илмий, мусиқали, техник, математик ва ҳ.к.) эга.

2. Объектив ва субъектив аҳамиятга эга бўлган омиллар мавжудлиги эса таълим олувчининг кашфиётчи, ижодкорлиги ҳакида фикр юритишга имкон беради.

3. Талаба фаолияти ўз мақсади ва мазмуни, фаолият шароити ва мотиви бўйича ўзига хос хисобланади.

4. Ўқувчиларда интеллектуал ижодий потенциални амалга оширишда шахснинг ўзини-ўзи ифодалашига эҳтиёж энг муҳим хисобланади.

5. Назарий ва амалий ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида замонавий таълим методларидан ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

6. Таълим олувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашнинг зарурый дидактик воситалари яратилмаганлиги.

7. Фанлар мазмунини ишлаб чиқишида таълим олувчилар ижодий-интеллектуал қобилияtlарини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қартишлари.

Д.Ф.Жалолованинг “Махсус фанларни ўқитишида ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш” мавзусидаги диссертация ишида махсус фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш имкониятлари илмий-назарий жиҳатлари; ўқувчиларининг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти; махсус фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш бўйича ўқитиш жараёни модели; дарс ишланмалари, мустақил ишлар шакллари, турлари ўрганилиб, методик тавсиялар; фаол усувларни қўллаш имкониятлари ўрганилиб, бир гурух фаол усувларнинг моҳияти ёритиб берилган [44].

Ш.С.Шариповнинг тадқиқот ишида бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг ихтирочилик қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва ташкилий шарт-шароитлари аниқланган ва асослаб берилган; шунингдек, талабалар билиш фаоллиги ва ишлаб чиқиладиган ихтирочилик ғоялари самарадорлигини оширишга хизмат қўлувчи автоматлаштирилган ўқув-ахборот тизими ҳамда билимлар банкини ўз ичига олган янги ахборот технологияси мазмуни; ижодий гурухни таркиб топтириш ҳамда

унинг аъзоларида ихтирочилик ижодкорлигини шакллантириш (кўп босқичли дастурлаштирилган таълим) мазмунини танлаш мезонлари; ижодий гурухнинг фаолиятини машғулотлар жараёнида узатиладиган аҳборотларнинг мураккаблиги, ҳажми ва узатилиши маромини аниқлаш асосида баҳолаш услуби ишлаб чиқилган [11].

В.Е.Алексеев ишларида эса техник ижодкорликнинг психолого-гик асослари, ўқувчилар техник ижодкорлигининг моҳияти, техник ижодкорликни ривожлантиришнинг дидактик асослари аникланган. Техник ижодкорликни ривожлантириш жараёнида политехник тамойил, фанлараро алоқадорлик ҳамда муаммоли ўқитишнинг ўрни ва роли асосланган [10].

Н.Н.Алимовнинг “Касб-хунар коллежи ўқувчиларини техник ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш методикаси” мавзусидаги диссертация ишида КҲҚлари ўқувчиларининг техник ижодкорлиги тушунчасининг мазмун ва моҳияти; техник ижодкорлик фаолиятига самарали тайёрлашга имкон берувчи педагогик шарт-шароитлар; техник ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш модели; умумкасбий фанлар бўйича ташкил этиладиган назарий ва амалий машғулотлар ҳамда дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларда техник ижодкорлик кўнилмаларини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган [12].

Н.А.Муслимов ўз диссертация ишида Касб таълими ўқитувчинини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асосларини ёритиб берган [65].

Барча соҳада ижод иш натижасининг фарқли белгилари, унинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга моликлигидир. Педагогик энциклопедияда “ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги фойдали ва муҳим янгилик белгиларига эга бўлган техник обьектлар яратиладиган фаолият туридир”, деб таърифланади.

Қ.Абдуллаевнинг фикрича, техник ижодкорликка индивидуал ёндашиш таълимнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини амалга ошириш, юқори даражадаги қийин ижодий фаолиятга доир қобиляйтни ривожлантириш имконини беради. Бинобарин, ана шундай ёндашишда ўқувчининг маънавий кучи намоён бўлади, мустақил ижодий ишда қатнашадиган барча ўқувчиларнинг, шу жумладан, энг бўш ўқувчиларнинг ҳам билим ҳам хунарни пухта эгаллаши учун ҳакиқий шароит вужудга келади [6].

М.И.Махмутов фикрига кўра, «ўрганишнинг тадқиқотчилик методи – таълим олувчиларнинг билишга оид мустакилларининг энг юқори даражасини таъминловчи муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг энг самарали усулларидан биридир».

Тадқиқотчилик методи «илмий билиш методларини эгаллашни таъминлайди, ижодий фаолият жиҳатларини шакллантиради, бундай турдаги фаолиятга қизиқишининг, эхтиёжнинг шаклланиши шарти бўлиб ҳисобланади, тўла қийматли, яхши англанган, тезкор ва қулаг фойдаланиладиган билимлар беради».

П.И.Пидкасистийнинг фикрича, тадқиқотчилик методи «билимларнинг ижодий қўлланилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда талабалар илмий билиш методларини ўзлаштириб олишади, уларда тадқиқотчилик фаолияти тажрибаси шакллантирилади» [76].

Биз юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг фикрларига тўла кўшилган ҳолда шуни таъкидлаймизки, тадқиқотчилик методи талабаларнинг мустақил ишлаш кобилияти ривожланишига, уларда тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишининг шаклланишига, билимларнинг эгалланишига ва уларнинг ижодий қўлланишига имкон беради.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид Россия олимлари томонидан жуда кўп илмий излашишлар олиб борилишини инобатга олиб, биз уларнинг ишларига ва фикрларига алоҳида тўхтадлик.

Е.И. Борчук диссертация тадқиқотида тадқиқотчилик кўникмаларини «турли предмет соҳаларида илмий - эмпирик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаси» сифатида таърифлайди. Муаллифнинг таъкидлашибача, тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланиши самарадорлиги «илмий – эмпирик тадқиқотчилик фаолияти инвариантига адекват бўлган ўқув – билишга оид фаолият инвариантida фойдаланиш ҳисобига таъминлайди» [30].

Баъзи ҳолларда ўқув тадқиқотчилик кўникмаси деганда, «илмий методнинг тегишли методика ўқув муаммосини ечишда ўқув тадқиқотчилик топшириғини бажариш шароитида қўллаш кўникмаси» деб тушунишади.

Н.С.Амелина тадқиқотчилик кўникмаларини «ўқув меҳнатининг барча турларида билишга оид фаолият учун зарур бўлган руҳий

ва амалий ҳаракатларнинг (амалларнинг) мураккаб системасини ўзлаштириш» сифатида таърифлайди [14].

Баъзи ҳолларда тадқиқотчилик кўникмасини «тадқиқотчилик масалаларини ечиш жараёнида ўзлаштириладиган мустақил кузатиш, тажрибалар қобилияти» сифатида қарашади.

А.Г. Иодконинг фикрича, тадқиқотчилик кўникмалари тадқиқотни ёки унинг қисмини мутакил бажариш учун зарур ўкув меҳнатининг интеллектуал ва амалий кўникмалари системасидан иборат [48].

Кўпчилик муаллифлар «кўникмалар диалектик – материалистик нуктаи назардан кузатишлар олиб бориш ва педагогик ҳодисаларни (далилларни) таҳлил килиш ва шу асосда педагогик масалаларни тузиш ва ечиш; эксперимент ишлаб чиқиш ва ўтказиц; эксперимент натижаларини ишлаб чиқиш ва умумлаштириш; материални ҳисобот, реферат, маъруза, ўкув тарбиявий тадбирларни ишлаб чиқиш; биринчи манбалар ишлаш, педагогикага қўшини фанларнинг ютукларидан фойдаланиш» сифатида таърифлашади.


О.И.Митрош тадқиқотчилик кўникмалари деганда, «ўзининг ва бошқаларнинг педагогик тажрибасини кўриш ва педагогик вазифаларни ечиш учун зарур билиш фаолияти усусларини ўзлаштириш» ни тушунади [63].

Юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг фикрларини ҳисобга олиб, биз ўз ишимизда тадқиқотчилик кўникмаларининг қуидаги таърифини қабул қилдик.

Тадқиқотчилик кўникмалари деганда биз илмий тадқиқот методларида фойдаланган ҳолда ижодий ёки илмий фаолиятни (амални) самарали бажариш кўникмаларини тушунамиз.

Касб таълими ўқитувчиси эгаллаши керак бўлган тадқиқотчилик кўникмаларини аниқлаш учун биз қандай кўникмаларни тадқиқотчиликка тегишлилигини кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўқитувчи учун зарур бўлган турли хил кўникмалар орасидан тадқиқотчилик кўникмаларига қуидагиларни киритиш мумкин: педагогик вазиятни таҳлил қилиш, натижани лойихалаш ва педагогик таъсирларни режалаштириш, реал мавжуд ижтимоий-педагогик ҳодисаларнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаси, талабаларнинг ўқитилганлик ва тарбияланганлик даражасини на-моён қилиш кўникмаси, шахс ва жамоанинг ривожланишини



лойихалаш кўникмаси, аниқ педагогик масалани ажратадиган олиш ҳамда аниқ ифодалаш кўникмаси ва бошқалар.

В.Н.Литовченконинг фикрига кўра, тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш учун кўникмалар куйидаги гурухларга ажратади [59]:

1) тадқиқотчилик фаолиятида кўлланиладиган ақлий методлар ва амалларни ўз ичига олувчи жараёнли тадқиқотчилик кўникмалари: таққослаш, тахлил ва синтез, абстрактциялаш ва умумлаштириш, фаразни илгари суриш, солиштириш ва умумлаштириш ва бошқа фикрлаш амаллари;

2) илмий тадқиқот фаолиятида ўзини ўзи ташкил этиш методларини кўлланишга имкон берувчи ташкилий тадқиқотчилик кўникмалари, илмий тадқиқот ишини режалаштириш, ўзини тахлил қилиш ва назорат этиш, тадқиқотчилик фаолияти жараёнида ўз харакатларини тартибга солиш;

3) манбалар билан ишлашга, экспериментал тадқиқот ўтказишга, далиллар воқеаларни кузатишга ва кузатиш маълумотларига ишлов беришга, натижаларни амалий фаолиятга жорий этишга имкон берувчи амалий (техник) тадқиқотчилик кўникмалари;

4) тадқиқотчилик фаолияти жараёнида ҳамкорлик усулларини кўлланишга, ўзаро ёрдам, ўзаро назоратни амалга оширишга, натижаларни муҳокама қилишга имкон берувчи коммуникатив тадқиқотчилик кўникмалари.

В.П.Бударкевич тадқиқотчилик кўникмаларига куйидагиларни киритади [37]:

- фаразларни илгари суриш масалани ечиш, топширикни бажаришнинг назарий асосланишларини амалий (экспериментал) текшириш учун тажрибалар, экспериментларнинг мақсадини ифодалаш;

- тадқиқотлар ўтказиш учун зарурый манба ва материаллар танлаб олиш;

- экспериментал қурилмани ишлаб чиқиш ва йиғиш, асбоб ва схемани тайёрлаш;

- тажрибаларни, экспериментларни амалга оширишда тадқиқотчилик харакатлари режасини тузиш ва уни тўғри бажариш;

- эксперимент натижаларини кузатиш ва қайд этиш;

- кузатишлар, тажрибалар, экспериментлар натижаларини тахлил килиш ва хуносалар чиқариш;

- техник муаммоларни ҳал этиш учун экспериментал-тадқиқотчилик фаолиятининг шаклланган усулларини кўллаш;
- эксперимент натижаларини химоя қилиш.

О.М.Митрошининг тадқиқотчилик кўникмалари системасини қуидагилар ташкил этади: тадқиқ этилаётган назарий манбанинг илғор гояларини мустақил ажратса олиш; бир жинсли муаммо бўйича турли хил манбаларнинг ҳолатини умумлаштириш ва баҳолаш; педагогик ҳодисаларни (далилларни) таҳлил қилиш, педагогик масалаларни ечиш, конструкциялаш кўникмалари; гипотезани ифодалаш, экспериментни ўтказиш, педагогик тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш [63].

Юқорида санаб ўтилган нуктаи назарларни эътиборга олиб, биз бўлажак қасб таълими технология ўқитувчиси эгаллаши керак бўлган асосий тадқиқотчилик кўникмаларига қуидагиларни киритдик:

- меҳнат фаолиятини илмий асосда режалаштириш ва ташкил қилиш;
- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш;
- дастлабки манбалар билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш;
- қизиқтирувчи муаммо бўйича илғор тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- олинган ахборотни шахсий амалий фаолиятга кўчириш;
- тадқиқотчилик масалаларини ечиш йўлларини аниқлаш;
- тадқиқотчилик масалаларни ечиш учун зарур воситаларни танлаш;
- тадқиқотлар ўтказишида ўзлаштирилган билимлар, кўникмалар ва малакаларни кўлланиши;
- анча катта хажмдаги ахборотдан асосий, аниқ ва энг муҳимини ажратса олиш;
- фаразни ифодалаш;
- эксперимент ўтказиш, амалларни бажариш учун кетган вақтни аниқлаш;
- илмий кузатувлар олиб бориш;
- иш натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- иш сифатини аниқлаш;
- фаолиятларни амалга оширишда ижодий ёндашув;

- фаолиятни ўзи таҳлил қилиш ва ўзи назорат қилишни амалга ошириш ҳамда уни қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тузатиш.

Олий таълим муассасаларида ҳар бир ўкув фани тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятларига мълум даражада эгадир. Бу масалага нафақат умумтаълим фанлари дарсларида умумкасбий ва маҳсус ҳамда педагогик туркум фанлари машғулотларида алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ихтисослик фанлари ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитларига яқиндир ва ўқитишини тадқиқот элементлари билан бирга ташкил этиш кўп жихатдан талабаларни замонавий ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишга тайёрлади.

Аммо педагогика амалиётида кўрсатишича, маҳсус фан ўқитувчилари ҳар доим ҳам ўкувчиларнинг тадқиқотчилик сифатларининг шаклланишига самарали ёрдам берадиган даражада ўқитиши жараёнини доимо ташкил этишлари мумкин.

Касб таълим йўналишларида ўқитиладиган “Маҳсус фанларни ўқитиши методикаси” фани тадқиқотчилик кўникмаларини муваффақиятли шакллантириш учун кулай асос бўлиб хизмат қиласди. Айнан “Маҳсус фанларни ўқитиши методикаси”да ихтисослиги асосини ташкил этувчи маҳсус фанларни ўқитиши методикасида ўргатилади. Бироқ бу йўналишда самарали ишлаш учун мълум шароитлар яратиш зарур. Биринчидан, ўзи тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қодир бўлган ўқитувчи керак; иккинчидан, шундай ўқитиши дастури ишлаб чиқилиши керакки, унда бўлажак ўқитувчиларда объект ҳодиса, жараён ёки вазиятни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш, таққослаш, баҳолаш, тадқиқ қилиш кобилияти, технологияларини самарали шакллантиришга, уларни ўз ишини олдиндан кўра олишга имкон берадиган барча жихатлар намоён бўлсин.

Бир қатор олимлар мазкур масалаларни мълум даражада ҳал қилишга имкон берувчи илмий ва педагогик тадқиқотлар ўтказилган.

Бу ишларда бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятига етарли даражада тайёрламаслиқдан келтириб ўтилган. Биз томондан Олий таълим муассасаларида касб таълим ўқитувчиларни тайёрлаш йўналишларига ихтисослик фанлардан дарс берадиган

ўқитувчилардан сўровнома ўтказилди. Сўровдан ўтказилган 112 та ихтисослик фани ўқитувчисидан 62,5%и унча мураккаб бўлмаган тадқиқотларни ўтказишида қийналишини ҳамда талабалар билан тадқиқот ишларини ташкил этишида қийинчилекларга дуч келишини айтишган. Таълим муассасаларида талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ўргатишнинг тўғри ташкил этилиши, уларни реал замонавий ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқотчилик фаолиятига сифатли тайёрлашга, албатта изжобий таъсир кўрсатади. Педагогик амалиётда ҳам бўлаjak ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг катта тажрибаси тўпланган.

Шу ўринда биз талабаларнинг меҳнатга тайёрлашда уларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосини ўргандик.

Дастлаб тадқиқотчилик кўникмалари рўйхатини аниқладик, уларнинг талаба шаклланганлигининг мезонларини ва даражаларини аниқладик. Экспериментал текшириш натижасида биз «лаборатория – амалиёт ишларини муаммоли қўйиш тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиш самарадорлигининг ошишига имкон беришга, таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рафбатлантирувчи восита ва методларнинг киритилиши эса изжобий таъсир кўрсатиши, жавобгарлик хиссини, ишни ўтказишга қизиқиши оширишга, бу эса умуман уни бажариш маҳсулдорлиги юкори бўлишга имконият яратишга гувоҳ бўлдим». Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши самарадорлиги илгари сурилаётган тадқиқотчилик топшириклари ҳаётий режаларга, изжодий тайёргарлик тажрибасига ва юкори синф ўқувчиларининг бошқа шахсий хусусиятларига қай даражада мос бўлишига боғлиқ экан.

А.Г.Иодко томонидан таълим олувчиларда кимёни ўқитиши жараёнида тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган [48].

Т.А.Камишникова ўқитишида тадқиқотчилик ёндашувини ўкувчиларда билишга оид мустақилликни ривожлантириш, изжитмоий фаол шахснинг ривожлантириш сифатида фойдаланди [52].

Т.Н. Байраба кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитишида тадқиқотчилик методидан фойдаланиш самарадорлигининг дидактик шартларини аниклади [29].

Педагогика таълим муассасаларида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўнималарининг шакллантирилиши муаммосини Д.И. Митрош ўрганди [63]. У тадқиқотчилик кўнималарининг моҳиятини, улар шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятларини аниклади. Ўз тадқиқот давомида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўнималари шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим психологик-педагогик механизмларини аниклади. Буларга: ўқувчиларнинг ижтимоий ва психологик-педагогик қизиқишлигининг кенглигини шакллантирувчи ва касбий фаолияти соғи ижодий фаолият эканлигини англашни рағбатлантирувчи ўкув фаолиятининг мазмуни ва ташкил этилиши; назарий ўқитишининг ўқувчиларнинг узлуксиз амалий фаолияти билан алоқаси; боланинг аниқ шахси ривожланиш фаолияти сифатидаги касбий фаолиятига ўзининг назарий-амалий тайёрлигининг мунтазам рефлексиясини киритди.

Тадқиқотчилик кўнималарини эгаллашга кўрсатма ўқувчиларнинг ўзига талабчанлиги даражасини оширади, уларнинг интеллектуал фаолиятини фаоллаштиради ва уларда ақлий меҳнат маданиятининг шаклланишига ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларда талабаларида тадқиқотчилик кўнималарининг шакллантириш ва ривожлантариш муаммоларини С.Т. Арсенова [16], Е.И. Барчук [30], З.А. Исаева [49] ва бошқалар ўрганишган.

Талабаларда тадқиқотчилик кўнималарни шакллантириш уларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш ва касбий компетенцияларни ҳосил қилиш учун биринчи навбатда уларда ўз-ўзини ривожлантариш ва интеллектал қобилияtlарини ривожлентариш зарур.

В.Н.Литовченко ўзининг диссертация ишида педагогика соҳасида таълим олаётган талабаларнинг тадқиқотчилик кўнималари моҳиятини аниклаб, уларнинг шаклланиш тузилмасини, мезонларини, даражаларини ва йўлларини белгилаб беради [59].

Баъзи тадқиқотларда талабаларнинг тадқиқотчилик кўнималари тадқиқотчилик фаолияти тузилмаси асосида ажратиб

курсатылган ва уларни лаборатория ҳамда амалиёт шароитида шакллантириш йўллари белгилаб берилган.

Е.И.Барчукнинг илмий иши олий мактабда лаборатория машгулотларида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши жараёни таҳлил қилишга бағишлиланган [30]. Унинг илмий ишида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши юз берадиган билимлар тузилмаси илмий-эмпирик тадқиқотларнинг жараёни обьекти, предмети ва тузилмаси тўғрисидаги, тадқиқотчи экспериментаторнинг фаолияти таркиби ва тузилмаси тўғрисидаги, умумий илмий хусусиятли методологик билимлар тақдим этилган ва аниқ обьект, предмет ҳамда аниқ фан методлари тўғрисидаги аниқ илмий хусусиятга эга методологик билимлар, тадқиқотчи – фаолиятининг ўзига хос хусусияти тўғрисидаги билимлар тақдим этилган.

Диссертация тадқиқотларини ва психолого-педагогик адабиётни таҳшил қилиб, биз кўпчилик олимларнинг талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш илмий изланишлар обьекти сифатида олиб борилиши керак деган фикрни маъқуллашларини аниқладик.

Тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланиши асосини таълим олувчиларнинг кўпинча одатдаги масалалар ва топшириқларни бир қаторда тадқиқотчилик масалалари ва топшириқларни бажаришларини ташкил этади. “Аммо бажарилиши жараёнида факат муаммоли вазиятларгина эмас, балки талабалар муаммони ҳал этишнинг янги усулини мустакил топадиган топшириқларни ҳам тадқиқотчилик топшириқлари деб ҳисоблаш мумкин”.

Тадқиқотчилик топшириқлари - тадқиқотчилик жараёнининг барча ёки кўпчилик босқичларини босиб ўтилишини талаб этувчи топшириқлар бўлиши керак. Бундай топшириқларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Даилиллар ва ҳодисаларни кузатиш ҳамда ўрганиш.
2. Тадқиқ этилиши лозим бўлган номаълум ҳодисаларни аниқлаштириш (муаммони кўйиш).
3. Гипотезани (фаразни) илгари суриш.
4. Тадқиқот режасини тузиш.
5. Ўрганилаётган жараёнлар бошқа ҳодисалар билан алоқаларини аниқлашдан иборат режани амалга ошириш.

6. Ечимни текшириш.
7. Олинган билимларнинг кўлланилиши мумкинлиги ва зарурлиги тўғрисида амалий холосаларни шакллантириш.

Тадқиқотчилик саволлари ва топширикларига оид муаммоларни ҳал этишга, мустақил ҳолда ихтиро ва қашфиётларни топишга йўналтирилган фаол изланувчан фаолиятни вужудга келтиради”. У тадқиқотчилик топширикларни бажаришнинг қуидаги босқичларини ажратиш мумкин:

- таклиф этилган тадқиқотчилик масаласини тушуниш ёки уни мустақил ифодалаш;
- мавжуд билим, кўнинма ва малакаларни долзарблаштириш;
- билимлар етишмаслигини англаш;
- билимларни кузатишлар, китобларни ўкиш, тажрибалар ўtkазиш, ўқитувчи билан сухбат қуриш ва ҳоказо йўли билан тўлдириш;
- фаразни илгари суриш;
- илгари сурилган фаразни асослаш;
- холосани ифодалаш ёки умумлаштириш.

Юқорида санаб ўтилган умумий тадқиқотчилик топширикларини бажариш босқичларини эътиборга олиб биз касб таълим ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида тадқиқотчилик топширикларини бажариш учун қуидаги босқичлар зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Тадқиқотчилик топшириги ёки муаммосининг мазмунини англаш.
2. Мазкур топшириқ бўйича билимларни фаоллаштириш, уларнинг камчиликларини аниqlаштириш.
3. Кўшимча адабиётларни ўкиш йўли билан билимларни ошириш манбалар керакли маълумотларни мустақил излаш ва топиш.
4. Фаразни илгари суриш.
5. Тажрибага тайёргарлик кўриш (ҳаракат режасини тузиш, бажариш кетма-кетлигини тузиш).
6. Тажрибани ўтказиши.
7. Кузатиш ва натижаларни қайд этиши.
8. Натижаларни дастлабки фараз билан таққослаш.
9. Натижаларни таҳлил қилиши.

Психологик – педагогик ва диссертация тадқиқотларини таҳлил қилиш ва изланишлар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш муаммосини кўпчилик олимлар ўрганишганини, бироқ бугунги қунга келиб касб таълими ўқитувчисини касбий педагогик тайёрлаш соҳасида унинг куйидаги муаммолар етарлича кўриб чиқилмай қолганлиги тўғрисида холоса чиқариш мумкин:

1. Таълим олувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш.

2. Тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик мезонлари ва даражаларини ишлаб чиқиши.

3. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунига дидактик талаблар ишлаб чиқиши.

4. Шакллантириш жараёни бошқаришнинг психологик – педагогик асослари графиги.

5. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиши.

Касб таълимида ўқитища илмий билимлар тизимини баён қилиш билан бирга талабаларни мутахассисликка амалий тайёрлаш тавсифидаги бир қатор тадқиқотчиликка оид билим, кўникма ва малакалар билан ҳам куролланиши муҳим. Шунинг учун, ўқитиша жараёнини такомиллаштириш ҳакида гапирганда бўлажак касб таълими ўқитувчиларига факат янги билимларни баён этиш усусларини такомиллаштиришни кўзда тутмай, балки ўқув ишида тадқиқотчиликка оид амалий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш услубини такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг келажак фаолиятдаги муввафқиятлари эса, улар касбий маҳоратининг нечоғлик шаклланганлигига боғлиқ. Бу эса, мутахассисликка оид назарий билимларни эгаллаш жараёнини интеллектуал (заковатли) маҳоратлари (таҳлил, таққослаш, синтез, абстраклаш ва бошқалар)нинг ва амалий тавсифидаги кўникмалари (кузатиш, ҳодисаларни ўрганиш, ҳисоблаш, тажриба ўтказиш ва бошқалар)нинг ривожланиши узлуксизлиги билан алоқадордир. Шу мъянода, касбий таълим йўналишлари бўлажак ўқитувчиларни тадқиқотчиликка тайёрлаш мазмуни ва услубий таъминотини такомиллаштириш моҳиятини-касбий

махоратлар структураси ва улар шаклланиш жараёни хусусиятларининг таҳлили, маҳоратлар шаклланганлигининг умумий мезонини, улар асосида эса касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берадиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат занжир деб, у ўкув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги сифатида мутахассисликка тайёрлашнинг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган мантикий тизим дейиш мумкин.

### **1.2-§. Бўлажак қасб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи омиллар**

Энциклопедик луғатларда “омил” атамаси “бирор жараён, ходисанинг хусусиятини ёки айрим жиҳатларини белгиловчи сабаб, харакатлантирувчи куч” ёки “Омил – бирор жараёндаги, ходисадаги пайт, муҳим ҳолат” сифатида таърифланган.

Ўзбекистонлик олимлар тузган педагогика фанидан изоҳли луғатда, омил – муайян бир гурухга кирувчи иккита илк маҳсус сабабдан ташкил топган аҳамиятли сабабдир деб таърифланган [107].

Педагогик олим В.А. Мижериков тузган психологик – педагогик луғатда бундай таърифланган: “Педагогик омил – бошқа бир ходисанинг харакатлантирувчи кучи бўлган ҳар қандай педагогик ходиса”.

Турли хил педагогик асарларни таҳлил қилиб чиққан И.П.Подласий: “Омил – бу бир гурухдаги камида иккита алоҳида сабаблардан ташкил топган катта сабабдир”, деб хисоблади [77].

Бундай алоҳида сабабларни элементар сифатида қараб чиқиши мақсадга мувофиқ. Сабаблар дидактик жараён давомида ўзгариши, турли хил қийматларни қабул қилиш мумкин бўлиб, уларнинг таъсир кўрсатиш жадаллиги ўзгаришсиз қолмайди.

Шундай қилиб, омил сабабдан ташкил қилинади. Ягона омиллар бирлашмасидан умумий омиллар ҳосил бўлади. Умумий омиллар биргаликда мажмуавий омилларни ҳосил қиласди, улар ўз навбатида олдиндан мажмуавий, умумий ва бирлик омилларга келтирилган

маълум гурухдаги барча сабабларни истисносиз бирлаштирувчи бош омилларни ҳосил қиласди.

Яна ўзига хос омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни маълум бир сабабга кўра умумий ёки мажмуавий омиллар таркибига киритиб бўлмайди.

И.Н. Подласий дидактик жараёнининг маҳсулдорлигига таъсир кўрсатувчи тўртта бош омилни ажратади [77]:

- ўкув материали;
- ташкилий педагогик таъсир;
- талабаларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштириши;
- вакт.

Бу омиллар бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам муҳим бўлиб қолади.

Аммо И.Б.Подласий уларни мактаб ўкувчиларини ўқитиши жараёнига нисбатан қўлланилишга қараб ажратган эди. Талабалар ҳам ўкувчиидир, факат ёш каттароқдир. Шунинг учун биз бўлажак ўқитувчиларни ўқитишнинг касбий йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, кисман ўзгартириб, уларни ўзимизнинг тадқиқотимиз учун ҳам қўллашимиз мумкин.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига ва натижасига қуидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади:

- I. Ўкув материали.
- II. Ташкилий – педагогик таъсир.
- III. Талабаларнинг ўқитилиши ва ўзлаштириши.
- IV. Вакт.
- V. Ўқитишнинг касбга йўналтирганлиги.
- VI. Ўқитишик ижодий ёндашув.
- VII. Ўқитувчининг малакавий даражаси.

Булардан ҳар бирининг мазмунини батафсил кўриб чиқамиз.

#### I. Ўкув материали.

Унинг таркибига зарурий равишда ўкув материалининг мазмуни кириши керак, биз уни талабаларга тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун тақдим этамиз.

Ўқув материали мазмуни деганда ўқув предметини ўрганиш учун ажратиб олинган билимлар ва кўниҳмалар системасини тушунамиз.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўниҳмаларини шакллантириш, ўқув материали мазмунини ишлаб чикиш учун кўйидаги тамойиллардан фойдаланиш зарурлигини кўриб чиқамиз:

- тадқиқотчилик фаолияти асосини ташкил этадиган асосий конунлар, тушунчалар, коида ва тоифаларини ўрганишни назарда тутувчи илмийлик тамойили;
- аудитория ва аудиториядан ташкари ўқишининг барча турларини қамраб олувчи мажмуавий ёндашувни ишлаб чикиш ва амалга ошириш ҳисобига эришиладиган тизимлилик ва изчиллик тамойили;
- талабаларнинг тадқиқотчилик кўниҳмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунини режалаштиришдан ривожлантиришгача иборат бўлган кетма-кетлик тамойили, бунда ҳар бир янги билим аввалгисига таянди ва ундан келиб чиқади;
- билим захираларнинг барча турларидан максимал даражада фойдаланиб фаол, ижодий, эркин шахснинг шаклланишини таъминловчи инсонийлик тамойили;
- ўйинлар, тренинглар, муаммолар, тадқиқотчилик топширикларидан фойдаланиб, фаоллаштирилган ўқитишининг қулагайлик ва эришувчанлик тамойили;
- назарий билимларни лаборатория ва амалий машғулотлардаги ҳамда амалиёт давридаги реал тадқиқотчилик фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришдан иборат бўлган алоқадорлик ва узвийлик тамойили;
- талабаларнинг ёш имкониятларига ва индивидуал хусусиятларини инобатта олиш тамойили;
- талабалар мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи ижодкорлик тамойили.

Касб таълими йўналиши талабаларида тадқиқотчилик кўниҳмаларини муваффакиятли шакллантириш жараёнига мажмуавий ёндашишни амалга ошириш лозим. Биз касб таълими учун ўқитувчи кадрларни тайёрлаш муаммосини ҳал этишга энг самарали ёндашишларини аниқлаш масаласида психологик-педагогик

адабиётларни таҳлил қилингандан сўнг шундай хуносага келдик. Касб-хунар коллежи ўкувчиларининг техник ижодиётига раҳбарлик қилиш билан танишиб, мажмуавий ёндашув қўлланилганлиги гувоҳи бўлдик (техник ижодни биз тадқиқотчилик фаолиятининг ажралмас қисми сифатида қараймиз).

В.Г.Гетт ва А.М.Плутокнинг фикрларича, устахоналарда ўкув амалиётларини, маҳсус фанларни, лаборатория машғулотларини ўргатиш жараёнида умуман, ўқитишининг бутун даври мобайнида тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантириши ва ривожлантиришига йўналтирилган фаолиятлари мақсадига йўналтирилган ҳолда олиб бориши лозим [42].

Талабаларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришига мажмуавий ёндашишнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини В.П.Тигров ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, касб таълими йўналишлари талабаларининг техник ижодиётини ривожлантиришига мажмуавий ёндашишни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, у талабаларнинг бутун ўқитиш даври давомида биринчи курсдан битирув курсигача ижодий фаолиятига киришишини назарда тутади” [92].

Талабаларда тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлик муаммоларни ҳал қилиш учун олий ўкув юрти ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолиятига талабаларнинг муносабатларини билиш зарур. Бу унга талабаларнинг тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунини, шакллари, методларини ва амалга ошириш босқичларини аниқлаш имконини беради.

Биз тадқиқотимизнинг дастлабки босқичларида талабаларда тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантириш муаммосини ўрганиш билан чекландик. Изланувчи эксперимент жараёнида касб таълими йўналишлари 3-4 курс талабаларининг ўқитувчилик касбини эгаллашда тадқиқотчилик қўникмаларига қандай аҳамият берадётганларини таҳлил қилишга уриниб кўрдик. Ёпик турдаги анкета сўровларини ўтказишида (талабалар сони ..... нафар) бундай саволга жавоб бериш таклиф этилган эди: “Сизнинг фикрингизча, касб таълими ўқитувчисининг касбий ва педагогик шаклланишда тадқиқотчилик қўникмалари ва малакаларининг аҳамияти қандай?”. Жавобларнинг характеристири таклиф этилган учта вариантдан бирини танлашни талаб қиласа эди:

1. Тадқиқотчилик кўникмаларини бўлажак ўқитувчини тайёрлаш жараёнида ва унинг педагогик фаолиятида алоҳида қилиб ажратиш шарт эмас.

2. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш – бўлажак ўқитувчини педагогик ва касбий фаолиятига тайёрлаш жараёнидаги шартларидан биридир.

3. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш – бўлажак ўқитувчининг унинг келгуси фаолияти учун зарур ва асосий шартдир.

Тадқиқ этилаётган объектга нисбатан муносабатларнинг учта варианти аниқланди: ижодий, нейтрал, салбий сўров натижалари жадвал шаклига келтирилган бўлиб унда талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини эгаллашга ўқитувчини педагогик фаолиятига тайёрлаш жараёнининг шарти сифатидаги муносабати акс эттирилган (1.1- жадвал).

#### 1.1-жадвал

**Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига муносабати**

Талабаларнинг муносабати	Ўқитиши курслари, талабалар сони				Ўртacha
	1-курс (74 киши)	2-курс (72 киши)	3-курс (68 киши)	4-курс (65 киши)	
1-Ижобий	63,2%	64,4%	71,4%	72,3%	67,7%
2-Нейтрал	28,6%	28,6%	24,1%	21,5%	25,7%
3-Салбий	8,2%	7,0%	4,5%	6,2%	6,6%

Жадвалда акс эттирилган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятига тадқиқотчилик кўникмалари аҳамиятини баҳолаш курсдан курсга ўтган сари (I – 63,2%; 4-72,3%) тадқиқотчилик кўникмаларини эгаллашга ижобий фикр билдирганлар сони бўйича ўртача ортиб борган. Талабаларнинг 25,7%и тадқиқотчилик кўникмалари ва малакаларининг касбий аҳамиятига ўртача муносабатда бўлинган 6,6%, яъни ҳар ўнинчи талаба, касб таълим ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида тадқиқотчилик кўникмаларининг аҳамиятини салбий қабул қиласди.

Сиз тадқиқотчилик кўнигма ва малакаси деганда нимани тушунасиз? 72% талабалар тадқиқотчилик деганда мустақил изла-нувчанлик, тажрибалар ўтказиш, ижодий қобилиятни тушунишган, 15% талабалар ихтирочилик яратувчилик деб тушунишган, 5% талабалар лойихачилик деб, 7% тушунчалари унчалик йўқлигини айтишган. Демак, биринчи курсданоқ талабаларга уларнинг касбий-педагогик фаолиятида тадқиқотчилик кўнигмаларини эгаллаш-ларининг педагогик аҳамиятини кўрсатиш ва уларни ўкув жараёнида шакллантириш зарур.


Ўтказилган тажрибалар асосида олинган маълумотлар тала-баларда ўрганишга бўлган фаоллик, қизиқиши ва эҳтиёжни намоён қиласидиган тадқиқотчилик кўнигмаларини эгаллашга талабаларнинг муносабати мураккаб ва кўп қиррали эканлигини кўрсатди. Бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжи – ўз фанини яхши биладиган тадқиқотчилик кўнигмаларига эга педагогик технологияларни чукур ўзлаштирган малакали педагогик кадрлардир.

Тажриба-синов ўтказилган гурӯхларда маҳсус фанлар бўйича 50 дан ортиқ машғулотлар таҳлил қилинганда ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўнигмалари ва малакаларини шакллантириш жараё-нининг моҳиятини тушунишлари, уларнинг маърузада, семинар ва лаборатория машғулотларида ўқитиш жараёнини ташкил этиши билан талабаларни бу жараён моҳиятини тушунишлари ўргасидаги ўзига хос боғлиқлиги намоён бўлди. Масалан, сўроқланган биринчи ва иккинчи курс талабаларининг 62,6%и ва 54,2%и ўқитувчилар тадқиқотчилик кўнигмаларини шакллантирувчи фаолиятларни бажариш бу асосий талаб бўлиб, уни албатта бажариш шарт деб ҳисоблашади. Мустақил иш сифатида бажариш керак деб талаба-ларнинг факат 16%и ва ўқитувчиларнинг 29,2%и ижобий фикр билдирган. Талабаларнинг 12%и касбий шаклланиши учун мунтазам равишда тадқиқотчилик иши билан, ўзини ўқитиш билан шуғул-ланиш зарур деб ҳисоблади. Ўқитувчиларнинг 42%и ҳам шу фикрда. Яхши касбий билимларни эгаллаш учун тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиш ва билимга фаолликни намоён қилиш бурчи ҳиссини 6% талабалар ажратиб кўрсатиши.

Мазкур муаммо олий ўкув юрти ўқитувчиси томонидан талабаларда тадқиқотчилик кўнигмаларини шакллантириш жараё-нини ташкил этишга комплекс ёндашиш орқали муваффақиятли ҳал

етилиши мумкин. Биринчи курсда ўрганиладиган фанларнинг асосий ўкув материалига кўшимча равища маҳсус ишлаб чиқилган кўшимча материаллар орқали талабаларни тадқиқотчилик, билимлари, кўнікмалари ва малакалари, таҳлил, синтез ҳамда тадқиқотчилик фаолияти боқичлари ва бошқа шу каби тушунчалар билан таниширилади.

Ўқитишининг иккинчи йилида ўқув устахоналарида амалиётни ўтиш даврида талабалар ишлаб чиқариш фаолияти учун хос бўлган тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш назарда тутилади. Бу даставвал амалий ўкув материалларидан фойдаланишга, ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этишга, натижаларини таҳлил қилишга ва унинг самарадорлигини оширишга тадқиқотчилик ёндашуви шакллантирилади. Бу боқичда талабаларга айнан бир хил ишни турли хил усуллари билан бажариш мумкинлигини ва уни амалга ошириш йўлини танлашдан олдин унинг иқтисодий, эстетик ва бошқа мақсадга мувоғик хусусиятларини белгилаб берувчи тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширилиши кераклигини намойиш қилиш лозим (1.1-расм).



Учинчи курсда талабаларни педагогика ва психология соҳасида тадқиқотлар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ва усуллари билан танишириш зарур. Бу мақсадда психологик-педагогик блокидаги фанларни ўрганиш жараёнида турли хил муаммоли ўйинли технологиялар ва мустақил изланувчанликни талаб этувчи фаол методлардан фойдаланиш зарур. Бироқ бизнинг фикримизча, педагогик амалиётни ўтказишдан олдин ўқитишининг бу боскичида ишлаб чиқариш устахоналаридағи амалий таълимни, педагогика ва психология назарий ўқитишини бирга қўшиб олиб бориши ҳисобига талабалар тадқиқотчилик тайёргарлигини кучайтириш керак. Буни ўкув устахоналаридағи машғулотларда турли ролли ўйинларни ташкил этиш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Бунда талаба ўқитувчи ролида иш олиб бораётганда ва ўз тенгдошларига дарс берган бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий педагогик малакали тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш куйидаги элементларига асос солинади: педагогик масалаларни ечишнинг оқилона йўлларини аниклаш, “Ўқитувчи ва талаба фаолиятини аниклаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, дарсини таҳлил қилиш ва ҳ.к. Бундай машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ўзини оклади, чунки, талаба нафақат педагогик тайёргарликни ўтайди фаолиятига янги соҳаси ўкувчиларни, балки реал касбий тадқиқотчилик фаолияти учун асосни ҳам шакллантиради.

Тўргинчи курсда педагогик амалиёт ўтиш даврида талабалар таълим олишнинг янги сифатига ўтади. Булар энди ўзининг бўлажак касбига ташқаридан эмас, балки ичкаридан “Назар ташлаган” кишилардир. Олинган билимларни амалда реал фойдаланиш қобилиятлари, олинаётган билимларни кейинги фаолиятларда кўллаш нуқтаи назаридан муносабат шаклланади. Бизнинг фикримизча, бу боскичда ўқитишини ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда касбий тадқиқотчилик билимларни кўникмалари ва малакаларини янада ривожлантиришга йўналтириб ташкил қилиш лозим. Айнан шу даврда талаба олдига шундай педагогик муаммони қўйиш лозимки, уни ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Битирув малакавий иши доирасида педагогик тадқиқот ўтказиш бўлажак касб таълими ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини онгли эгаллашнинг асосий бўғини бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, агар талаба тадқиқотчилик билимларини

амалда қўллай олсагина бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўникумаларини шакллантириш ва ривожлантириш самарали ва таъсиран чан бўлади.

Билимларни амалий кўникумаларга ўтказишни амалга ошириш имконини берадиган битирув олди амалиётини ўтказиш жараёни бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникумаларини шакллантиришнинг якуний босқичи элементи ҳисобланади.

Битирув малакавий иши химояси ўқитувчи-тадқиқотчини тайёрлаш жараёнига якун ясади. Ҳимоя қилиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўзининг тадқиқотчилик кўникумаларини касбий фаолиятида аниқ татбиқ этилишини намоён этадиган шароитга қўйилади.

Олий ўқув юртларида битирув малакавий ишларини бажариш бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик малакасини оширишнинг самараси ҳисобланади. “Талабанинг битирув малакавий иши мавзуси устида ишлаши “Назарий билимларни чуқурлаштириш, аввал ўзлаштирилган билимларни тартибга келтириш ва уларни қўйилган муаммони амалий ҳал этиш жараёнида тўлдириш, тадқиқот, эксперимент ва мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириш билан боғлиқдир”.

Ўқув материалини тартибга келтирувчи жиҳатлардан бири уни тақдим этиш тузилмаси ҳисобланади.

Ўқув материалини тақдим этиш тузилмасини аниқлаб, биз куйидагиларда тўхталамиш:

- Илгари ўрганилган билимлар янги маълумотлар, алоқалар, боғланишлар билан бойитилиб бир неча марта такрорланади.
- Таълим олувчи дастлабки муаммони тушуниб уни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган билимлар доирасини аста-секин кенгайтиради ва чуқурлаштиради:
- Ўқув материали мазмунининг алоҳида қисмлари турли ҳил усуллар билан баён қилинади.

## II. Ташкилий педагогик таъсир

Унинг таркибига аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлардаги ташкилий педагогик таъсирлар киради.

Аудитория машғулотларида ташкилий-педагогик таъсир таркибига бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик

кўнималарининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига ва натижасига таъсир кўрсатувчи куйидагилар киради.

1. *Ўқитиш ва ўргатиш методлари.* Биз тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёнини ташкил этишда сұхбат, муаммоли маъруза, мунозара, машқ, лаборатория услуби, ижодий ва амалий ўйинлар, лойиҳали ва вазиятли топширик каби фаол методлардан фойдаланишини назарда тутамиз. Бундан ташқари, ижодий ва изланувчанлик масалаларнинг ечимини излашни фаоллаштирувчи турли хил методлардан фойдаланиш (аналог, ўхшашларини излаш, функционал – қийматли таҳлил, морфологик таҳлил, ақлий ҳужум, ихтиро-чилик топшириқларни ечиш алгоритми ва бошқа) тавсия этилди.

2. *Ташкилий шакллар.* Биз ўқитиш жараёнини шундай ташкил этамизки, бунда талабалар тадқиқотчилик топшириги устида унинг мураккаблик даражасига қараб якка тартибда ҳам, кичик гурухларда ҳамда жамоа бўлиб ишлай олишади. Шунинг учун тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришда ўқитишнинг турли хил яъни, якка тартиб жуфтликда ва кичик гурухларда ишлаш шаклларда фойдаланиш яхши натижга беради.

3. *Ўқув вазиятлари.* Ўқув материалларини талабаларга самарали етказища ўқув вазиятлари муҳим роль ўйнайди. Демак, маърузаларда назарий материалларини узатишда, талабаларнинг билимларини мустақил ўзлаштириш жараёнида ўқув вазиятларини қўллаш яхши самара беради, шунингдек, талабаларнинг билимга оид фаолликларини оширади.

4. *Иш натижсаларини назарий таҳлил қилиши, текшириши ва баҳоласи.* Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўнималарининг шаклланганлик даражасини назорат қилиши унинг сифатига жиҳдий равища боғлиқ бўлади, аммо шуни таъкидлаш жоизки, бунда талаба ўқитувчи томонидан доимий кузатувда эканлигини сезмасин, акс ҳолда бу унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Педагог ўз баҳосини қўяр экан, у талабаларга буни асослаб бериши ва нима учун бу баҳони қўйганилигини тушунтириб бериши керак.

5. *Ўқув жараёнини жиҳозлаши.* Моддий техника базаси бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўнималарига муваффақиятли ва самарали шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёни учун куйидагилар мавжуд бўлиши зарур:

- маъруза учун замонавий жиҳозланган аудитория;
- ўқув лабораториялари;
- ўқув устахоналари, улар талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини бажариш учун зарур жиҳозлар, яъни лаборатория жиҳозлари, станоклар, тадқиқотчилик ишини бажариш учун турли хил мосламалар билан таъминлаш керак.

*6. Ўқитиши воситаларининг қўлланилиши.* Ўқитиши воситалари талабалар ўзлаштириш сифатига, уларнинг аклий ривожланишига ва касбий қарор топтиришга катта таъсир кўрсатади, шунингдек, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда ўқитиши жараёнини сифатли ташкил этишга имкон беради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш учун биз ўқитишнинг турли босичларида хар хил дидактик воситалардан фойдаланамиз. Буларга:

- дарслерлар ва ўқув кўлланмалар;
- жадваллар, моделлар, макетлар ва бошқа воситалар;
- ўқув техник воситалар;
- ўқув лаборатория жиҳозлари ва бошқалар;
- идеал воситалар;
- схемалар;
- ўқув хариталари;
- чизмалар;
- слайдлар;
- электрон таълим ресурслари;
- графиклар ва бошқалар киради.

Шуни таъкидлаш жоизки, талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан самарали фойдаланиш яхши самара беради.

*7. Ўқитиши шароитлари.* Ўқитишнинг сифати унинг шароитига боғлиқ бўлиб ўқитиши жараёнини самарали ташкил этишда бизнинг фикримизча куйидагилар зарур:

- санитария-гигиеник тартибини яратиш (иссиқлик, ёруғлик, сув, тозалик);
- ўқув лабораторияларининг машғулот ўтказишга тайёр эканлиги, техника хавфсизлигини таъминлаш;

- замонавий техника ўқитиши воситаларининг мавжудлиги ва улардан унумли фойдаланиш;

- машғулотларда ортиқча юкланишга ва кучланишга йўл қўймаслик.

8. *Ўқитувчига талаблар*. Малакали педагогга асосий талаб унда педагогик маҳорат ва қобилиятларнинг шаклланганлигидир. Педагогга талабларни белгилаб, биз педагогик маҳорат ва қобилиятларга кўйидагилар киради, деган хуносага келдик:

- Ташкилотчилик;
- Дидактик;
- Методик;
- Коммуникатив;
- Ижодий қобилият;
- Тадқиқотчилик;
- Илмий билимлилик;
- Мустақиллик.

И.П.Подласий педагогнинг энг муҳим касбий сифатларига деб кўйидагиларни киритади: ўқитиши фанини яхши эгаллаганлик, психологик тайёргарлиги, умумий эрудиция, кенг маданий маълумот, педагогик маҳорат ва ўқитиши технологияларини эгаллаганлик, ташкилотчилик кўнкимлари ва малакалари, педагогик одат, педагогик техника, муомала технологияларига эга бўлиши, нотиқлик санъати ва бошқа сифатлар [77].

Г.Соатова касб таълими ўқитувчисига замонавий таълим шароитида қўйидаги талаблар кўйилишини келтирди [90]:

1. Техника олий ўкув юргларида бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳамда назарий методик асосларини ўрганиш.

2. Бўлажак касб таълим ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги методикаларини ишлаб чикиш.

3. Бўлажак касб таълим ўқитувчисининг педагогик маҳоратни мустақил эгаллашга эҳтиёж ва ҳавасни уйғотиш, шахсий қобилиятларини ривожлантириш.

4. Педагогик – психологик ва методик билимларини амалда қўллаш учун ҳар бир талабада шахсий педагогик маҳоратни шакллантириш.

5. Ўз педагогик маҳоратини такомиллаштириш мақсадида уларда доимий малака ошириб бориш тўғрисида малакаларни шакллантириши.

6. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларни ўтказиш технологияларини ишлаб чиқиши.

7. Бўлажак касб таълими ўқитувчисида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш малакаларини ривожлантириши.

Биз мазкур масала бўйича унинг фикрига қўшилган ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўниммаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи ўқитувчи ўзи бу қобилиятга яхшироқ эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўқитувчи: “Ўзи яхши билган ва уддасидан чиқсан нарсани ўқувчига яхшироқ ўргатиши мумкин.” Шунинг учун ҳам талабаларида тадқиқотчилик кўниммаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчида юқорида келтирилган қобилият ва малакалар мавжуд бўлиши керак.

9. Талабага қўйиладиган талаблар. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўниммаларини шакллантириш учун унда тадқиқотчилик фаолияти таянадиган бошланғич билимлар зарурдир. Агар бундай таянч билимлар бўлмаса, у ҳолда уларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишни бошлаш мумкин бўлган даражага олиб чиқиш керак. Шунинг учун талабаларга қўйиладиган зарурий талаб уларда тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ва унга интилиш истагининг мавжуд бўлишидир. Шунингдек, талабаларга қўйидаги талаблар ҳам қўйилади: уй топширикларини бажариш, мустақил ишларни бажариш, машғулотларда иштирок этишдир.

Яна бир талаб (аудиториядан ташқари машғулотларда педагогик таъсир) таркибига бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўниммаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи кўйидаги ташкил этувчиларни инобатга олиш зарур:

— четдан (ота-оналар, дўстлар) ёрдам беришнинг ҳажми ва хусусияти;

— оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ва қўшимча адабиётлар ўқиши;

- мустақил тадқиқотчилик ишини ташкил этиш.

### **III. Талабаларни ўқитиши ва ўргатиши омилни.**

Талабаларнинг ўқитиленганини деганда биз ажратилган вакт ичизда белгиланган ўкув натижаларга эришиш имкониятлари билан бирга талабаларнинг ўқишга бўлган қобилиятини тушунамиз. Мазкур омилга куйидаги икки жиҳат киради:

1. Аудитория машғулотларида ўқитиши. Аудитория машғулотларида ўқитища талабаларни тадқиқотчилик кўникмаларининг шакллантириш жараёни куйидаги ташкил этувчиларга боғлиқ бўлади:

- талабаларнинг умумий тайёргарлик даражасига;
- талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини эгаллаш қобилиятларига;
- талабалар диққатига, асаб тизимига, мижозига, шахсий фазилатларига;
- талабалар фикрлаш қобилиятига;
- тадқиқотчилик кўникмаларини онгли ва пухта ўзлаштиришга бўлган психологик хусусиятларига;
- ўқишга қизиқишига ёки талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланиши мақсадини қай даражада тушунишади ва англапиади, улар бунга қизиқишлирини намоён этадилар;
- тадқиқотчилик фаолияти билимлари ва кўникмаларини ўзлаштириш суръатлари;
- талабаларнинг соғлиги, уларнинг чарчаган, касалланиши;
- талабаларнинг хаётий тажрибалар ва қадриятларни инобатта олиш;
- талабаларнинг интизомлиги ва масъулиятлилигига.

2. Аудиториядан ташқари машғулотларда ўқитиши. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг аудиториядан ташқари фаолиятида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш куйидагиларга боғлиқ бўлади:

- ўзини назорат қилишни амалга ошириш (унинг ҳажми, такорийлиги, сифати);
- талабанинг қатъиятлиги;
- унинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- ишчанлик қобилияти;
- қизиқишига;

- рағбатлантирилишига;
- қобилятлилигига;
- саломатлиги ҳолатига;
- ёдлаб олиш ва ўзлаштириш тезлигига;
- фикрлаш даражаси ва хусусиятларига боғлиқ бўлади.

#### **IV. Вақт омили.**

Унда хам икки жиҳатни ажратилади:

Аудитория машғулотлари ва аудиториядан ташқари машғулотларда тадқиқотчилик фаолиятига вақт сарфланади ва у куйидагиларга боғлиқ бўлади:

- тадқиқотчилик фаолияти тўғрисидаги билимларни идрок килишга ва дастлабки ўзлаштиришига;
- ўрганилган ўкув материални мустаҳкамлашга;
- назорат қилишининг даврийлигини амалга оширишга, билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлашга;
- топширикларни бажаришга ва тадқиқотчилик кўникма ва билимларини амалда кўлланишига;

Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ўзида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириши ва ривожлантириши қуйидаги сарфланадиган вақтга боғлиқ бўлади;

- мустақил иш топшириклар ва вазифаларини бажаришига;
- қўшимча адабиётларни ўқишига;
- факультатив машғулотларда ва қўшимча машғулотларда, тўгаракларда иштирок этишига.

#### **V. Ўқитишининг касбга йўналтирилганлиги омили**

Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқитиш, тарбиялаш шахсий фазилат ва қобилятларини ривожлантириш, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришдан иборат. Ўқитувчи ўқитишини йўлга солиб туриши, жараёнларига раҳбарлик қилиши керак.

Талабани касбий тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда биз ўқитиш жараёнини шундай ташкил этишимиз керакки, бунда у олий ўкув юртида олган билимларини, кўникмалари ва малакаларини ўкувчиларга узатибгина қолмай, балки уларни касбга йўналтириши бунда уларга мустақиллик, ташаббус, эркинлик бериши керак. “Ўз ишининг ҳақиқий устаси ўкув тарбиявий жараёнда гўёки “Кадр

орқасида”, ўқувчилар эркин амалга ошираётганлардан ташқарида, аслида эса ўқитувчи эса бажарадиган танловда қолади”.

## **VI. Ўқитишига ижодий ёндашув**

Замонавий таълим шароитида ўқитишига ижодий ёндашувни талаб этади. Чунки ўқитувчи доимо ўз-ўзини ривожлантириб бориши ва ижодий ёндашувни амалга ошириб бориш керак.

## **VII. Ўқитувчининг малакавий даражаси**

Мазкур омиллар ичидаги бўлажак касб таълими ўқитувчиларини амалий тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлигини таъминлаштириб мухим омил, ўқитувчининг малакавий даражаси хисобланади. Ўқитувчининг малакавий маҳорати даражаси эса, аниқ намоён бўладиган унинг дарсдаги фаолияти ва ўқитувчи ташкил этадиган талабалар тадқиқотчилик билим, кўникма ва малакаларни ошириш орқали мутахассисликка тайёрлаш мазмунини бойитиш ва унинг услубий таъминотини такомиллаштиришнинг самарали модулларини яратишда асосий манба бўлиб хисобланади [95].

Педагогикада малакали ўқитувчи бажариши керак бўлган вазифалар кўйидагича белгиланган:

- ўқитиши методикасини ишлаб чиқиш ва у асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- ўқув мақсадини белгилапи ва унга эришиш йўлларини аниқлаш кўникмаси;
- ташхислаш – ўқувчиларнинг жисмоний ва психолого-ривожланиш даражасини, уларнинг ўзлаштириш даражасини, ақлий қобилиятларини, тарбиялаш шароитларини ва бошқа фазилатларни аниқлаш кўникмаси;
- истиқболни белгилаш – ўз фаолияти натижаларини олдиндан кўра билиш кўникмаси;
- ўқув тарбиявий фаолиятни лойиҳалаш, яъни бўлажак касбий фаолият моделини куриш, мақсадга эришининг воситалари ва усулларини танлаш;
- ўқув тарбиявий фаолиятни режалаштириш;
- фаолиятни ташкил этиш – ўқувчиларини мўлжалланган ишга жалб қилиш; мўлжалланган эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш;
- маълумот бериш – ўқитувчи ўқувчилар учун ахборотни узатишни бош манбай;

- назорат қилиш;
- таҳлил қилиш – бажарилган фаолиятнинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш;
- ўкув материаллари ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чикиш.

Биз тадқиқотчилик кўникмаларини бўлажак касб таълими ўқитувчиларда шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида кўрсатилган вазифаларни киритиш уларда касбий педагогик маҳоратининг ривожланишига имкон беради.

Педагогик-психологик адабиётларни ҳамда тадқиқот ишларини таҳлил қилиш натижасида биз бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланиши унумдорлиги етти омилнинг мажмуавий тасирига боғлиқлик бўлишини аниқладик. Уларнинг таъсир кўрсатиш нисбатлари қандай? Буни экспериментлар (тажрибалар) ёрдамида омиллар таъсир кўрсатишининг турли хил даражага эга эканлигини топиш орқали аниқланади. Шунинг учун биз тажриба-синов ишлари давомида турли омилларнинг бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларининг жараёни ва натижасига таъсирини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бунинг учун эса биз тадқиқотчилик кўникмалар шаклланганлиги ва ривожланганлигини қандай мезонлар ва даражалар бўйича баҳолашимизни аниқлаш лозим.

### **1.3-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлигини аниқлаш мезонлари ва даражалари**

Касб таълими йўналишлари талабаларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш изланувчаник фаолиятларини бошкариш ва унга раҳбарлик қилиш муҳим вазифалардан бири хисобланади. Уларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун бундай кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш, ўқитиш методикасини такомилластиришга йўналтирилган чораларни ўз вақтида қабул қилиш, баҳолаш мезони ва воситаларини ишлаб чикиш, қўлланилаётган ўқитиш методлари, усувлари ва ўкув услубий тавсияларнинг самарадорлигини кўрсатиш зарур.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда хатоликлар, камчиликларни аниглаш, уларнинг вужудга келиш сабабларини топиш ҳам жуда муҳим вазифадир. Ишлаб чиқилган методик тавсиялар ўқитувчиларга бунга ўхшаш камчиликларга йўл кўймасликларига имкон беради.

Тадқиқотчилик кўникмалари умумийлиги билан бир қаторда ҳар бир ўкув предмети учун ўзига хосдир. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича диссертация ишларини таҳлил қилиш шунингдай кўрсатдики, кўпчилик муаллифлар томонидан бир қатор фанлар бўйича айрим кўникмаларни баҳолашнинг турли хил масалалари ўрганилган ва уларни бўлажак ўқитувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлик мезонларини аниглаш учун аналог (ўхшатиш) сифатида олиш мумкин.

Тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлик мезонларини талабада тадқиқотчилик топширигини мувафаккиятли бажариш оркали ҳосил бўлган кўникма коидасидан келиб чиқиб аниглаш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлик ва ривожланганлик мезонларини аниглашда О.И. Митрошинийдагилардан фойдаланилган [63] :

- педагогик таклиф ҳақиқийлиги ва ҳар томонламалиги;
- бажарилаётган амаллар ва фаолиятлар тўлиқлиги;
- кўникмалардан фойдаланишда мустақиллик даражаси;
- шахсий баҳолаш мулоҳазаларининг асосланганлиги.

Худди шундай илмий тадқиқотлар ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мезонлари сифатида куйидагиларни аниглаш тавсия этилади:

- мустақиллик даражаси;
- талабаларнинг бажараётган ишга муносабати, муаммоларни ҳал қилиш бўйича берилган таклифларнинг микдори, техник тўғаракларда иштирок этаётганлиги, илмий техника ва марказларда иштирок этаётганларининг сони билан баҳоланадиган ижодий фаоллиги;
- ўкувчилар намоён этадиган кизиқиши, машғулотда бериладиган саволларнинг микдори ва хусусияти билан қайд этилиши мумкин; техник тўғаракларда ва илмий ижодий марказларда шуғуланишни хоҳловчилар сони билан қайд этилиши мумкин.

Биз мазкур мезонларни касбий таълим йўналишлари талабаларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин, деб хисоблаймиз, бироқ талабаларнинг педагогика олий таълим муассасасида ўқитишнинг умумий мақсади касб-хунар коллежларда маҳсус фанларни ўқитиш мақсади ва касбий йўналтирилганлиги билан ажралиб туришини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу йўналтирилганликни бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлик мезонларини танлашда ҳам хисобга олиш лозим.

Бошқача айтганда, агар талабаларнинг кўникмалари ва малакаларини ҳар қандай объектни, ҳодиса ёки жараённи тадқиқ этиш жараёнида эгаллашлари мумкун бўлса у ҳолда бу изланишлар касбий педагогик мақсадлар сифатида хизмат қилганда эгаллашлари мумкин. Шу муносабат билан тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик мезонларини ишлаб чиқишида касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун бериладиган педагогик топширикларини ҳам инобатга олиш зарур.

Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлигини баҳолаш учун биз куйидаги мезонларга амал қилинишни таклиф этамиз:

- тадқиқотлар ўтказишида турли фан соҳаларидан олган назарий билим ва амалий ҳамда кўникмалардан фойдалана олишига;
- тадқиқот амалларини ўтказишида таклиф этаётган варианtlари сонига;
- тадқиқотлар ўтказишдаги мустақиллиги;
- бажарилаётган ишга қизиқиши;
- тадқиқотни ўтказишга сарфланган вақт;
- ижодий масалалар ечимларини излашнинг фаол методларидан фойдаланиши;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилиши ва уларга математик ишлов беришга;
- тадқиқот натижалари бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишига караб.

Назарий лаборатория ва амалий машғулотларда талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини баҳолаш учун биз илмий ишларда таклиф этилган талабалар ижодий фаолиятларини баҳолаш мезонларидан ҳам фойдаландик. Уларнинг мазмунини қайта ишлаб

чикиб, биз талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини баҳолашнинг куйидаги мезонларни шакллантиридик.

Назарий машғулотларда:

- тадқиқотчилик топшириқларни ёки масалаларни ечиш учун таклиф этилган варианtlари сони;
- тадқиқот топшириғи ёки масаласини ечиш учун сарфланадиган вақт микдори;
- тадқиқотчилик топшириғи ёки масалаларини ечишда ижодий масалалар ечимини излашнинг фаоллаштирилган методидан фойдаланиш;
- тадқиқотчилик топшириқлари ёки масалаларини ечишда бошқа фан соҳаларидағи билимлардан фойдаланиш.

Лаборатория машғулотларида биз куйидаги мезонларни танлаб олдик:

- бажариш учун танлаб олинган тадқиқотчилик топширигининг мураккаблиги;
- тадқиқотчилик топшириғини бажариш учун зарурый воситаларни танлай олиши;
- назарий билимларни амалий фаолиятга ўтказишни амалга ошириши;
- тадқиқотчилик топшириғи ёки масаласини ечиш йўлларини аниклаш;
- тадқиқотчилик топшириғи ёки масаласини ечишининг таклиф этилган варианtlари микдори;
- топшириқни бажариш учун сарфланган вақт микдори.

Амалий машғулотларда куйидаги мезонлардан фойдаландик.

Топшириқни англаш босқичида:

- ўқитувчиларга берилган саволлар микдори ва хусусияти;
- курсдошларга берилган саволлар микдори ва хусусияти.

Кўшимча маълумот олиши босқичида:

- маълумотнома ва қўшимча ахборот билан ишлап кўнилмаси;
- янги билимларни эгаллаш эҳтиёжи;
- катта ҳажмдаги ахборотда бош ва муҳимини ажратади олиш;
- қизиқтираётган муаммо бўйича илгор тажрибани умумлаштириш.

Ечим йўли ва воситаларини танлаш босқичида:

- ечимга сарфланган вакт микдори;
- назарий билимлардан ва тадқиқотчилик фаолияти тажрибасидан мустақил фойдаланиш кўникмаси;
- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг ўзи таҳлил қилиш ва ўзи назорат қилиш ҳамда кутилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тузатиш киритиш: ечиш гоясини ўқитувчига тушунтира олиш.

Объектни, маҳсулотни, намунани тайёрлаш даражасида:

- материални тежаб сарфлаш кўникмаси;
- ишлаш учун асбоблар ва мосламаларни тўғри танлаш кўникмаси;
- оқилона харакат қилиш режасини тузиш кўникмаси;
- технологик операцияни бажариш учун сарфланган вакт;
- топшириқ кўйилиши ва реал тайёрланган обьект, маҳсулот ёки намуна натижаси реал боғлиқлиги.

Бундан ташқари, тадқиқотчилик фаолиятининг талаба шахсига таъсирини аниқлаш зарур деб хисобладик. Бундай мезонларга куйидагиларни киритдик:

- талабаларнинг тадқиқотчилик хусусиятига эга бўлган аудиториядан ташқари машғулотларда (талабалар кўргазмалари, конференциялар, конкурслар ва х/к) иштирок этиши;
- касб таълими йўналишлари битирувчилар томонидан касбхунар коллекларида тадқиқотчилик йўналишидаги тўгаракларнинг ташкил этилиши;
- илмий амалий конференциялар, ижодий семинарлар ва тренингларда иштирок этиши.

Талабаларнинг тадқиқотчилик ишига бўлган шахсий муносабатини аниқлаш мезонларни куйидаги турархарга ажратдик:

- 1) тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланишга ундовчи сабаблар;
- 2) тадқиқотчилик кўникмалари ва малакаларини эгаллашга ундовчи сабаблар;
- 3) тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишда мустақил фикрлаш қобилияти;
- 4) ўкув тадқиқотчилик фаолиятига доимо тайёр туриши;

5) тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишда шахснинг ижодий фаолияти ва ташаббускорлиги;

6) тадқиқотчилик кўникмаларини эгаллашга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжи.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун биз бу соҳада тўлиқроқ кўриб чиқилган диссертация тадқиқотларини таҳлил қилдик.

Масалан, Педагогика олий ўкув юртлари талабаларида тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик даражалари сифатида О.И.Митрош кўйидагиларни ажратади:

а) биринчи даража (қуий) билишга оид сустлик, ёмон англанганлик билан ифодаланади, шунинг учун ҳам тадқиқотчилик амалларини ноизчил бажариш, тадқиқот фаолиятини ташкил этувчи бутун бир қатор муҳим элементларнинг бажарилишини баҳолаш билан ифодаланади;

б) иккинчи даража (ўртача) тадқиқотчилик топширигича қизиқиши муносабатида бўлишни, аммо амалларни етарлича изчил бажармаслик, тадқиқотчилик фаолияти айрим элементларнинг талаб этилмаслиги билан ифодаланади (чукур, такроран ўқиб чикилишини, маълумотнома адабиётлар ишлашни, шахсий баҳолаш мулоҳазаларини асослаш);

в) учинчи даража (юқори), унга юқори фаоллик ва мустақиллик, амалларнинг тўлиқлиги ва онгли бажарилиши, уларнинг бажарилишида оқилона кетма-кетликни топиш кўникмаси.

В.Н.Литовченко педагогика мутахассислигидаги талабаларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигининг кўйидаги даражаларини ажратади [59]:

а) биринчи даража, қуий, касбгача бўлган даража, тадқиқотчилик ҳаракатлари малакали англанмаган, интиутив (ўзидан ўзи) амалга оширилиши билан ифодаланади. Талабалар маҳсус ва умумилмий фанлар бўйича бўш тайёргарликни намоён этишади, тадқиқотчилик масалаларини мустақил қўя олишмайди ва улар малакали ҳал қила олишмайди;

б) иккинчи даража, ўртача – пастрок, кўникмаларни дастлабки малакани эгаллаш даражаси деб аталган, чунки уларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Унинг учун талабаларнинг кузатиш, далил ва ҳодисаларни таққослаш, сабаб - оқибатли

алоқаларни топиш, улар асосида хulosаларни ифодалаш каби тадқиқотнинг ягона амаллари бажарилади;

в) учинчи даража, ўртача, тадқиқотчилик кўникмаларининг чегараланган шаклланганлиги даражаси сифатида аниқланган. Мазкур даража иш мақсадини ифодалаш, далиллар, ходисалар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш, аввал эгалланган билимлар асосида фикр бериш; айтилган фикрни тасдиқлаш учун тажрибани лойихалаш; тажриба ўтказиш ва хulosани ифодалаш каби кўникмаларнинг намоён бўлиши кузатилади;

г) тўртинчи даража, ўргадан юқори, тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик дейилади, амалларнинг илмий асоси, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, навоторлик элементларининг ва амаллар таркибида аслликнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Кўникмалар етарлича яхши ривожланган, уларнинг анча аниқ, ифодали эканлиги, амалларнинг тезлиги ва тежамкорлиги кузатилади;

д) бешинчи даража, юқори ёки тадқиқотчилик кўникмаларини муваффақиятли эгаллаш, ўз ичига билимларнинг юқори назарий асосда бўлишини қамраб олади, шунингдек, ижтиомий аҳамиятга эга ва билишга оид асосга эгалиги билан устунликка эгалиги, ечимларнинг илмий асосланганлиги, амалларнинг мақсадга мувофиқлиги, ижодий ёндашувнинг намоён бўлиши, ечимларининг ўзига хослиги, тадқиқотчилик малакаларининг эркин фойдаланилиши билан ифодаланади.

В.П. Бударкевич умумтаълим мактаби ўкувчиларининг меҳнатга тайёрлашда тадқиқотчилик хусусиятидаги мустақил ишни ташкил этишда 4 та босқични ажратди (тайёргарлик, кисман – изланувчи, изланувчи ва тадқиқотчилик). Бу босқичларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигининг 4 та даражаси белгиланган [37].

Бизнинг фикримизча, О.И. Митрош [63], В.Н. Литовченко [59], В.П.Бударкевич [37] таклиф этган тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини бизнинг касбий таълим талабаларининг асосан назарий тадқиқотчилик фаолиятини ва амалий хусусиятга эга унча катта бўлмаган тадқиқотчилик ишларини ташкил этишда ва ўтказишида фойдаланилиши мумкин, биз улардан тажриба – экспериментал ишда албатта фойдаланамиз. Аммо бизнинг тадқиқотимиз учун оддийдан мураккабгача бўлган турли

хил объектлар ва жараёнларни тадқиқ этишда талабаларнинг фаолиятини энг тўлиқ акс эттирадиган тадқиқотчилик кўнимкамаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш зарур.

Биз тадқиқотчилик топшириклари ва масалаларини ечиш даражаларини куйидагича белгиладик:

- 1 – даража – жуда майда ихтиrolар;
- 2- даража – майда ихтиrolар;
- 3 – даража – ўртacha ихтиrolар;
- 4 – даража – йирик ихтиrolар;
- 5 – даража – жуда йирик ихтиrolар.

Ҳар бирининг мазмунини бўлажак касб таълими ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолиятига кўлланилган ҳолда қайта ишлаб, куйидагича даражаланишни тавсия этамиз.

*Биринчи даражса – энг майда тадқиқотлар.*

Объектнинг (буюм, жараён, ҳодисанинг топшириқ шартига боғлиқ ҳолдаги) ташки кўриниши бўйича унинг тузилишига аралашмаган ҳолда, яъни кўз билан кузатиб (қараб туриб камчиликларни, ноаниқликлар аниқланади, шунга ўхшаш объект билан таққосланади ва улар орасида фарқ нимадалиги аниқланади) тадқиқот ўтказилади. Мазкур даражада шу фан соҳасидаги билимларидан, объектнинг таркиби, тузилиши тўғрисидаги билимлардан фойдаланилади. Бу даража бошланғич тадқиқотчилик кўнимкамалари: таққослаш, таҳлил килиш, энг яхши варианти танлаш кўнимкамарининг шаклланишига ёрдам беради.

Масалан, бирор бир касаллик мисолида қараладиган бўлса у ҳолда даволаш жараёнини кўз билан кузатиб, унинг тиббий кўрсаткичларини ўрганиб бошқа натижалар билан таққослаш орқали таҳлилий хulosалар ишлаб чиқади.

*Иккинчи даражса – майда тадқиқотлар.*

Мазкур даражадаги тадқиқотларни ўтказиш учун объектнинг фақат биттасининг конструкциясини, унинг таркибинигина билибгина қолмай, балки турли фан соҳаларидан кўшимча билимлар хам керак бўлади. Мазкур даража учун объектни кўздан кечиришнинг ўзи етарли эмас, унинг бирор қисмига аралашиш ёки кўшимча билимлар ёрдамида унга мослама ишлаб чиқиш зарур.

Бу даража бошқа фан соҳалариданаги билимлардан фойдаланиш каби тадқиқотчилик кўнимкамаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Масалан, мазкур даражада учун уни ҳал этишнинг мумкин бўлган варианtlарини танлаш лозим.

Масалан, автомобиль ишчи органлари ишлаши ўрганилиб, уларнинг кўрсаткичларини аниклаш учун маҳсус ўлчаш асборларини ва мосламаларини танлаш талаб этилади.

*Учинчи даражса – ўртacha тадқиқотлар.*

Мазкур даражадаги тадқиқотлар ўтказиш учун бутун обьект ёки жараённинг тузилиши тахлил қилинади. Объектнинг бирор бир қисми функциясини яхши бажармаётганилиги аникланиб, унинг ўхшашлари тўғрисида мустаҳкам билимлардан фойдаланиб, янги, янада мукаммал қурилма билан алмаштириш лозим. Агар топширикни бажариш учун керакли қурилма бўлмаса, у ҳолда мазкур даражада уни ишлаб чиқишни назарда тутади.

Масалан, шу масаланинг ўзини ечиш учун талабаларга техника соҳасидаги билимлар зарур; машғулотда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёрдамида талабалар механизм ёки қурилмаси конструкциясининг янги варианtlарини таклиф қиласидилар.

Бу даражада автомобилнинг бутун ишлаш принципи, уларнинг механизmlари ва қурилмаларини ўрганилиб, тушунчасини яхши бажармаётган ёки камчилиги бор механизм ёки қурилма аникланиб, унинг ўрнига янгича конструкцияда таклиф қилинади.

Бу даражада обьектни факат қисмлари бўйича эмас, балки яхлит тарзда тахлил қилиш тадқиқотчилик кўникмасининг шаклланишига ёрдам беради.

*Тўртинчи даражса – иирик тадқиқотлар.*

Мазкур даражада тадқиқотлар ўтказиш учун фаннинг турли соҳаларидан чукур билимлар фойдаланилади. Талаба ҳали маълум бўлмаган мосламанинг, конструкциянинг шундай вариантини ё ишлаб чиқиш лозим ёки масалани бирор бошқача, одатдан ташқари йўл билан ечишини таклиф этиши керак.

Масалан, юқорида кўрсатилган масалани кимё соҳасидаги билимлар ёрдамида ўқувчилар билимини хотирада қолишини оширишига имкон берувчи мойлаш материалларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек, ўқув жараёни учун янги қурилма ёки мосламани янги конструкциясини ишлаб чиқишни талаб этиади.

Бу даражада билимларни фаннинг бир соҳасидан бошқасига кўчиришнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришига ва

ривожлантиришга, шунингдек, натижаларидан дастлабки масала ёки топширикларни бажариб фойдаланиш мумкин бўлган фаннинг бошқа соҳаларида ҳам тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради.

*Бешинчи даражаси – жуда йирик тадқиқотлар.*

Мазкур даражани кўйидаги тарзда ифодалаш мумкин: талабанинг ўзи ўқитувчининг ёрдамисиз муаммони излайди ва тадқиқотчилик ишини кўяди ҳамда ўзи уни ечиш вариантларини таклиф этади. Аммо тадқиқот бирор фан соҳаси учун кенг микёсли бўлиши керак. Масалани ечиш вариантлари бир қанча бўлиши мумкин, соддадан тортиб то мураккабгача (мосламаларни, объектларни, жихозларни тайёрлаш).

Бу даражаси тадқиқотчилик муаммосини кўриш ва ифодалаш кўникмасини шакллантиришга, уни ҳал этиш йўлларини аниқлашга имкон беради.

Бундан ташқари, биз талабаларнинг лаборатория тадқиқотчилик ишларини бажарганиликлари учун баҳолашнинг тахминий мезонларни ҳам 5 баллик тизимида ишлаб чиқдик.

Агар талаба турли фан соҳаларидаги билимлардан фойдаланиб, ўқитувчининг ёрдамисиз, мустақил равишда тадқиқотчилик ишини ўтказган бўлса, тадқиқот ўтказишнинг бошқа вариантини таклиф этган бўлса, ишни муддатида, сифатли, юқори савияда бажарган бўлса, “5” баҳо кўйилади.

Агар ўқитувчи йўналтирувчи саволлар кўринишида кичик-кичик ёрдамлар кўрсатган бўлса; талаба фаннинг бир соҳасидаги билимлардан фойдаланган, иш сифатли ва муддатида бажарилган бўлса, “4” баҳо кўйилади.

Агар ўқитувчи талабага йўналтирувчи саволлар ва маслаҳатлар кўринишида катта ёрдам кўрсатса, тадқиқотни бажаришда талаба рағбатлантиришга муҳтож бўлган бўлса; тадқиқотчилик иши сифатида унча юқори бўлмаса ва муддатда бажарилмаган бўлса, бундай ҳолда “3” баҳо кўйилади.

Юқорида санаб ўтилган мезонлар ва даражалар ўтказилаётган тажриба – синов иши давомида биз томондан таклиф этилган касб таълими йўналишлари талабаларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш методикасининг самарадорлигини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотчилик

кўникмаларининг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун биз (хал қилиниши) тегишли тадқиқотчилик фаолиятини намоён этишни талаб килувчи тадқиқотчилик хусусиятига эга бўлган топшириқ ва масалаларни, шунингдек анкеталаш, сұхбатлар ўтказиш ва х.к. ларни талаб этувчи ташхисловчи назорат ишларини амалга оширидик.

#### **1.4-§. Тадқиқотчилик фаолияти бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий имкониятини ошириш омили сифатида**

Замонавий ахборотлашган жамиятда тадқиқотчилик фаолият инсон фаолиятининг ижтимоий-ахамиятли ва иқтисодий мақсадли жиҳати бўлиб ҳисобланади. У иқтисоднинг истиқболли ривожини таъминлайди, маданиятни бойитади, ижтимоий тараққиётни аникловчи жамият интеллектуал захираси мустаҳкамлигини таъминлайди.

Тадқиқотчилик фаолиятининг назарий асослари П. Файербенд, М.Хайдеччер ва бошқаларнинг ишларида келтирилган [152].

Тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишда фаннинг табиий-илмий, гуманитар, умумкасбий, маҳсус ва техник соҳаларидағи тадқиқот методологиясида муҳим фарқлар мавжудлигини эътиборга олиш зарур. ОТМларда талабаларнинг, шу жумладан бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятининг натижаси бўлиб борлиқни ўзгартириш ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотчилик фаолияти шакллантиришда унинг барча тузилмавий компонентларини эътиборга олиш керак. Тадқиқотчилик фаолияти компонентларидан бири бўлиб фикрлашнинг аниқ стили мавжудлиги ва унинг асосида тадқиқотчилик кўникмаларининг аниқ мажмуасини шакллантириш ҳисобланади. Тадқиқотчилик кўникмалари бўлажак касб таълими ўқитувчиси шахснинг таянч компонентлари сифатида унинг касбий шаклланиши жараёнининг етакчи характеристикаларини акс эттиради, атроф олам билан алоқасини ифодалайди, билиш фаолияти самарадорлигини аниқлайди, тадқиқотчилик фаолиятига оид билиш, кўникма ва малакаларини билиш ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларига муваффакиётли кўчиришга имкон беради.

ОТМлардаги асосий масалалардан бири бу талабалар илмий тадқиқот ишларини ташкил этиши ҳисобланади. Бу биринчى навбатда шу билан боғлиқски илмий тадқиқот ишлари жараённанда талабаларда фикрлаш ривожланади, мустақил илмий изланишга имкон берувчи күнкімма, малака ва ҳаракат усуллари шаклланади. Бундан ташқари, илмий тадқиқот ишлари доирасыда талабаларга ўз ижодий потенциалларини амалга ошириш учун имкониятлар тақдим этади. Бундан күриниб турибидики, ОТМлар касбий таълим йўналишларида умумкасбий фанлар соҳасида талабалар илмий тадқиқот ишлари мажмууавий шакллантиришни амалга ошириш мумкин бўлган шарт-шароитни яратиш ҳақидағи масала бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан бу соҳада кўлланиладиган тадқиқотчилик фаолиятининг ташкилий шакллари ва кўринишларининг ўзига ҳос хусусиятларини очиш зарур.

Е.Ю. Гирфанова тадқиқотчилик фаолиятининг қўйидаги таснифини келтирган:

- ўкув жараёнидаги тадқиқотчилик фаолият;
- ўкув жараёнини тўлдирувчи тадқиқотчилик фаолият;
- ўкув жараёни билан параллел олиб бориладиган тадқиқотчилик фаолият [44].

Тадқиқотчилик фаолият жараёнида талабалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг қайд этилган ҳар бир йўналиш изла-наётган натижага эришиш учун яратиладиган аниқ шарт-шароитда амалга оширилади. Биринчى йўналиш доирасыда бундай шарт-шароит бўлиб ўкув фани, кўлланиладиган ўқитиш технологияси ва тадқиқотчилик ҳаракатларидаги мустақил иш мажмуаси мазмунида ижодий йўналганиликни кучайтириш ҳисобланади. Иккинчى йўналишни амалга оширишда талабалар илмий жамияти (бирлашмаси) орқали талабаларнинг илмий қизиқиши ва қобилиятига индивидуал ёндашишга мўлжал олишда рўй беради.

Учинчى йўналиш доирасыда энг иктидорли талабаларни топиш ва уларни ОТМлар илмий тадқиқот ишлари режаси доирасидаги илмий тадқиқотларда иштирок этишга жалб қилиш орқали рағбатлантириш рўй беради.

Бизнинг тадқиқотимизда таълим олувчининг тадқиқотчилик фаолияти ўкув жараёнида ва у билан параллел равишида амалга

ошириладиган мустакил, аудиториядан ташқари таълим жараёнидаги фаолият сифатида тавсифланган ҳамда таълим олувчининг тадқиқотчилик фаолиятида илмий техник ижодкорлик аниқ тузилмалаштирилган. Турли тадқиқотчилар томонидан (Г.С. Альтшуллер, В.С. Шубинский ва бошқалар) таклиф этилган техник ижодкорлик даражаси тузилмаси бир неча таснifi мавжуд [12, 167].

Г.С. Альтшуллер ишида техник ижодкорлик даражасининг куйидаги босқичлари келтирилган:

1. Маълум муаммога маълум ечимни қўллаш.

2. Маълум ечимни янгидан қўллаш ёки қаралаётган соҳада қўлланилмайдиган, одатий бўлмаган воситалар билан эски масалани янгича ечиш.

3. Принципial янги муаммо учун принципial янги ечимни топиш [12].

Ижодкорликнинг қайд этилган босқичлари тадқиқотчидан шахснинг мухим хусусиятларини намоён этишни талаб этади.

Г.С. Альтшуллер бўйича улар орасидан куйидаги сифатларни қайд этиш мумкин:

– янгиликни ҳис этиш; танқидийлик; ижодга мойиллик; билишга ташналиқ; интуиция; ижодий тасаввур; тиришқоқлиқ, бардошлилик билимлар чуқурлиги ва кенглигининг етарлилиги; ижодий масалаларни ечишда эвристик ва рационал методлардан фойдаланиш кўнкимаси; муваффакиятга эришишга ишониш [12].

Инсон ижодкорлиги эса унинг тадқиқотчилик хулқининг энг ёрқин намоён бўлиш сифатида иштирок этади. Тадқиқотий, ижодий изланиш инсон учун куйидаги икки нуктаи назарда мухим ҳисобланади: қандайдир янги маҳсулотни олиш; изланиш жараёнининг аҳамиятлилиги. Ижтимоий ва таълимий нуктаи назардан айниқса, шу нарса мухимки, инсон тажриба ўтказишга қобилиятли ва нафакат ижодкорлик натижаларидан, балки ижодкорлик, тадқиқотчилик изланиши жараёнининг ўзида ҳақиқий қониқиш билан тажриба ўтказади.

Биз ўз тадқиқотимизда тадқиқотчилик хулқи – деганда изланувчанлик фаоллик базасида курилган ва ностандарт объектларни бартараф этишга йўналтирилган хулқ типини тушунамиз.

Тадқиқотчилик фаолиятининг моҳиятни, унинг педагогик тизим ва бутун жамиятнинг ривожланишидаги ролига суюниб, ушбу

шу тадқиқот мақсадларига кўра касбий таълим тизимида тадқиқотчик фаолиятининг ўзига хослигини таҳлил қиласиз. Улар қаралаётган таълим турининг ўзига хослиги, унинг интегратив мөхиятидан келиб чиқиб аникланади.

Касбий таълим тизими касбий педагогик кадрлар тайёрлашишни таъминлаш учун мўлжалланган. У таълимнинг ўзига хос тури хисобланиб, унинг доирасида касб-хунар коллежлари учун умумкасбий ва маҳсус фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш амалга оширилади. Мазмунли режада касбий таълим, шахсни шакллантириш жараёни бўлиб, инсонни аниқ касб бўйича, касбий фаолиятларнинг бутун кўламини бажаришга, шунингдек, касбий фаолиятда ўз-ўзини намоён этиш учун самарали тайёрлашга қаратилган.

Педагогларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ўрганиш Э.Д.Днепров, М.С.Бургин, В.Н.Загвязинский, В.В.Краевский, Н.Д.Никандров, Т.И.Шамова ва бошқалар ишларида акс эттан [56, 38, 60, 81, 109, 165].

Педагог шахсининг ижодий илмий фаолият йўналишларига В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, В.А.Сластенин ва бошқалар эътибор қаратган [60, , 73, 137].

Е.Д.Днепров, Н.Д.Никандров, А.В.Хуторской ва бошқаларнинг тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларни тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш тажрибаси умумлаштирилган [56, 109, 162].

Касбий таълим жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, техникик-технologик ва маданий соҳасининг ҳолати ва ривожланишига икки карра таъсир кўрсатади: энг аввало, касб таълими ўқитувчиларининг ўзларининг тайёргарлигининг сифати билан, сўнгра улар тайёрлаган ОТМ битирувчиларининг билим ва кўникмалари даражаси билан белгиланади.

Шунинг учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш муаммолари тизим ташкил этувчи характерга эга. Касбий таълим педагогик ва мухандис-техник таълимдан фарқ қилувчи мухим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мутахассисларни тайёрлашга мўлжал олишда ва таълим жараёнининг касбий йўналганилигини амалга оширишда ва битирувчиларнинг касбий фаолиятининг ўзига хослигига намоён бўлади.

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш касбий таълим моҳиятининг куидаги характеристикалари бевосита таъсир ўтказади:

– техникавий, психолог-педагогик тор профилли билимлар интеграциясига асосланган соҳа (тармок) ва психолог-педагогик тайёргарлик ва битирувчиларининг касблар бўйича тайёргарлигининг бирлашмаси ва ўзаро чукур алоқаси. Бунда тизим ташкил этувчиси сифатида психоло-педагогик тайёргарлик иштирок этади, у мақсадга мувофиқ соҳа ва маҳсус тайёргарликни методологик таъминлайди;

– касбий ва касб-хунар таълимнинг ўзаро алоқадорлиги. Касбий таълим касб-хунар таълими эҳтиёжларига мўлжалланган. Таълимнинг ушбу тури бутун жамият ривожланишини кадрлар, илмий-методологик, технологик ва ахборот билан таъминлашда мухим ўрин тутади;

– ушбу тизимнинг фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий соҳалар билан интеграцияси. Бу шунда намоён бўладики, касб-хунар коллежларида ўқув жараёни тобора ўқув-ишлаб чиқариш характеристига (турли-туман амалиётлар тизими, ишлаб чиқаришнинг ҳар хил вариантлари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шакллари) эга бўлиб бормокда. Бундан ташқари, касб-хунар коллежларида ўқув жараёни мослашувчан ва у ёки бу касб ва тайёргарлик даражасидаги мутахассисларга меҳнат бозоридаги эҳтиёжларга боғлиқ, бу эса янги таълимий дастурларни доимий яратиш зарурлигини, ўқув режаларини такомиллаштириш, янги таълим технологиялари ва бошқаларнинг зарурлигини шарт қилиб қўяди;

– ишлаб чиқариш техник, методик, инновацион-технологик ҳужжатлар, ўқув жиҳозларини ишлатиш ва хизмат кўрсатиш, янги техника ва технологияни ўзлаштириш каби битирувчиларни касбий фаолияти турлари хусусиятлари;

– кўпрофиллик (касб-хунар коллежларида бир нечта боғлиқ фанларни

ўқитиш) касбий майиллик, тадқиқотчилик ва илмий-методик фаолият (мутахассисларни тезкор тайёрлаш) ни таъминловчи тизим бўлган касбий таълим педагогларини касбий тайёрлаш хусусиятлари;

Таъкидлаб ўтилгандек, касбий таълим касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш - технологик фаолиятни корхоналарда амалга оширишга қодир мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Касб таълими ўқитувчиси умумий касбий-педагогик фаолият доирасида турли фаолият турларини бажаради.

Уларнинг хусусиятларини қараб чиқамиз.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у меҳнатнинг икки ёқлама характеристига эга. Бир томондан, унинг асосий мазмунини кишилар билан ўзаро муносабати ташкил этади, иккинчи томондан бу касб кишидан доим белгиланган касбий соҳа бўйича маҳсус билим, қўнималарни талаб қиласди. Касб таълимининг бўлажак педагоглари учун бу аниқ касбий (соҳавий) фаолият тури бўйича билим ва қўнималар ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиининг асосий фаолият турларига қуидагилар киради:

– ўқув - тарбиявий фаолият – мутахассисларни касбий тайёрлаш таълим дастури бўйича яхлит ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини ва таълим олувчиларни касбга йўналтиришни амалга ошириш, талабаларда шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш, қулагай таълим-тарбия муҳитини яратиш;

– ўқув - методик фаолият – касб таълим жараёнининг мажмуавий ўқув-методик таъминотини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш, илғор ишлаб чиқариш тажрибалари ва инновацион таълим технологияларини ўрганиш, улардан ўқув-тарбиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш;

– ташкилий-бошқарувчилик фаолияти - ўқув ишлаб чиқариш ва тарбиявий жараённи ташкил этиш, ўқув гурӯҳи, ишлаб чиқариш жамоаси фаолиятга раҳбарлик қилиш, ностандарт педагогик ва ишлаб чиқариш ҳолатларида оптималь ечимини танлаш, ишлаб чиқариш дастури талабларини бажаришни таъминлаш;

– ишлаб чиқариш – технологик фаолият – фаолият турлари ва уларнинг мазмуни битирувчилар тайёргарлигининг мазмунни ва даражасининг минимумига қўйилган малака талабларига мувофиқ белгиланади.

Касб таълим ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолияти – воқеиликни акс эттириш шакли, билиш фаолияти тури, мақсадга

мувофиқ излаш жараёни, педагогик фаолиятни, педагогик воқелик объектларини ўрганиш ва педагогик воқелик ҳақида объектив билимларни назарий тизимлаштиришни таъминловчи янги илмий билимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Касб таълими ўқитувчи – тадқиқотчилик фаолияти касбий таълим сифатини ошириш, касбий таълим тизимини, фан, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий соҳаларни интеграллашув асосида ривожлантиришни мақсад қилиб олади.

Касб таълим ўқитувчиси тадқиқотчилик фаолияти куйидагиларни ўз ичига олади: янги билимларни олиш учун тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини аниқлаш; тадқиқотчилик вазифаларини қўйиш; фаразларни ишлаб чиқиши; тадқиқотни ўтказишни режалаштириш; тадқиқотчилик ҳаракатларини бажариш; дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш.

Жаҳонда хозирги кунда касб таълими ўқитувчининг бир неча модели мавжуд. Бу моделларнинг хар бирида унинг тайёргарлигининг у ёки бу белгилари устунлик қиласди. Улардан баъзиларини караб чиқамиз [36, 67-6].

1. Бельгия модели. IX Халқаро педагогик конгрессда маъқулланган. Унга мувофиқ, касб таълими ўқитувчисига нисбатан куйидаги талаблар гурухи кўлланилади:

- 1) шахс сифатида (қарашлар кенглиги, мослапувчанлик, янгиликка қизиқиши, жавобгарлик, эмоционал барқарорлик).
- 2) мутахассис сифатида (муҳим академик таълим ва мустакил таълим, таълим соҳасида чуқур илмий билимлар).
- 3) касбга оид (ўқитиши методлари ва воситаларини тадқиқотчилик фаолият методларини эгаллаш).

2. Инглиз модели. Унга кўра тадқиқотчилик соҳасидаги ўқитувчининг касбий йўналиши қуйидаги омилларга боғлик:

- 1) талабалар эҳтиёжларини билиш;
- 2) ўз фаолияти самарадорлигини баҳолай олиш;
- 3) ўкув дастурлари ва уларга мос материалларини ишлаб чиқишини билиш.
- 4) касбий маҳоратга эга бўлиш.
- 5) коммуникабеллик.
- 6) тадқиқотчилик ишини шахсан олиб бориш.
- 7) ўз касбий маҳоратини такомиллаштириш.

3. Ўзбек модели. Уларнинг ҳар бири ўзида қандайдир ғояни сақлайди:

- 1) педагог томонидан ўқитишнинг классик вазифаси бажарилади (таълим олувчиларга билимларни узатиш);
- 2) педагог талабаларнинг ижодий ва билиш ташаббусини рағбатлантиради ва ривожлантиради;
- 3) талабани компетентли мутахассис сифатида шакллантириш мақсадида ўкув жараёнини қатъий бошқаради;
- 4) педагог, педагогик майдон деб номланувчи, яъни бўлажак мутахассис шахсини ривожлантириш учун шарт-шароитлар мажмуасини яратди;
- 5) ўқитувчи таълим олувчининг интеллектуал фаоллиги ва ижодий изланишини рағбатлантиради.

Биринчи турдаги ҳаракатлар туфайли у ёки бу турдаги тадқиқотчилик вазифаларини ҳал қилиши эҳтиёжи аниқланади, мақсадлар қўйилади, уларни ечиш режалаштирилади, тадқиқотчилик ҳаракатларини бажариш методлари танланади, уларнинг натижалари баҳоланади. Иккинчи турдаги ҳаракатлар – бу шахсий тадқиқотчилик ҳаракатлари, уларни бажариш натижасида фаразлар илгари сурилади, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва муҳим қилиш амалга оширади, хулосалар қилинади.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

Фалсафий ва психолог - педагогик адабиётларни ҳамда мазкур муаммога багишланган фундаментал тадқиқот ишларини таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлashingдаги ўкув жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик кўнникмаларининг ўрни муҳим эканлиги тўғрисида хулоса чиқарилганлиги ўрганилди. Тадқиқотчилик кўнникмалари шахснинг таянч компонентлари сифатида касбий шаклланиши жараёнининг етакчи тавсифларини ифодалайди. Талабанинг атроф дунё билан алоқаларининг универсалиягини акс эттиради, ижодий жихатдан ўзини намоён қилишга қобилиятини ифодалайди, билишга оид фаолияти бўйича билим, кўнникма ва малакаларини эгаллашга ҳамда амалий фаолиятининг истаган соҳасига кўчирилишига имкон беради. Шунинг

учун тадқиқотчилик кўнималарининг шаклланганлик даражаси билим олиш ва ўрганиш ҳамда ижодий самарадорлигининг мезонларидан бири ҳисобланиб, унда шахснинг касбий такомиллашишига мўлжалланган ўкув жараёни тадқиқотчилик – ижодий йўналиши бўйича ташкил этилади.

Биз талабаларнинг “тадқиқотчилик фаолияти” тушунчасининг моҳияти ва мазмунини, фаолиятларини, шахсий – ижодий ёндашишлар нуқтаи назаридан таҳлил қилдик. Биз тадқиқотчилик фаолияти моҳиятини илмий билиши, кўникма ва малакаси, уларнинг натижаларига ижобий муносабатда бўлиш ва ривожланган интеллектуал қобилият билан ифодаланувчи ҳамда унинг ўзини баҳолаш ва ривожлантиришни тъминловчи шахснинг интегратив компонент сифатида таърифлаймиз.

“Ўқитувчи – талаба” ва “ўрганиш – ўқиши – тадқиқотчилик” диалектик тизимларида турли хил ўзаро таъсиrlар асосида талабаларнинг фалсафада, педагогикада, психология соҳаларида талабалар тадқиқотчилик кўникмалари ва малакаларининг шаклланиши муаммоларининг назарий таҳлили амалга оширилди. Шахсга йўналтирилган таълим асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш биз томондан тизимли ёндашув асосида таълим бериш сифатида қаралди.

Фалсафий, педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилиш натижаларига кўра тадқиқотимизнинг назарий методологик асослари белгиланди.

Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнининг мазмуни унинг яхлит ривожлантирувчи тавсифини акс эттирувчи ва функционал компонентларини (илмий дунёқараш, ахлокий, коммуникатив, ахборотли таъсиrчан, ўргатувчи, шахсий ривожлантирувчи) белгиловчи тузилма компонентларининг (гносеологик, технологик, ижодий, шахсий) диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади.

Талаба шахси фаолиятининг фавқулодда ҳолатини кўриб чикиш куйидагиларни тасдиқлашга имкон берди: шахснинг ўкув – тадқиқотчилик фаолияти яхлит ва интегратив характерга эга бўлгани учун у шахснинг билишга оид тажрибаси (тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланиши дидактик методларидан фойдаланиш билиmlари, кўникмалари ва малакаларининг яхлит бирлиги)

билишга ва унинг натижасига қадрли муносабати асосида шаклланади.

Шу нүктаи назардан ўкув жараёни давомида талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг ҳолати назарий таҳлил қилинди. Шунингдек, касб таълими йўналишлари талабаларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мавжуд педагогик шароитларининг ва уларнинг шаклланганлик натижаларининг мувофиқлиги ўқитувчилар ва талабалардан анкета сўровлари ёрдамида ўрганилган эди. Анкета сўровлари талабаларни ўқитиш давомида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёрлиги даражаси паст эканини кўрсатади. 1 – 4 курс талабаларидан анкета сўровлари натижалари таълим олувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш учун педагогик шароитлар барча талабаларнинг имкониятларини тўлиқ амалга ошириш мумкун эмаслигини тасдиқлайди.

Юқорида баён қилинганлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг юқори даражада тадқиқотчилик кўникмаларига эга қилиб тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифалардан эканлиги ҳамда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, “Талабанинг тадқиқотчилик кўникмалари” тушунчаси бўйича ўтказилган назарий таҳлиллар талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мезонлари ва ривожланиш даражаларини ишлаб чиқиш, уларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг ҳолатини аниқлаш бизга диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишига, амалда жорий этиши учун дидактик шароитлар яратишга, уларни шакллантириш методларини танлашга ва бу жараённи бошқариш босқичларини асослашга имкон беради.

## **II БОБ. БҮЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ БОСҚИЧМА- БОСҚИЧ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **2.1-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ҳамда унинг таркибига бўлган дидактик талабларни ишлаб чиқиши**

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишига бўлган дидактик талабларнинг асосийларидан бири бу ўқитишга комплекс ёндашиб хисобланади, чунки, таълим улар сони барча жабхаларни ва уларнинг ҳар бирида назарий, амалий, лаборатория ва аудиториядан ташқари машғулотларни қамраб олганда самарали бўлади.

Дастлаб касб таълими талабаларининг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ҳамда шу дастур асосида методика яратилиши лозим.

Дастур таркибини танлаш – муҳим масала бўлиб, уни бажаришда фаннинг барча материалларидан кераклиси танлаб олинади ва дидактик тамойиллар асосида маълум тартибда тизимлаштирилади. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ишлар шартли равишда еттига бўлинниб:

- ўкув фанларининг маъruzаларида;
- лаборатория ва амалиёт машғулотларида;
- технологик амалиётда;
- битирув малакавий ишларида;
- педагогик амалиётда;
- мустакил иш машғулотларида;
- аудиториядан ташқари машғулотларида (рефератлар ва курс ишларини бажаришда, тўгаракларда, лойихаларда) тадқиқот элементларини ўз ичига олади.

Биз талабаларда тадқиқотчилик қобилияти ва күнімда ҳақида түшүнчаларни аниклаштырып учун бутун курс билан анкеталар үтказдик ва унинг давомидә “тадқиқот” түшүнчеси ҳақида күйида келтирилгандык саволларга жавоб берилешини сүрайди:

1. “Тадқиқот” түшүнчесини қандай түшүнасиз?
2. Қандай қобилиятни сиз тадқиқотчиликка кириласиз?
3. Илгари ҳам тадқиқотчилик қобилиятларини бошқа сохаларда ёки муаммо ҳамда топшириклар ечишде ишлатғанмисиз вая қайси фанларда?
4. Күнлік ҳаётингизде тадқиқотчилик қобилиятларини ишлатғанмисиз? Мисол көлтириңг.
5. Техника, технология, педагогика бүйіч тадқиқотчилик топширикларини үйлаб топинг ва таклиф этинг.

Анкеталаштырып натижалари шуни күрсатдикі, барча талабалар “тадқиқот” түшүнчесиге ўз таърифини берішпе уринишади, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тадқиқотчилик қобилиятларига қайсиларни киритишни билишмайды.

Күпчилик талабалар кундалик ҳаётда тадқиқотчилик қобилиятларини ишлатышига ишонишади, аммо мисоллар келтира олишмайды. Талабалар тадқиқотчилик вазифаларини күйишида ҳам катта кийинчилектарга дуч келишади. Шунингдек, үтказилған сұхбатлар күрсатдикі, талабалар тадқиқотчилик жараёны, тадқиқотларни үтказиш технологиялари ҳақида билимларни ва күнімдерни әгаллаштырип исташади, чунки улар кундалик ҳаётда ҳам, касбий фаолиятта ҳам фойдалы бўлишига ишонишади.

Касбий таълим йўналишлари талабаларида бошланғич тадқиқотчилик күнімдерни шаклланганлық даражасини аниклаш учун бизлар асосий педагогик эксперимент тасдиқ қисми хисобланған тадқиқот топширикларини ечишни таклиф этдик. Олинган натижалар маълумотлар таҳлили күрсатдикі, барча талабаларда биринчи даражали тадқиқот топширикларини ечиш қобилияти шаклланған, ва уларнинг ярми иккинчи даражали масалаларини еча олади. Шунингдек, жадвалдан маълумки, биринчи даражали масалаларни ечишде варианtlар сони бирдан учгача бўлади, иккинчисида эса варианtlар сони бирдан ошмайди.

Дастлабки экспериментал натижалари таҳлили талабаларда тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмалари бошланғич даражаси борлигини кўрсатди ва унинг асосида бизлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш таркибига кўйиладиган талабларни аникладик.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунига кўйиладиган зарурий талаб бўлиб таклиф этиладиган дастурнинг талабалар бошланғич билим ва кўникмалари инобатга олиниб, ишлаб чиқилиши ҳисобланади.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг бошланғич босқичидаги назарий ишга талабаларни тадқиқотчилик иши асосини ташкил этувчи ўкув материали билан таништириш, тадқиқот вазифаси, тадқиқот фаолияти тузилмаси ҳамда унинг фаолиятини кучайтириш усувлари ва ҳ.к. ҳакида маълумотларни бериш киради.

Хозирги кунда ихтисослик фанларини ўқитиш соҳасида тадқиқотчилик масалаларини ечишни ўргатиш бўйича аниқ методика мавжуд эмас, бироқ сўнгти вактларда тадқиқотчилик фаоллаштирувчи методикалар ва кучайтирувчи ҳамда ижодий қобилиятларни шакллантирувчи методикалар кўпроқ қўлланилмоқда. Ижодий фаолиятга йўналтирилган кўпинча тадқиқотчилик иши билан бирга олиб борилиши туфайли бу тадқиқотчилик фаолиятида ҳам қўлланилиши мумкин. Олимлар тадқиқотчилик ўрганиш ижодий меҳнатга тайёргарликнинг муҳим воситаси деб ҳисоблашади. Айнан шунинг учун мазкур ишда бизлар талабалар ижодий жараёнини кучайтириш методикалари билан таништиришни афзал деб биламиз.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун бизнинг шароитимизга энг қулай бўлган қўйидаги мезонлар танланди:

- байён этиш соддалиги;
- тушуниш осонлиги;
- қисқа муддат ичida тушуна олиниши;

- талабалар тадқиқотчилик фаолиятини фаоллаштириш ва кучайтиришнинг юкори самараси. Бу мезонларга ўхшашларини топиш морфологик анализ кабилар түғри келади.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлиги, албатта, олинганд билимларни амалий қўллашдан иборат, шунинг учун комплекс дастурни бизлар ўкув устахоналар лабораториялар мисолида ишлаб чиқдик. Шунингдек, бизнинг фикримизча, касбий таълим йўналишлари талабаларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун характерли ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ тадқиқот муаммоларини ўкув жараёнида қўллашда самаралироқ бўлади. Ўқитишини хаётий муаммолар билан бундай боғлиқлиги, ишлаб чиқаришда натижаларни қўллай олиниши талабада бажариладиган ишга масъулиятни ва жиддий муносабатни шакллантиради.

Ўтказилган назарий ва экспериментал изланишлар шуни кўрсатдики, бўлажак касб таълими ўқитувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш дастури комплекс характерга эга бўлиши, яъни ўқитишининг барча соҳаларни ва уларнинг ҳар бирида назарий, амалий, лаборатория ва аудиториядан ташқари машғулотларни қамраб олиши керак.

2. Дастур таркиби:

- касбий таълим йўналишлари талабаларида мавжуд тадқиқотчилик қобилияйтларининг бошланғич даражасига мувофиқ келиши керак;
- талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланишига ёрдам бериши керак, бунинг учун дастур мазмунини курсдан курсга мураккаблаштириб бориш лозим;

- реал материал-техник шароитларга жавоб бериши керак;
- талабалар тадқиқотчилик фаолияти билан фаол шуғуланиши учун жараён қизиқарли бўлиши керак;
- худудий ишлаб чиқариш жараёнларига мувофиқ келиши керак.

2.1-жадвал

**Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда тадқиқотчилик  
кўнімаларини шакллантириш ва ривожлантириш комплекс  
дастури**

Курс	Семестр	Ўқув фанлари номи	Тадқиқот иши таркиби		
			Назарий машғулотларда тадқиқот қобилияти ва кўнімаларини олиш.	Амалий машғулотларда тадқиқот қобилияти ва кўнімаларини олиш.	Аудиториядан ташқари машғулотларда тадқиқот қобилияти ва кўнімаларини ошириш.
1	1	1. Мухандислик графикаси.	Тадқиқот ишини ўтказиш элементлари билан танишиш.	График масалаларни тадқиқот элементлари билан бажариш.	Муаммоли вазиятларни яратиш.
	2	2. 1. Мухандислик графикаси 2. Техника ва технология ривожланиши тарихи.	“Аналогларни топиш” методикаси билан танишиш. Назарий тадқиқот масалаларни ечиш.	Тадқиқот масалаларни ечиш.	Тадқиқот вазифаларни бажариш.
2	3	1. Мухандислик графикаси. 2. Материалшунослик. 3. Ўқув устахоналарида практикум.	“Морфологик анализ”, “мия штурмий” методикалари билан танишиш.	Тадқиқот масалаларни ечиш. Тадқиқот лаборатория ишларини бажариш.	Тадқиқот вазифаларни бажариш.
	4	1. Материалшунослик. 2. Тикув саноати технологияси асослари. 3. Кийимни моделлаш ва конструкциялаш. 4. Ўқув устахоналарида практикум.	ФҚА методикаси билан танишиш. Назарий тадқиқот масалаларни ечиш.	Тадқиқот масалаларни ечиш. Тадқиқот лаборатория ишларини бажариш. Тадқиқот лаборатория курилмаларини ишлаб чиқиш.	Тадқиқот лаборатория курилмаларини кўнімаларни мустахкамлаш воситаси сифатида ишлаб чиқиши ва куриш.
3	5	1. Тикув саноати технологияси асослари. 2. Кийимни моделлаш ва конструкциялаш.	Назарий тадқиқот масалаларни ечиш.	Тадқиқот муаммоларини ва уларни ечиш йўлларини топиш.	Тадқиқот лаборатория курилмаларини куриш.

## 2.1-жадвалнинг давоми

		3. Ўқув устахоналарида практикум.			Курс лойихалари устида иш.
	6	1. Ижодий фоалият асослари. 2. Тикув саноати технологияси асослари. 3. Кийимни модельлаш ва конструкциялаш. 4. Ўқув устахоналарида практикум. 5. Технологик амалиёт.	Ижодий вазифалар ечимини топишни фаоллаштирувчи методикаларни ўрганиш. Назарий тадқиқот масалаларни ечиш.	Тадқиқот масалаларни турли методикалар ёрдамида ечиш.	Тадқиқот қобилияти ва кўникмаларини технологик операцияларни бажариша кўллаш.
4	7	1. Ижодий фоалият асослари. 2. Тикув саноати технологияси асослари. 3. Педагогик амалиёт.	Ижодий вазифалар ечимини топишни фаоллаштирувчи методикаларни ўрганиш.	Технология бўйича машғулотларни тадқиқот элементлари билан ўтказиш. Педагогик амалиёт давомида технология бўйича машғулотларни тадқиқот элементлари билан ўтказиш.	Курс лойихалари устида ишлаш.
	8	1. Ижодий фоалият асослари. 2. Тикув саноати технологияси асослари.	Ижодий вазифалар ечимини топишни фаоллаштирувчи методикаларни ўрганиш.	Тадқиқот масалаларни турли методикалар ёрдамида ечиш.	
5	9	1. Ижод ва дизайн.	Тадқиқот масалаларини топиш ва ечиш.		Диплом лойихалари устида ишлаш.
	10.	1. Педагогик амалиёт.		педагогик амалиёт даврида мактабда технология бўйича машғулотларни ўқитишга тадқиқот ёндашувни кўллаш.	Диплом лойихалари устида ишлаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникумаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунига бўлган талабларни бажаришда маълум шартлар бажарилиши лозим.

Шарт – бу бирон нарса билан боғлиқ бўлган вазият бўлиб, педагогик жихатдан шартлар қўйилган мақсадга эришишга кўмаклашувчи асос ёки шароитлар мажмуи сифатида қаралиши лозим.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникумаларини шакллантириш ва ривожлантириш шартларига талабаларни тадқиқотчилик ишига ўргатувчи педагогга бир қатор талаблар қўйилади.

Психологик-педагогик адабиётлар таҳдилидан аникландики, педагогга бўлган биринчи талаб ундаги педагогик қобилияtlар мавжудлигидир. Педагогик қобилияtlар – шахс сифатлари, болалар билан ишлашга мойиликда акс этган интеграция, болаларга муҳаббат, улар билан мулоқотдан лаззатланишдир.

Педагогик фаолиятнинг муваффакияти кўп ҳолда педагогик қобилиятта боғлиқ бўлади [18,60].

Педагогик қобилият – бу шахснинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, бир ёки бир нечта кўринишида педагогик фаолиятларнинг самарали бажаришнинг шартидир [47].

Умумий ва маҳсус қобилияtlар мавжуд бўлиб, улар педагогик фаолият жараёнида шаклланади, ривожланади ҳамда эгалланган билим, қўникум ва малакаларга боғлиқ бўлади. Бу икки қобилият бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келиши мумкин [64].

Педагогик қобилият асосини ақлий меҳнат, илмий ва методик фаолият ташкил қиласи. Буларга ғояларни тушуниш, ўзининг мустақил фикрини баён этиш, юзага келадиган муаммони мустақил ҳал қилиш, амалий харакатларни тез ва тўғри бажариш, тасаввурлар, предмет, объект, ҳодиса ва жараёnlарни фарқлаш каби қобилияtlар киради. Бу сифатларнинг шаклланиши орқали интеллектуал қобилият ҳосил қилишади.

И.П.Подласый қобилияtlарнинг қуидаги асосий гурухларини ажратади [77]:

- ташкилотчилик, яъни ўқитувчининг таълим олувчиларни жамлаши, уларни иш билан банд қилиш, вазифаларни ажратиб бериш, ишни режалаштириш, холосалаш каби хусусияtlарида акс этади;

- дидактик қобилиялар буларга ўкув материали, күргазмали, жиҳозларни тұғри танлаш ва тайёрлаш, ўкув материалини содда ва тушунарлы тушунтириш, ўрганиш фаоллигини оширишда акс этган жиҳатлар киради;
- тарбияланувчининг маънавий дунёсига кира олиш, уларнинг психологик хусусиятларини аниклашда акс этувчи қобилиялар;
- ўқитувчининг талабалар, уларнинг ота-оналари, касбдошлар билан алоқаларни ўрната олишда ифодаланган коммуникатив қобилиялар;
- талабаларга эмоционал таъсирда ифодаланган шахсий қобилиялар;
- тадқиқотчилик қобилиялари;
- илмий-амалий тадқиқотларни мустақил амалга оширувчи қобилиялар.

Албатта, санаб ўтилган барча қобилияларга ҳар бир педагог эга бўлиши керак. Аммо таъкидлаш жоизки, ҳар бир педагог айнан ўзининг ўқитадиган фани учун характерли қобилияларга ҳам эга бўлиши лозим.

Бизнинг фикримизча, касбий фаолиятда тадқиқотчилик билан шугулланадиган касб таълими ўқитувчиси қуидаги тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлиши керак:

- ўкувчилар олдида назарий тадқиқот вазифаларни қўйиши ва турли методикалар ёрдамида ўкувчиларни тұғри жавобга йўналтириши;
- ўқитадиган фани бўйича лаборатория-амалиёт машғулотларида тадқиқот ишини ташкил этиш;
- дарсдан ташқари вактда талабаларни тадқиқотчилик фаолияти билан қизиқтириши (тўгараклар, лабораториялар ва ҳ.к.);
- талабаларни нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари ҳам мураккаб вазиятлардан чиқиши йўлларини топишга ўргатиш;
- талабаларни тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмаларини бошқа вазиятда ҳам қўллашга ўргатиш.

Талабаларни тадқиқотчилик кўникмаларига муваффақиятли ва самарали ўргатишда материал-техник база катта ахамиятга эга.

Тадқиқотчилик ишини ташкил этиш ва ўтказишда зарурый материал-педагогик шароитларни яратиш, тадқиқот характерли ўкув фаолияти учун мавжуд жиҳоз ва воситаларидан самарали

фойдаланиш, ишлатиш ва шунингдек, талаба ва ўқитувчининг иш жойини рационал ташкил этиш керак. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик фаолиятини самарали ташкил этиш куидаги шароитлар яратилиши ва моддий билим техник базасини яратиш изланувчиларни ўз ичига олади.

**Маъруза аудиторияси.** Биз ўтказган назарий ва тажриба-экспериментал ишлари натижалари асосида фанлари бўйича маърузаларга ижодий масалалар ечимларини қидиришни фаоллаштириш ва кучайтириш методикалари билан таништирувчи назарий кўшимчаларни хамда муаммоли вазиятларни киритдик. Шу туфайли маърузаларда баъзан вақт этишмовчилги кузатилади. Бу муаммони маъруза таъминотининг материал-техник базасини тўғри ташкил этиш ҳисобидан ҳал қилиш мумкин. Уларга биринчи навбатда куидагилар киради:

1. Кўргазмали воситалар:

а) реал воситалар (моделлар, коллекциялар, жиҳозлар, аппаратлар ва бошк.);

б) босма воситалар (расмлар, плакатлар, графиклар, жадваллар);

в) проекцион материаллар (видеофильм, слайдлар ва ҳок.)

Кўргазмали воситалар қуидаги функцияларни бажаради:

■ предметнинг ташки кўриниши билан замонавий кўринишида ва тарихий ривожланиши билан танишиши;

■ ҳодиса ёки жараён характеристикаларини таққослаш ёки улар ўзгариши ҳақида тасаввурни шакллантириш, маҳсулотни лойихалаш, тайёрлаш ва эксплуатация қилиш босқичлари;

■ предмет тузилиши ва ишлаш принципи, уни бошқариш, хавфсизлик техникаси ҳақида тасаввурини шакллантириш.

Ўқитиш воситалари қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

■ восита ўкув жараёнининг бошқа элементларига кўйиладиган барча талабларига жавоб бериши, қабул қилишга осон ва тушунарли бўлиши керак;

■ бир хил мақсадга эга бўлган барча жиҳозлар бир-бирига мувофиқ бўлиши керак;

■ ўқитиш воситалари микдори ва турлари ўкув дастурида белгиланган мавзуларга мос бўлиши керак.

2. Ўқитишнинг техник воситалари: кинопроекторлар, диапроекторлар, эпипроекторлар, фильмоскоплар, микроскоплар ва х.к.

Ўкув-кўргазмали воситаларни ишлатиш, кинофильмлар, видеофильмлар, слайдлар тақдимоти назарий маълумотларни тушунтириш, схема ва чизмаларни чизиш вақтини сезиларли кискартиради, турли муаммоли вазиятларни тузиш ва талабалар олдида тадқиқот вазифаларни қўйиш имконини беради. Бу нисбатан катта бўлмаган масалалар бўлиб, улар кузатувларга, анализга, таққослашга ундовчи, мустақил умумлаштиришни ва фактларни таққослашни талаб этади. Бундан ташқари, ўқитишининг техник воситаларини ишлатиш шу туфайли талабаларда кузатув кўникмаларини шакллантиришни, улар тадқиқот ишини ўтказиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

3. Электрон таълим ресурслари. Буларга электрон дарслик ва ўкув қўлланмалар, мультимедиалар, вертуал стендлар, электрон лугатлар, маълумотномалар, электрон кўргазмалар киради.

**Ўкув лабораториялари.** Ўкув лабораторияларининг материал-техник базаси талабаларда экспериментлар тури бўйича бажариладиган ақлий ва амалий фаолиятларни шакллантириш, тадқиқот муаммоларини қўйиш ва ечиш, тадқиқот ишини фаоллаштирувчи усуллар ва методларни ишлатишга кўмаклашиши керак.

Шу сабабли ўкув лабораторияларида жадваллар, схемалар, маҳсус адабиётлар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш учун мебель жиҳозлари ва тадқиқотчилик ишини бажариш учун зарурый лаборатория ускуналари (курилмалар, воситалар, ўлчов аппаратураси, ўқитишининг техник воситалари) билан таъминланган бўлиши керак.

Баъзи ҳолларда лабораториямизда тадқиқотни ўтказиш учун маълум бир тадқиқот курилмаларини талабаларнинг ўзлари томонидан тайёрланиши, ўз навбатида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришга катта ёрдам берди.

**Ўкув устахоналари.** Ўкув устахоналари материал-техник базаси ҳакида фикр юритилганда шуни таъкидлаш керакки, мавжуд курилмалар, станоклар ва воситалар тадқиқотчилик фаолияти обьектларини лойиҳалаш ва тайёрлаш учун зарурый шароитларга жавоб беради.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишда баъзи куйидаги қийинчилкларга дуч келиши мумкин:


- кабинет ва лабораторияларда ускуналар етишмовчилиги ёки эскирганлиги;
- машғулотлар учун илмий-техник ва педагогик адабиёт етишмовчилиги;
- педагогик таълим тизимида шахснинг тадқиқотчилик сифатларини шакллантиришнинг етарсиз илмий-назарий ва методик таъминоти.

Демак, бўлажак касб таълими ўкувчиларида тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш методикасини ишлаб чиқища юкорида келтирилган дидактик талаблар бажарилиши керак.

Ҳар қандай ижодкорликда уни ечишнинг мақсад ва вазифаси мазмуни таҳминан қуидаги босқичлардан иборат:

- изланаётган ечимга эришишнинг умумий йўналишини белгиловчи концепцияни аниқлаш;
- масала шарти ва ечимини аниқлашга оид ахборотлар йиғиш;
- масалани ечиш услубини танлаш ва уни текшириб кўриш.

Ана шулар ичига ахборот таъминоти энг муҳим босқич ҳисобланиб, у ижодкорлик масалаларни ечишнинг мувофиқ ва тўғри стратегияси ҳамда тактикасини ишлаб чиқишининг асоси ҳисобланади ва қуидаги тамоилиларга таянади (2.1-расм):



**2.1-расм. Тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш компонентлари ва уни амалга ошириш алгоритми.**

Талабаларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш жараёнининг самараси кўп жихатдан унинг ахборот таъминоти ва мақсадли равишда педагогик жихатдан бошкариш йўналишларининг тизимли ва узлуксиз бўлишини тақозо этади. Маърузада ахборот таъминоти ҳар бир ташкил этувчиси тўғрисидаги фикрлар атрофлича баён қилинади.

Бунда назарий ва образли фикрлаш, тасаввур, идрокнинг чуқурлиги ва кенглиги, мустақиллик ва хатти-харакатларни танқидий баҳолаш муҳим ҳисобланади. Айни ўринда катта ҳажмли ахборотларнинг мавжудлиги ҳам талаб қилинади. Шуни айтиш керак-ки, ахборотларнинг етишмаслиги ижодий фаолият суръатига салбий таъсир кўрсатади. Кашф этилган ихтиrolардан бехабар бўлиш оқибатида мавжуд ихтиронинг қайта яратилиши борасидаги ҳолатлар бунга мисол бўла олади.

Тадқиқотчилик кўникмасини шакллантиришнинг муҳим шарти фаолиятдир. Демак, ўқитувчининг асосий вазифаси ушбу фаолиятни ташкил этиш шакл, метод, восита ва йўналишларни белгилаб берувчи зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади (2.2-расм).



**2.2-расм. Тадқиқотчилик кўникмасини шакллантиришнинг ахборот таъминоти.**

Ахборот таъминотининг ҳаддан зиёдлиги хам вазифани ижобий ҳал этмайди. Шу сабабли, ахборот таъминотини педагогик жиҳатдан бошқариш, уларнинг илғор техника ва технология ютуклари билан бойитилганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ижодкорликка эришиш жараёнини педагогик жиҳатдан бошқаришнинг предмети инсон омили бўлиб, у ўзига хос тарбиявий ишлар ва уни бошқариш, ижодий масалаларни ечиш методикаси ва алгоритмининг ўрганишни кўзда тутади.

Тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш тайёрлаш жараёнига нисбатан педагогик ёндашув тизими шахс ижодкорлиги ва яратувчалигини бошқаришнинг бош масалаларидан бири ҳисобланади ва у ўз ичига зарурий ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш уни қайта ишлап мақсадни аниқлаш, мақсадга эришиш режасини ишлаб чикиш, режа бўйича ижодкорлик ишларини ташкил этиш, унинг амалга ошишини назорат қилиш, ушбу тизим фаолиятини тартибли олиб бориши ва маҳсус ечимлар кабул қилиш каби босқичларни олади.

Айтилганларидан кўринадики, тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлапшинг мухим шарти мақсадли педагогик бошқаришда қатнашчи (шахс)ни юқори даражадаги объектив ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Объектив ахборотгина мақсадга йўналтирилган фаолият учун ҳаракатланувчи восита бўла олади ва тўсиқларни осон енгигб ўтишни таъминлайди. Ҳатто озгина кечикиб келган ахборот ҳам ижодий фаолиятга жиддий путур етказиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фаннинг ривожланиши билан ижодкорлик бир-бирини такозо этади. Ижодий фаолиятини ташкил этиш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш муайян даражада бошқариш йўналишларини ўз ичига олади. Аммо ўқув машғулотини таълим методлари билан бойитиш таълим тизими ва мантиқини бузмаслиги керак. Педагогик технология талаabalарда тадқиқотчилик ва ижодий қобилиятини шакллантиришга имкон берувчи ахборотлар йиғиш ҳамда уларнинг машғулот жараённида фойдаланиш йўлида маълум имкониятларни яратади. Ушбу маълумотлар эса фан асосларнинг ахборот таъминоти мазмунни ва тадқиқотчилик методларини бошқариш имкониятларини белгилайди.

## **2.2-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг концептуал ғоялари**

Касб таълими ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолиятининг моҳиятини қараб чиқиш, уларни ОТМларда тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнин илмий асослаш имконини берди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг асосий етакчи ғоялари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- таълим ва тадқиқотчилик фаолиятининг бирлигини ташкил қилиш;
- тадқиқотчилик фаолиятини илмий таъминлаш;
- талабалар тадқиқотчилик фаолиятини турли таълимий фаолиятни ташкил этиши шакллари орқали ривожлантиришнинг узлуксизлиги.

Қайд этилган етакчи ғоялар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёни ва унинг алоҳида қисм тизими, яъни мақсад, мазмун ва босқичлар тизимини ташкил этувчи функциясини бажарадилар.

Улар куйидагилар орқали ифодаланади:

- талабаларни тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг қуйидаги учта қисми тизимини яратиш: ўқув фаолияти жараёнида, ўқишдан ташқари фаолиятда ва талабани илмий-ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотчилик ва инновацион фаолиятга жалб этиши орқали тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш;
- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг мақсад ва мазмуни, методлари ва воситалари узвийлиги ҳамда узлуксизлиги;
- талабаларни тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

Замонавий босқичда касбий таълимнинг инновацион ривожланишини тадқиқ қилиш қуйидаги хуносалар чиқариш имконини беради, касбий-педагогик таълимни гуманитарлаштириш, технологиялаштириш, ахборотлаштириш, интеграциялаш ва бошқа ривожланиш тенденциялари шароитларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятининг мазмунли ва процессуал характеристикаларини қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуд.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ёритишнинг асоси бўлиб, тадқиқ қилинаётган жараён йўналиши ва мазмунини белгилаб берадиган тайёрлаш мақсадини шакллантириши майдонга чиқади. Мақсадлар бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини таҳмин қилинадиган натижаларини акс эттиради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг замонавий шароитларда тадқиқотчилик фаолияти таркиби ва мазмунини, шунингдек, касбий таълимдада, иқтисодда, бошқарувда инновацион жараёнлар ривожланишининг йўналишларини таҳлил қилиш, тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш мақсадини бошлаб олиш имконин берди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш мақсадлари:

- умумкасбий ва маҳсус билим, тадқиқотчилик кўнижмалари, илмий дунёкарашни шакллантириш ҳамда шахсий-касбий сифатларни доимий ривожланишириш, бўлажак касбий фаолиятни такомиллаштириш;

- бўлажак мутахассиснинг касбий маданиятини ривожлантириш;

- касбий таълим сифатини ошириш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини шакллантирилган мақсадларига кўра тавсифлаш, куйидагиларни бажаришни ўз ичига олади:

- тайёрлаш жараёни концептуал бўлиши керак, яъни бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашга асос бўлувчи ғояларни белгилаб берадиган назарий ёндашув ва тамойилларга таяниш керак;

- тайёрлаш жараёнига яъни аниқ ижтимоий – иқтисодий, педагогик ва илмий-техник шароитлардаги инновацион жараёнини мазмунига бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш бўйича ҳаракатлар таркиби ва кетма-кетлиги хақидаги умумий тасаввурлар киритиш керак;

- тайёрлаш жараёни технологик бўлиши керак, аниқ таълимий амалиёт шароитларида уни самарали амалга ошириш мумкин бўлиши ва қаралаётган жараёнини тасвири, тайёрлаш технологияси, шакли ва воситаларига кўрсатмалар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлик талабларини ўз ичига олиши керак;

– тайёрлаш жараёни ўз ичига психолого-педагогик, мухандислик-техник, ишлаб чиқариш-технологик компонентларни олиб, уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида қурилиши керак. Бу бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишни таъминлайди.

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқиш асосига куйидаги тамоилиллар кўйилган:

– тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкил этишдан мажмуавий ташкил этишга ўтиш учун ўкиш, ўқишдан ташқари ва талабаларнинг инновацион – тадқиқотчилик фаолиятининг интеграцияси;

– тадқиқотчилик фаолиятда касбий тайёргарлик ва тайёрликни юқори сифати асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини рақобатдошлигини таъминлаш;

– тадқиқотчилик фаолиятга тайёргарлик ва тайёрлик жараёнинг босқичма-босқич мантиғини ҳар томонлама изоҳлаш ва илмий асослаш имконини берадиган мажмуавийлик ва изчиллик тамойилига асосланиш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг асосий босқичлари педагогик объекtlарнинг илмий тадқиқоти мантиғига асосланади ва куйидаги кетма-кетликдаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

– тадқиқотчилик фаолиятга тайёргарликнинг босқичларини мақсад ва вазифаларини шакллантириш;

– бўлажак касб таълими ўқитувчилари тадқиқотчилик фаолиятининг моҳияти ва тузилиши ҳамда унга тайёрликнинг хусусиятини ўрганиш;

– тадқиқотчилик фаолиятга тайёргарликнинг асосий босқичларини ишлаб чиқиш;

– бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг асосий технологиялари, восигалари, шаклларини ишлаб чиқиш;

– педагогик таълимда инновацион жараёnlарнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тайёргарлик жараёнини амалга оширишнинг шартлари ва талабларини аниqlаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг ишлаб чиқилган жараёнининг яхлит тавсифи концептуал асослаш, умумдидактик ва хусусий методика даражасида тақдим этилиши керак.

Концептуал асослаш ўз таркибига қўйилган вазифалар ечининг мазмуни ва тузилмасининг янгилигини ва тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир нечта қоидалар билан ифодаланган бош ғояни олиши керак. Умумдидактик тавсиф, қонунлар, ёндашувлар, дидактик назария тамойиллари нұктаи назаридан ўрганилаётган объектнинг баъзи бир мезоний баҳосини таъминлайди ва концептуал қоида дидактик назария билан қанчалик мувофиқлашувини очиб беради, унинг қонунлари ва тамойилларининг реал таъсири воситасида амалга оширилиши мумкин. Хусусий методик даража берилган тадқиқот натижаларидан амалий фаолиятда фойдаланадиган ходимларни уларни амалга ошириш учун зарур бўлган механизмлар билан қуроллантиради. “Концепция-дидактик таъминот – хусусий методик тавсиф” схемаси бўйича жараённи тасвирлаш тадқиқ қилинаётган объект ҳақида тўлиқ тасаввурни ҳосил қиласди, амалиётда яхши қабул қилинади ва реал ўкув жараёнларида амалга оширишнинг юқори кўрсаткичига эга бўлади.

Тадқиқотда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятга концептуал даражадаги тайёргарлиги жараёнининг тасвирланиши қуидагиларни: бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёни, илмий-педагогик, илмий-техник, илмий-технологик фаолиятларга алоҳида тайёргарликни ва тадқиқотчилик касбий фаолиятдаги тайёргарликни касбий таълим, иқтисод ва бошқарувдаги инновацион жараёнлар мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида яхлит интерактив шакллантиришни таъминлаб бериши керак.

Тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини куриш асосида, аниқ тузилмали, мазмунли ҳарактеристикаларни бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнига киритиши зарурлигига олиб келадиган ўқиш, ўқищдан ташқари тадқиқотчилик фаолиятларининг чукур интеграцияси мавжуд. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг умумдидактик тавсифи уларни тадқиқотчилик фаолиятга

тайёрлаш асосларини аниқлайдиган назарий ёндашув ва тамойиллар баёнини ўз ичига олади.

Ёндашув деганда, тадқиқ қилинаётган жараённи моделлаштиришнинг йўналиши, таянчини аниқлайдиган назариянинг асосий қоидаси тушунилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчilarини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг назарий ёндашув сифатида башоратлаш, тизимли, интегратив ёндашувлар тушунилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчilarини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараённи тадқиқ қилишда санаб ўтилган назарий ёндашувларнинг ўрнини аниқлаймиз. Тизимли ёндашув – деганда шундай ёндашув тушунилади, унда ўрганилаётган нарса ва ҳодиса аниқ яхлит таълимнинг қисмлари ёки элементлари сифатида қараб чиқилади. Элементлар обьект ичидаги ҳамда ташқари мухитдаги турли-туман ўзаро муносабатлар ва алоқалар билан тавсифланади. Педагогикада тизимли ёндашув айрим педагог олимлар томонидан ишлаб чиқилган [169]. Тизимли ёндашувни амалга ошириш обьектнинг яхлитлиги ва тузилмавийлигига риоя этиш, унинг ички ва ташки алоқаларининг барча тўпламларини ҳисобга олиш ва тадқиқот обьектини микдорий ва сифатий ўзгаришларнинг ўзаро алоқаларининг ривожланишида кўриб чиқишдан иборат.

Ушбу ёндашув нуктаи назаридан бўлажак касб таълими ўқитувчilarини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш, яхлит жараён сифатида унинг барча ташкил этувчilari билан биргалиқда ва унга таъсир этиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиб, тадқиқ қилинади ва амалга оширилади ҳамда касбий-педагогик ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарувчилик, илмий тадқиқотчилик, экспериментал, тижоратчилик каби фаолиятларининг ўзаро алоқаси талабларидан келиб чиқсан ҳолда кўрилади.

Интегратив ёндашув таълим мазмунини эгилувчанлигини таъминловчи, шахс эҳтиёжлари ва таълим дастурини индивидуаллаштириш ва шахсий-касбий ривожланишига таъсир кўрсатувчи турли хил аниқ фаразлар орқали унинг базавий тайёргарлик даражасини дидактик тизимга мослаштириш йўли билан шахснинг ўқиши ва ривожланишининг энг қулай шароитини яратишга йўналтирилган.

Интегратив ёндашувни амалга ошириш вариантивлик, эгилувчанлик, мослашувчанлик таъминланган таълим мазмунининг аниқ

тузилмасини назарда тутади, таълим олувчиларни индивидуал имкониятларига мослашиш имконини беради ва ўқитишнинг юкори даражада технологиялашганлигини таъминлайди. Шунинг учун интерактив ёндашувни шахсий-фаолиятли ёндашув билан узвий-боғлиқ, фаоллик, онглилик ва мустақилликка таянувчи деб таснифлаш мумкин.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашда интегратив ёндашув оптималлаштиришни, таълим мазмуни ва илмий тадқиқот мазмуни тузилмалари, таълим олувчиларнинг таълим олиш траекториясини мустақил ишлаб чиқиши имкониятини таъминлаш, касбий-педагогик, муҳандис-техник, ишлаб чиқариш-технологик тайёргарлик мазмунини интеграциялаш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолияти турли босқичлари мантиги ва ўзаро алоқасини хисобга олади.

Ташхисли (прогностик) ёндашув бир томонда тузилмали-функционал параметрлари, бошқа томондан билиш ҳажми (касб таълими тизими) билан шартлашилган тадқиқотчилик ишлари муаммосини аниқлаш имконини беради.

Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси устидан ўқитувчи-педагог томонидан назорат юритиши ва талабанинг ўз-ўзини назорат қилиши қайтар алока амал қилиши учун шарт-шароитларни яратиб, бу таълим олувчининг илмий тадқиқотчилик фаолиятини тартибга солиб боришни, уни ташкил этиш шаклларига, методларига ва воситаларига ўзгаришлар киритиб боришни таъминлайди.

Назорат-тартибга солиш компоненти ўқитувчилар ва талабалар томонидан эришилган натижаларнинг баҳоланиши ҳамда ўз-ўзини баҳолаш жараёнини кўзда тутади. Коидага кўра, талаба томонидан илмий тадқиқотчилик муаммоларини ҳал қилишининг энг бошида қўйидаги вазиятлардан биттасининг англаб олиниши рўй беради – билимларнинг реал даражаси зарур бўлган даражада пастлиги; маҳоратнинг реал даражаси зарурий даражадан пастлиги; реал воситалар ҳажми зарур бўлганидан камлиги.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикаси бир қатор ўзига хосликларга эга бўлиб, улар ичida устуворлари бўлиб қўйидагилар саналади:

- тадқиқотчилик фаолияти мақсадларининг ўкув мақсадларига бўйсундирилганлиги;
- тадқиқотчилик фаолияти асосий мотивларининг мазмуни;
- тадқиқотчилик фаолиятининг педагог-ўқитувчилар ва илмий ходимлар раҳбарлиги остида амалга оширилиши;
- талабаларда илмий ишларни амалга ошириш жараёнида касбий мустақилликнинг, ўз касбий фаолиятида амалий масалаларни ижодий ҳал қилишга қобилиятларнинг шаклланиши;
- келгусида тўқнаш келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал қилиш учун билим ва маълумотларни кенгайтириш.

Ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш – босқичма-босқич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўкув, илмий, ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади. Ўкув фаолиятининг илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасидан асосий фарқли томонлари энг аввало, уларни амалга ошириш мақсадлари, предмети ва натижаларидан иборат бўлади. Илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси жараёнида тадқиқотчи-талабанинг шахсий хусусиятлари ва сифатлари шаклланishi рўй беради. Интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида шахсий сифатларнинг ўкув, ўкишдан ташқари ва тадқиқотчилик фаолиятига таъсирини намоён қилиш, шу билан бирга олий таълим муассасаси мутахассисининг куйидаги тадқиқотчилик сифатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахснинг илмий тадқиқотчилик фаолиятига муносабатларини тавсифловчи мотивацион сифат (тадқиқотчилик қизиқишининг шаклланганлик даражаси, фаолиятининг бу турида муваффақиятга эришиш истаги ва унга интилиш даражаси);
- операцион сифатлар (илмий тадқиқотчилик фаолиятида шахс кўллайдиган ақлий усул ва операциялар);
- фаолиятли сифатлар (ўз фаолиятида ахборотнинг турли манбаларидан рационал фойдаланиш ва мустакил таълим олиш жараёнини оптимал равишда бошқара олиш маҳорати);
- талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти жараёнида ҳамкорлик усусларини қўллай олиш маҳорати ва қобилиятларини тавсифловчи коммуникатив сифатлар;

- баҳолаш сифатлари (ўз фаолиятини рефлексив баҳолаш усулларини эгаллаганлик).

Талабанинг шахсий хусусиятлари ва сифатлари унинг илмий тадқиқотчилик фаолияти учун қандай аҳамиятта эга бўлишини хисобга олган ҳолда ургу илмий хусусиятга эга бўладиган фаол изланувчилик фаолиятига эҳтиёжни ва бундай фаолият маҳоратини шакллантиришга қаратилиши мумкинdir.

Тадқиқотчилик фаолиятининг хусусиятлари куйидагилар хисобланади:

– илмий билимларни техника, техник тизимлар технологияларини яратиш учун қўлланиш ва бошқалар;

– эгаллаган билимлар, кўникмалар, компетенцияларни техника ва технологиялар намуналарини тезда алмаштириш муносабати билан касбий фаолиятнинг бошқа соҳаларига кўчириш;

– техниканинг фаолият юритиши ва инсоннинг у билан боғлиқ хулкининг кадриятли асосларини хисобга олувчи техниканинг ижтимоий маъносини излаш, бу эса мухандислик фаолиятининг ижтимоий (инсонпарварлик) мазмуни билан тўлдирилишига имкон беради;

– тадқиқот билан узвий алоқа;

– иштирокчилик ва конструкторлик вазифаларини самарали бирга қўшиб олиб бориш, қарорларни мустақил қабул қилиш кўникамаси;

– фаолиятнинг ижодий лойиҳаларини кучайтириш;

– курслараро алоқа - тадқиқотчилик масалаларни ҳал қилиш учун курсдошлар билан бирга бир жамоа бўлиб ишлашга тайёр бўлиш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш тамоиллари орасидан энг асосийларини, яъни бутун касбий тайёргарлик жараёни мазмуни ва уни ташкил этишнинг асосини таснифлайдиган касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлар ва уларнинг касбий тайёргарлик жараёнига таъсирини акс этирувчи куйидаги тамоилларни ажратиб олиш керак.

**Илмийлик тамоили** – талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади. Уларни танлаб олишда фан ва техниканинг

энг янги ютуқлари ва қашфиётларидан фойдаланиш керак. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёқарааш, тафаккур ривожланади. Ҳар бир дарсда ўқитиладиган ўкув материалининг илмий мазмуни кенг ва чуқур бўлиши ва талабада нафақат билим, балки тафаккур ҳосил қилишни ҳамда талабанинг ижодий қобилиятини шакллантириши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи ўз илмий савиасини изчил равишда ошириб бориши, замонавий педагогик технологиялар, қашфиётлар ва илмий янгиликлардан хабардор бўлиши лозим. Талаба ўрганаётган билимлар албаттга назарий тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши керак.

**Тизимлилик тамойили** – талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникмаларни тизимли баён қилиш – янги билим, кўникмаларни илгари ўзлаштирган билим, кўникмалар билан боғлаш шу орқали талабаларнинг тушунча ва тасавурлари доирасини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, материални қисмларга ажраттан ҳолда ўрганиш, уларнинг асосий жиҳатларини, умумий ғоясини алоҳида ифодалаш билан талабаларнинг мантикий фикрлари қобилиятиларини ривожлантиришдан иборатдир. Тизимли ёндашув замирида оддийдан мураккабга, эскидан янгига, билимдан кўникмадан эса малакага қараб тизимли равишда ҳаракат ётади.

**Интегративлик тамойили** – турли фанлардан олинган билимлар, кўникма, малака ва тажрибани ҳисобга олиш, таълим мазмунини эгилувчанлигини таъминлаш, таяниш, интеграция қилиш, касбий коммуникатив, ижтимоий компетентликни баравар ривожлантиришнинг энг қулай шароитини яратишни назарда тутади.

Интегративлик ва фанлараро муносабат, бу мазмун, технологиялар даражасида фанларнинг интеграциясига мўлжалланган, шунингдек, уларнинг бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолияти билан алоқасини таъминлайди.

Шунингдек интегративлик тамойили турли илмий соҳалар материалини интеграция қилиш шароитида билимларни яхлит идрок қилишга, фанлараро боғланишлар ва алоқаларнинг мавжудлигига йўналтирилган. “Интеграция қисмларини бирор бутунгина бирлаштиришни назарда тутади”. Педагогик интеграцияни биз мақсадлар, мазмун, тамойиллар, ўкув жараёнини ташкил этиш шаклларини бирлаштириш жараёни тарзида, шунингдек, ўкув жараёни

компонентларининг ўзаро таъсиrlашувида йирик модулларининг яратилиши сифатида қараймиз.

**Башорат (прогностик) қилиш** – тамойили касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга инновацион жараёнларнинг касб таълими, ишлаб чиқариш, техника, технология, иқтисодиёт, бошқарув ва бошқа соҳаларга ривожланиш динамикасини ҳисобга олиб, уларнинг илгарилаb борувчи мазмуни асосида тайёрлашни кўзда тутади. Бунда, тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг прогнозистик мақсади сифатида ностандарт муаммоли вазиятларда ечим ва ҳаракатларни қабул қилишга мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кўллашга тайёрликни шакллантиришда иштирок этади.

**Инновациоnник тамойили** – бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашдаги инновацион таълимнинг мақсади, вазифалари мазмуни, технологияси, шакли асосида амалга оширишни кўзда тутади.

**Илгарилаb борувчи** – касбий тайёргарлик тамойили бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг асосланган мазмунини башорат қилишни эгаллаш заруратини белгилайди.

Шундай қилиб, қайд этилган ёндашув ва тамойиллар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий шартлашилган, мажмуавий, амалиётга мўлжалланган, эгилувчан, оммавий асосий ғояларини очиб беради. Фаолиятга тайёрлаш жараёнининг хусусий касбий методикаси баёни ўз ичига бўлажак касб таълими ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятга амалиётда таклиф этилаётган тайёрлаш жараёнини амалга ошириш мазмуни, технологияси воситалари, шакллари, тайёрлаш жараёни босқичларини изоҳлашни олади.

Исталган фаолиятнинг универсаллигини кўрсатиш билан бирга В.П.Беспалько қўйидаги босқичларни ажратиб кўрсатади:

1. Белгиланган мақсадларга мос ҳолда фаолият қоидалари ва методлари танлаб олинадиган йўналтирувчи босқич.
2. Мақсад билан белгиланган натижага эришиш ва объект ёки вазиятнинг ўзгариши рўй берадиган ижро этиш босқичи.
3. Натижа ва мақсаднинг таққосланиши рўй берадиган назорат босқичи.

4. Фаолиятнинг тугаши ёки унинг босқичларидан бирининг айрим операцияларни такомиллаштириш учун қайтарилиши таҳлилий жиҳатдан шархланадиган тўғриловчи босқич.

В.И.Андреев, В.И.Журавлев, В.И.Загвязинский, А.И.Кочетов, М.Н. Скаткина ва бошка олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиб чиқиш ҳар бир босқичларни талабалар тадқиқотчилик ва мустақил таълим фаолиятига нисбатан мазмунан аниклаштириш имконини берди [16, 59, 60, 78, 135].

Шунга кўра, йўналтирувчи босқич муаммони белгилаш, тадқиқот мавзуси ва мақсадларини белгилаш, тадқиқот обьекти ва предметини аниклаштириб олиш, гипотезаларни юқори суриш, тадқиқот методларини танлаб олиш кабилардан иборат бўладиган тадқиқот соҳасини ўрганиш билан тавсифланади. Ижро этиш босқичи ўз ичига тадқиқот режасини ишлаб чиқиц, тадқиқот методикасини шакллантириш, методикани амалга ошириш, гипотезани назарий асослаш ва исбот қилиш йўли билан тадқиқотчилик масалаларини хал қилиш, хулосаларни чиқаришни жамлайди. Назорат босқичи обьектни яхлит ҳолда тушуниш учун муаммонинг топилган ечими ишончлилигини текшириш ва аҳамиятини белгилаш, ечимни қўллаш соҳаларини белгилаш, натижаларни амалиётга жорий қилиш кабилардан иборат бўлади. Тўғриловчи босқич зарур ҳолларда ҳар бир босқичдаги воқеа - ҳодисаларни тўлдириш ва аниклаштириш билан амалга оширилади.

В.И.Андреевнинг илмий ишларида тадқиқотчилик фаолиятининг “бошланғич” босқичи атамаси қўлланилади. Бу босқичда алоҳида эътибор шунга қаратиладики, бунда тадқиқот жараёнида юзага келган муаммоли вазият шахсий муаммо сифатида қабул қилиниши лозим, яъни муаммоли вазият ўз ҳолича тадқиқотчилик жараёнининг ҳаракатлантирувчиси сифатида ташки омил бўлиб ҳисобланади ва бу ерда унинг шахс томонидан қабул қилиниши мухимдир [16].

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёнини тадқиқ қилиш натижалари бўйича фаолият турига мотивацион, когнитив, фаолиятли тайёргарликни шакллантириш мантиғида кўйидаги босқичлар ажратиб олинди: мотивацион-мўлжалли; аналитик-тадқиқотчилик; моделли-ташхисли; ташкилий-методик; касбий-изланувчилик; рефлексив-баҳолаш.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ санаб ўтилган босқичларни тадқиқотчилик фаолиятта тайёрлаш мазмуни, технологияси, воситаси, шаклларини кўрсатган ҳолда тавсифлаймиз.

Таъкидлаш лозимки, бўлажак касб таълим ўқитувчисини тадқиқотчилик фаолиятта тайёрлаш мазмуни касбий таълим жараёнида тадқиқотчилик ташкил этувчини киритиш орқали психолого-педагогик, мухандислик техник, ишлаб чиқариш-техник компонентларининг ўзаро алоқасида кўрилади. Тадқиқотчилик фаолиятта тайёрлаш мазмунининг тизим ташкил этувчи компоненти сифатида мотивацион тайёрликни шакллантирувчи психолого-педагогик компонент чиқади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг мазмунни динамиклиқ, мажмуавийлик, интегративлик билан тавсифланади ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва таълимнинг мавзуни, конунийтлари, йўналишларини ўз ичига олади. Касб таълим ўқитувчиларининг инновацион фаолияти компонентларини психолого-педагогик, тармоқ ва ишлаб ишлаб чиқариш-техноложик ўзаро алоқаси уларни тадқиқотчилик фаолиятта тайёрлаш мазмунини мақсадга мувофиқ тайёрлаш босқичлари бўйича ажратишни таъминлайди.

**1. Мотивацион-йўналтириш босқич.** Касб таълими ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти ҳақида билимларни шакллантиришни тадқиқотчилик фаолиятта эҳтиёжлари ривожланишини таъминлайди.

Мотивацион-йўналтириш босқич натижаси тадқиқотчилик фаолиятта мотивацияни шакллантириш ва бўлажак касб таълими ўқитувчиси томонидан англашни кўзда тутади, яъни:

- тадқиқотчилик фаолияти воситасида касбий таълимни такомиллаштириш зарурлиги;
- тадқиқотчилик фаолияти маҳсулиниң амалий ўрнини кўрсатиш мухимлиги;
- шахсий –касбий сифатлар доимий ривожланиши зарурлиги.

Бу босқичда талабаларнинг ижодий, коммуникатив, рефлексив кўникумлари фаоллашади. Тадқиқотчилик фаолиятнинг индивидуал услубини излашга, илмий йўналишни танлашга йўналтирилган.

**2. Таҳлил-прогностик босқич.** Таҳлил-прогностик кўникумларини (тадқиқот учун ахборот йиғиши, муаммолар ва зиддиятларни

ажратиш, педагогик воқеликнинг ҳодиса ва жараёнларини таҳлил қилиш) шакллантиришни таъминлайди.

**3. Касбий-изланиш босқич. Ижрочилик-изланувчанлик тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришни таъминлайди.**

**4. Рефлексив-баҳолаш босқич.** Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёнини англашни таъминлайди. Бу босқичнинг вазифалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: талабаларда тадқиқотчилик фаолияти натижаларини баҳолаш, шахсий ва касбий ривожланиш даражасини ўзгартириси имконини берувчи рефлексив кўникмаларни ривожлантириш. Рефлексив-баҳолаш босқичи мазмуни қўйидагиларни ўз ичига олади: тадқиқотчилик фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш; тадқиқотчилик ҳамда касбий кўникмалар рефлексияси.

Касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараёни натижаси тадқиқотчилик фаолият ҳақидаги шакллантирилган билимлар тизимида, тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга амалий тайёрлик, касбий-педагогик фаолиятни такомиллаштириш эҳтиёжида шаклланган илмий дунёқарашда ифодаланадиган таълим олувчининг шахсий ва касбий ривожланиши сифатида аниқланиши мумкин. Бунда ҳал қилувчи натижга бўлиб бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий маданият ривожланиш ҳисобланади. Касбий маданият мавжуд билимларнинг педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларини ўрнатиш, бўлажак мутахассислар томонидан билимларни ўзгартириси, шунингдек, инновацион фаолият усулларини ишлаб чиқишида ифодаланади. Касбий маданиятни педагогик феноменларни таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, асбракциялаш, умумлаштириш, аниқлаштириш бўйича кўникмалар мажмуаси сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Педагогик ижтимоий персепциянинг моҳияти шундан иборатки, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишида талаба интеллектуал-эмоционал ва иродали шахс хусусиятлари унинг мотивацион соҳасига кириб кетади, бу унга инсон шахсини бутунлигича, унинг мураккаб, зиддиятли ривожланишида кўриш имконини беради.

Тадқиқот давомида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг куйидаги тадқиқотчилик кўникмалари аниқланди:

– анализик-тадқиқотчилик кўникмалари (тадқиқот учун ахборот тўплаш, муаммо ва зиддиятларни ажратиш, педагогик борлик ҳодиса ва жараёнларини таҳлил қилиш);

– модулли-башоратли кўникма (тадқиқотчилик фаолиятининг бўлажак обьекти образини ишлаб чиқиш, муаммони кўйиш, илмий йўналишни танлаш, тадқиқотнинг асосий ташкил этувчиларини аниқлаш, илмий изланишнинг, фан ҳолати ва амалиёт эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда мақсад ва вазифаларини аниқлаш);

– ташкилий-методологик кўникмалар (тажриба ишини режалаштириш, тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш, умумий ва хусусий тадқиқот методикаларини ишлаб чиқиш);

– касбий-изланиши кўникмаси (излаш фаолиятини амалга ошириш, олинган ахборотларни таҳлил қилиш, янги маълумотларни умумлаштириш, тизимлаштириш);

– рефлексив-баҳолаш кўникмаси (тадқиқотчилик фаолияти жараёнини англаш, тадқиқотчилик фаолияти маҳсулотлари сифатини англаш ва баҳолаш).

Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлашнинг ишлаб чиқилган жараённи тайёргарликнинг аниқланган мақсадларига мос келади, узвийлик, узлуксизлик, интегративлик, технологикилиги билан тавсифланади, замонавий касбий таълимдаги инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олади.

Концептуал даражадаги тайёрлаш жараённининг асосий ғояси илмий-педагогик, илмий-техник, илмий-ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаш зарурлигини акс эттиради; шу жараённи умумдидактик ёритишнинг асосини ташкил этувчи ёндашувлар ва тамойиллар оркали тақдим этилади; хусусий-методик тасвир мотивацион-мақсадли, билиш-ахборотли, операцион-фаолиятли, процессуал-ижодий, рефлексив-баҳолаш тайёрлаш боскичларининг мазмуни, технологияси, воситалар, шакллари, таклиф этилаётган жараённи амалиётда амалга ошириш шартшароитларини кўрсатган ҳолда тасвиirlашни ўз ичига олади.

## **2.3-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш модели**

Тадқиқотчиликда илмий-ижодий лаёқатнинг шаклланиши ва рўёбга чиқиши, камол топиши, ривожланиши учун, авваламбор, бир қанча ички ва ташқи шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар таҳлилидан иборат бўлиши керак. Бу тахлиллар умумий ҳолда куйидаги босқичларни ўз ичига олади: а) тадқиқот мавзусига оид фактлар, ҳодисалар моҳияти, алоқадорлиги ва нисбатларини аниқлаш; б) тадқиқот фаразини аниқлаш ва уни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш; в) тадқиқот вазифасини тўғри белгилаш; г) тадқиқот мақсадини кўйиш; д) тадқиқот вазифасини назарий асослаш ва фаразни исботлаш йўли билан ечиш; е) тадқиқот вазифаси ечимининг тўғрилигини амалда кўллаш.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш деганда талабаларнинг бўлажак касбий фаолияти муаммоларини ечишдаги тадқиқот вазифаларини бажариш билан боғлиқ илмий методлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш тушунилади [119].

Касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда умумий ёндашишда мутахассисликка оид ҳодисаларни тадқиқотий ўрганишнинг танланган асосларини кўллаш моделини тўғри тузиш ва моделнинг аниқ мақсадларини мувофиқ белгилаб олишнинг аҳамияти катта.

Бу моделнинг аниқ мақсадлари таҳминан:

- ўрганилаётган ҳодисанинг ташқи белгиларини аниқлаш;
- ҳодиса содир бўлаётган шароитларни аниқлаш;
- ҳодисани (мумкин бўлса) лаборатория шароитларида кузатиб кўриш;
- ҳодисанинг бош механизмини, унинг моҳиятини ҳозирги замон илмий назариялар асосида тушунтириш;
- ушбу ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан боғланишини ўрганиш;
- ҳодисалар, катталикларни ифодалайдиган миқдорий тасифларни, улар орасидаги боғланишларни аниқлаш;
- ҳодисанинг амалда энг муҳим кўлланишлари билан танишиш, ҳодисани уй шароитларида, табиатда (мумкин бўлса) кузатиб кўриш, кузатиш содир бўлган шароитларни тавсифлаш;

– ҳодисанинг заарли таъсир ҳолатлари билан ва уларни олдини олиш усуллари билан танишишлардан иборат бўлиши лозим.

Келтирилган моделни умумлашган дейиш мумкин, чунки у хамма ҳодисаларни ўрганиш учун умумий хисобланади.

Ўлчашларни бажариш билан боғлиқ, иш структурасини таҳлил этиш жараёни натижасида шунга ўхшаш усул билан умумлаштирувчи режа, яъни ишни бажариш кўрсатмаси яратилади. Бундай режа саволлари назарий таянч билим нукталари бўлиб хизмат килади ва мутахассисликка амалий тайёрлаш мазмуннинг ифодалайди. Талаба шуларга таяниб кейинчалик ушбу фаолиятнинг соҳалари кенг ўзгарадиган шароитларида ҳам тўла мустакил бажаришга тайёр бўлади.


Мазкур айтилган модель мақсадлари умумлашган тавсифдаги тадқиқотий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш услугини такомиллаштириш имконини беради. Шундан келиб чикиб, кўйида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг амалий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш учун тайёрлашга оид тадқиқотчилик фаолияти моделининг график тузилмасини келтирамиз (2.3-расм).

Бундай услубий таъминотни такомиллаштириш моделининг самарадорлиги:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- талабаларнинг тайёргарлик даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш каби омилларга боғлиқ бўлади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда тадқиқотчилик кўникмаларининг ўрни мухим. Буларга назарий ўрганиш, кузатиш муаммони қўя билиш, фараз қилиш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, тадқиқот методларини танлаш, фараздан келиб чиқиб режа тузиш, эксперимент ўтказиш (методлар), экспериментни ўтказиш босқичлари, эксперимент натижаларини олиш, фаразга нисбатан эксперимент натижасини таққослаш, назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, амалда қўллаб кўриш кабилар билан боғлиқ кўникмалар киради. Айтилганларнинг баъзилари фан

асосларини ўрганишда, баъзилари амалиёт жараёнида, яна бошқа хиллари изланиши ишлари орқали шаклланади.



**2.3-расм. Умумлашган тавсифдаги кўнимка малакаларни шакллантириш модели.**

Ўқитиш жараёнида талабаларда тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш автоматик равища ёки ихтиёрий равища ҳосил қилинмайди, балки мақсадга йўналтирилган фаолиятлар асосида шакллантирилади ва ривожлантирилиб борилади.

Бугунги кунда тизимли фаолият ёндашуви асосида ўқувчилик мустақил ишларни ривожлантириш ва фаолаштириш ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялари бир қатор илмий тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларга маълумотлар билан интенсив ишлаш методларини кўп ҳажмдаги маълумотларни тартиблаштириш, саклаш, тақдим этиш ва ўзлаштиришни ўргатади. Ушбу методлар дарслеклар ва турии ўқув қўлланмаларни яратишда асос қилиб олиниши мумкин. Бундай методдининг янгилиги шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи тарбия, ўқитиш психологиясини ҳамда педагогиканинг янги

гуманистик концепциясини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилишини талаб этади [22,41].

Албатта, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларни шакллантириш шахсга йўналтирилган ва фаолиятли ёндашув асосида амалга оширилиши лозим. Биз томондан ишлаб чиқилган талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш дастури бўйича ўқитиш жараёнини бошқача ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказиш тавсия этилди. Бунинг учун талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2.3-расм). Ушбу моделга мувоғик умумий мақсад талабалар тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш дастури бўйича давлат таълим стандартлари талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу ўқитиш ва ўргатиш жараёни эса тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган ёндашув асосида олиб борилади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асосларига қўйидагилар киради [70]:

- таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрнини белгилаш ва шахсни ривожлантириш;
- таълим олувчининг касбий шаклланиши бўйича меъёрий талаблар қўйилади. Ушбу меъёрлар Давлат таълим стандартларида ва уларнинг талабларида ўз аксини топади;
- таълим жараёнини ташкил этишда педагогнинг исходий кобилияти ва маҳорати катта аҳамиятга эга;
- таълим жараёнига шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларни кўллаш талаб этилади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларида педагогик таъсиrlар асосан ўқувчи шахсни шакллантиришга қаратилади.

Шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш асосан мустакил ҳаракатларга йўналтирилган ўкув ва дидактик материаларни ишлаб чиқишни, ўкувчи шахсини ривожланишини назоратга олиш ишларини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади. Технологияларни ўқувчига ўкув материалиининг мазмунини ўзи танлашига ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини кўллашдан асосий мақсад анъанавий одатга кирган таълим технологиясидан воз

кечиш. Ўкув жараёнини янги педагогик ва психологик технологиялар асосда ташкил этишдан иборатдир.

“Фаолият” тушунчасининг моҳияти ўз ичига мақсад, восита ва жараённи қамраб олади. Бу тушунчанинг мазмуни нуқтаи назаридан, ўкув жараёни ҳам мақсадлари, воситалари, натижаси ва жараённи ўзи билан характерланади. Ўкув жараёни, бўлажак мутахассиснинг фаолияти сифатида тасвириланади [8].

Умуман олганда, ўкув жараёни, мутахассис фаолиятининг кўзгудаги акс тасвиридек бўлиши лозим. Уларнинг мувофиқлик даражаси, мутахассис тайёрлашнинг сифатини белгилайди (2.4-расм).

Илмий техник тараққиётнинг ҳозирги босқичи мураккаб юкори технологияларни кўллаш, илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан характерланади, бунда нафақат фан ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишга шароит яратади. Бу шароитларда, фаолият ёндашувига таянган ўкув жараёнининг самараорлиги ошади. Ўкув режа, фанлар дастури, машғулотлар тури бўйича ўкув соатлари, мутахассис фаолиятининг батафсил таҳлили асосида ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда “юз бор эштишдан кўра, бир бор кўриш афзалдир” деган тамойилга таяниш камлик қиласди. “Ҳозирги замон шароитида, ўкув жараёни “юз бор кўрмокдан кўра, бир бор бажариш афзал” деган тамойилга асосланиб ташкил этилиши керак. Ушбу тамойил, нафақат назария ва амалиёт боғлиқлигини, балки уларнинг ўзаро таъсирини, ўзаро кучайишини, ўкув жараёнини мутахассис ишлаб чиқариш фаолиятини ҳозирги ва келгуси талабаларига таянишини, ҳисобга олади.

Талабалар тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадини амалга ошириш учун қуидаги педагогик-психологик ва дидактик талабларни бажарилиши лозим.

1. Ташкилий шароитларга талабалар тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган ёндашув (муаммоли, лойиҳали, интерфаол ўқитиши методлари) асосида лойиҳалаштириш, узлуксиз равишда психологик-педагогик мониторингини ўтказиш компьютерли ўқитиши воситалари ва электрон таълим ресурсларини кўллаш киради.



**2.4-расм. Талабаларда тадқиқотчилик күнімдеринің шекалланғанлығы моделі.**

2. Мазмуний шарт-шароитларга ўқув-услубий мажмуалар ва дидактик материаллар билан таъминланиши, талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантирилганлик ва ривожлантирилганлик даражаларини аниқлаш бўйича баҳолаш мезонлари ва материаллари киради.

3. Қизиқтирувчи гурӯж талабаларни олимпиадалар, конференциялар ва конкурсларга ҳамда тўғаракларга жалб этиш орқали уларни ижодий фаолиятга жалб этиш ва қизиқтириш, ўқитувчи ва талаба орасидаги дўстона муносабат ва ижодий ҳамкорликни ташкил этиш, ўз-ўзини баҳолаш ва рейтинг тизими орқали назорат қилиш тизимини ўз ичига олади.

Талабалардаги шаклланган тадқиқотчилик кўникмаларини баҳолаш учун биз диссертациянинг 1.3-параграфида ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқув тарбия жараёни комплекс ёндашув (шахсга йўналтирилган, фаолиятли ва тизимли) асосида амалга ошириш орқали талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлиги ошади, шу билан бирга талабаларнинг шахсий фазилатларнинг ривожланишига имконият яратилади.

#### **2.4 -§. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришнинг психологик-педагогик асослари**

Ўқитувчилар томонидан талабаларни касбга тайёрлаш жараёнида билим ва кўникмаларини ҳамда уларда тадқиқотчиликни шакллантириш жараёнларини бошқариш бўйича амалга ошириладиган педагогик фаолият жуда мураккаб жараёни бўлиб у ўзида мақсад, мазмун ва методларни мужассалаштиради.

Талабаларни тадқиқотчилик кўникма билан куроллантиришнинг боришини ўрганар эканмиз, биз бу жараёнларни амалга ошириш учун зарур шартларни белгилаб олдик. Бўлажак педагогларнинг тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқариш талабалар тадқиқотчилик ишларини режалаштириш илмий асосланган ҳолда дидактик тамойиллар ўқув мақсади ва вазифаларига мос бўлиши керак.

Ўқитувчилар олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик дидактик принципларни ўзида ўзлаштириш варианtlарни олдиндан кўра билиш керак. Бу жараённи ўқитувчига талабаларнинг ўзлаштириш тизими модели тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлишни талаб этади, чунки у тадқиқотчилик билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласди, талабалар эса бу фаолиятга қизиқиши билдиришади. Шундай қилиб, талабаларда тадқиқотчилик билимларни шакллантириш жараёнларни бошқаришда ўқитувчининг асосий вазифаси қизиктириш фаолиятини тартибга солиш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотчилик билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнларини бошқаришнинг самарадорлиги ўқитувчининг назарий жиҳатдан ёндашувига назарий ҳолатларга асосланиб, кибернетика ва фалсафа, педагогика ҳамда психология соҳасида замонавий илмий ютуклардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг тадқиқотчилик билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнларини бошқариш асослари белгилаб олинади.

Талабаларни ўқитиши ва тарбиялаш жараёнларини бошқариш назарияси бўйича бир нечта қарашларни кузатиш мумкин.

Файласуфлар, социологлар ва педагоглар томонидан ҳар қандай ўқув-урганиш жараёнларини ягона цикл деб қабул қилиш исботланган. У бир нечта босқичларни ўз ичига олади. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси талабаларда тадқиқотчилик билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнларини бошқаришнинг асосий коидаларини билиши шарт. Баъзи бир олимлар унинг тўртта узвий босқичларга эга эканлигини таъкидлашади. Бизнингча, бу тўртта босқич жараёнларини тўлиқ бошқаришни очиб бермайди. Унда бошқаришнинг метод ва шакллари каби зарур элементлари кўринмайди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисидаги илмий тадқиқот ишлари жараёнида биз ўқитувчиларга тадқиқотчилик билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнларни бошқаришнинг бир нечта тизимини баҳолашни таклиф қилдик.

Бизнинг фикримизча, булардан энг самаралиси талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришни баҳоловчи асосий коидаларнинг давомий ва мустахкам узвий боғланган босқичлардир.

Биринчи боскич – аудиторияда ва аудиториядан ташқаридағи ишлар даврида талабаларда тадқиқотчилик күнімаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришнинг максад ва вазифаларни анықлада олиш. Булар тұғрисида үқитувчилар кафедра мудиридан күйидеги ахборотларни олишады:

– лекциялар, семинар, лаборатория ва амалий машғулотлар, шунингдек тұғарал машғулотларда талабаларнинг тадқиқотчилик күнімаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йұналишлари тұғрисида;

– үқитувчиларга қўйиладиган талаблар ва ҳаракатларнинг талабалар тадқиқотчилик күнімаларини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсирини хисобга олиш;

– талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини юритишга тайёр гарлиги даражаси, унинг ички ҳолати (интилиши, хоҳиши, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишга талаби) тұғрисида;

– фойдаланиладиган таълим шакл, воситалари ва методлар самарадорлиги тұғрисида;

– олинган ахборотта асосланиб үқитувчилар томонидан дастур ишлаб чиқылады ва уни бажариш бўйича қарорлар қабул қилишлари лозим. Бу эса ўз навбатида талабаларни тадқиқотчилик күнімаларни эгаллашга ундайди ва илмий тадқиқот ишларига қизиқишиларини уйғотади.

Талабаларда тадқиқотчилик күнімаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларни бошқаришнинг иккинчи боскичи талабаларнинг илмий тадқиқотчилик ишлари ташкил этиш тизимини қайта янгилаш комплекс режасини кафедралар ва деканатлар томонидан ишлаб чиқишини ўз ичига олади.

Учинчи боскич – режалаштирилган комплекс режани амалга ошириш демақдир. Бу эса маъруза, семинар, лаборатория – амалий машғулотларда илмий тадқиқот ишлари элементларини киритишни назарда тутади. Бу мунтазам ва давомий бўлиб, ўкувчининг дидактикақ принциплари, мазмуни ва мақсадини хисобга олиб ўтказилиш керак.

Тўртингчи боскич – тадқиқотчилик күнімаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқариш йўлларини, воситалари, шакл ва усулларини аниклашдан иборатдир. Бунда

қабул қилинган режаларни бажарилишининг назорати амалга оширилади.

Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, жараённи бошқариш самарадорлиги талабаларда тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги доимий ахборотни олиб туришга бевосита боғлиқдир.

Бошқарув маркази талабаларнинг тадқиқотчилик кўнималарини ўзлаштиришнинг бориши тўғрисидаги ахборотлар асосида тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш такомиллаштириш режасини ишлаб чиқиши имкониятига эга бўлади ва режани амалга оширишнинг бориши тўғрисида қарор қабул қиласди. (Баъзида талабалар гурухи гурух фаоллари доирасида қуратор раҳбарлигига, баъзида эса кафедра, - тадқиқот ишлари раҳбари доирасида). Бу аввал қабул қилинган режани қайта кўриб чиқиш ёки янгисини қабул қилишни тақозо этади.

Талабаларда тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришнинг бешинчи босқичи – режаларни бажарилишни таҳлил этади. Яъни талабаларда шаклланган тадқиқотчилик билим ва кўнималарни умумлаштиради, кўлга киритилган ютуқларни таққослаш амалга оширилмаган ҳолатларни ва муаммоларни аниқлаш, режани бажариш жараёнидаги камчиликларни ва уларнинг сабабларини ўрганишдан иборат бўлиши керак.

Олинган ахборотларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида талабаларда тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида режанинг янги варианти ишлаб чиқиласди ва тегишли қарорлар қабул қилинади, натижада талабаларда тадқиқотчилик билим ва кўнималарни шакллантириш жараёнларини бошқариш тизими вужудга келади ва амалга оширилади. Изланишларни таҳлил қиласи эканмиз, шу нарсага амин бўлиш мумкинки, талабаларда тадқиқотчилик кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқариш – бу маълум даражада ахборотлар билан ишлаш демакдир (маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларда тадқиқотчилик элементларидан фойдаланиш, талабаларнинг тадқиқотчилик кўнималарни эгалланганлик даражаси, ўқитувчи тайёргарлиги).

Талабаларда тадқиқотчилик кўнимкамларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришни оптималлаштириш мақсадида ахборотлардан фойдаланиш – мураккаб вазифадир. Шундай талабалар борки, ўқитувчи раҳбарлигига ёки кичик гурухларда икки – уч киши тадқиқотчилик ишларини муваффақиятли олиб борадилар ва ўқитувчидаги улар ҳақида, мустақил тадқиқотчилик шуларни олиб боришга қодир деган тушунча пайдо бўлади. Келгусида улар якка ҳолда, ҳал этиш керак бўлган муаммони ечишга қийналадилар. Шунинг учун ҳам гуруҳ бўлиб, талабалар билан тадқиқотчилик ишларини олиб бориш чоғида маълум кўрсаткични белгилаб олиш қийин. Шуни унутмаслик керакки, билим ва кўнимкамларни шакллантириш жараёнларини бошқаришда ўқитувчи бош ролни ўйнайди. У кенг қамровли режаларни бажаришда ўзаро боғловчи куйидаги икки вазифани амалга оширади:

1. Талабаларда тадқиқотчилик кўнимкамларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини режалаштириш.

2. Талабаларнинг тадқиқотчилик ишларини бевосита бажариш жараёни. Агар биринчи вазифа доимий ва асосий бўлса, уни бошқа кишилар зиммасига юклатиб бўлмайди, иккинчи вазифа – талабаларда тадқиқотчилик кўнимкамларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ўқув ҳамда аудиториядан ташқарида амалга оширилган баъзи ҳолларда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими раҳбари томонидан бажарилиши мумкин. Бу қўпинча самарали ва мақсадга мувофиқдир, аммо қийин жараёндир.

Яна бир муҳим шароитни ҳисобга олиш керак. Ўқитувчи асосан семинар, лаборатория ёки амалиёт машғулотларда бир гуруҳ талабалар билан ишлаб ҳар бир талаба билан алоҳида шугуллана олмайди. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўнимкамларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари самарадорлигига эришиш учун доимий равишда талабалар билан ўзаро алоқада бўлиб туриш керак. Бу муаммони ечиш учун ўқитувчи билан талабанинг ўзаро алоқада бўлиш элементларини алмаштирадиган усулларни излаб топиш керак. Шу мақсадлар учун маълум босқичда тегишли тайёргарликдан сўнг, иқтидорли талаба, магистрантларни жалб этиши мумкин. Талабалар билан алоқа жараёнида улар қайсиdir маънода (баъзан катта) ўқитувчиларнинг асосий бош вазифасини бажарадилар, яъни

талабаларда тадқиқотчилик күнікмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалға оширадилар.

Талабаларда илмий тадқиқотчилик ишларини ташкиллаштириш амалиётини ривожлантириш замонавий босқычыда, шунингдек, уларда тадқиқотчилик күнікмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқариш максадида тадқиқотчилик фаолиятининг аник соҳаларини ажратиб олиш керакки, бунда ўқитувчи мақсадга йўналтирилган ҳолда юқоридагилар ва изланишларимиз натижаларига асосланган бу жараённи бошқарсинг.

Бу талабаларда тадқиқотчилик күнікмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида психологияк педагогик муаммоларнинг энг муҳим қаторига қуйидагиларни киритдик:

- тадқиқотчилик фаолиятини бошқариш;
- изланишларни ўтказиш методикаси тўғрисида билимларни эгаллаш жараёнини бошқариш;
- тадқиқотчилик күнікмаларни эгаллашга кўйилган талаблар бажарилиши бошқариш;
- тадқиқотларни ўтказиш метод ва методикалари билан талабаларни ўргатиш жараёнини бошқариш;
- тадқиқотчилик билим ва күнікмаларни шакллантириш жараёнини бошқариш;
- тадқиқотчилик ишлари билан шуғулланишга қизиқишини шакллантириш жараёнини бошқариш.

Педагогик назарияси ва амалиётида тадқиқотчилик билим ва күнікмаларни ривожлантириши заминида мақсадли илмий тадқиқотчилик фаолияти ётади деб хисоблашади. Шу билан бир қаторда, хали ўқитувчилар, талабалар гурухи ўртасида маълум билим ва күнікмаларга эга бўлган, лекин у билан вақти-вақти билан шуғулланадиганлар ҳам учраб туради, улар тадқиқотчилик билан шуғулланишга суст қизиқишиади.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Қайси шароитларда тадқиқотчилик ишлари ташкил этилган талабаларда тадқиқотчилик күнікма ва малакалари самарали шакллантирилади. Айниқса, талабаларда тадқиқотчилик күнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жараёнга педагогик раҳбарлик қилиш билан бир қаторда талабаларда мустакиллик, ўзини ўзи бошқариш қобилиятларини ривожлантириш масаласини ҳам ечиш жуда муҳимдир. Чунки

тадқиқотчилик билим ва кўнікмаларни фақат талабаларнинг фаоллиги маҳсули сифатида намоён бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, ватанимиз олий таълим мусассасаларининг бутун фаолияти, унинг мазмуни ва йўналиши талабаларнинг шахсий, ижтимоий ва касбий ривожланишига хизмат қиласди.


Талабаларда тадқиқотчилик фаолиятини онгли бошқариш ўзида алоҳида мавжуд тизимни назарда тутадики, қайсики у талабаларда тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жамоатчилик асосида бошқариш воситаларига эгадир. Бунда шундай тажрибалар мавжудки, улар ёрдамида талабаларда тадқиқотчилик билим ва кўнікмалар эгаллашга қизиқиш уйғотади.

Талабалар томонидан илмий муаммоларни ҳал этиш қобилиятига қараб уларда тадқиқотчилик кўнікмаларини шаклланганлиги ва ривожланганлиги даражасини баҳолаш мумкин. Талабаларда тадқиқотчилик ишларини ташкиллаштириш жараёнида объектив муносабатлар, маълум тизимини вужудга келтириш – бу педагогик ва тарбиявий таъсир этишининг энг юқори мувваффакиятли ва зарурӣ асосидир. Шу асосда талабалар тадқиқотчилик билим ва кўнікмалар хукуқига эга бўладилар.

Биз тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини куидаги кетма-кетлиқда ифодаладик (2.5-расм).

Психологияда шу нарса маълумки, талабалар илмий тадқиқот ишларини доимий бошқариш, уларда маълум тадқиқотчилик кўнікмаларини самарали шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Ўқитувчига тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини сифатли бошқариш учун, унга талабалар тадқиқотчилик ишларини ташкиллаштириш жараёнларини бошқариш қоидаларини яхши билиши керак. Тажриба ишларнинг бориши жараёнида шу нарсага икрор бўлдикки, талабаларда тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқариш қоидаларидан бири сифатида тадқиқотчилик билим ва кўнікмаларни шакллантириш жараёнини мувваффакиятини таъминловчи ўқитиш методларини танладик.



**2.5-расм. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизми.**

Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини режалаштириш ўз ичига шароитларини таҳлилини, талабаларнинг тадқиқот ишлари билан шуғуланиши тайёргарлите даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим методлар, шакллар ва воситаларни танлашни ўз ичига олади ва бунинг барчаси асосида талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини дастурлаш амалга оширилади.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришни бевосита амалга оширишга режалаштириш катта таъсир кўрсатади. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини режалаштиришда тадқиқот иши амалга оширилаётган шароитлар (маърузалар, семинарлар, лаборатория-амалиёт ва аудиториядан ташқари машғулотлар) таҳлили натижаларини ҳисобга олиш керак. Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали шароитлари бўлиб талабаларга ўқитувчилар томонидан қўйиладиган талаблар бир хиллиги, талабалар тайёргарлиги даражалари ҳисобланади.

Бундай ўзаро боғлиқлик, масъулият ва назорат, фаоллилик ва бошқариш каби муносабатларни шакллантириш талабаларнинг илмий жиҳатда олдинга боришининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Талабаларга таъсир кўрсатаётганда ўқитувчи қуидаги кўшимча шароитларни ҳам инобатга олиш керак: талабалар қизиқиши, уларнинг эҳтиёжлари, ташаббускорлиги, фаоллиги, ҳамжихатлиги, уларнинг мотивлари. Бунда талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланадиган вазиятлар, шароитлар йигиндиси, муҳити ҳам ҳисобга олинади.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини режалаштиришнинг кейинги жиҳати бўлиб талабаларнинг қобилияти ва кўникмалари даражасини аниқлаш, уларнинг ёш хусусиятларини (1-4 курс), қизиқишилари, эҳтиёжлари ва касбий йўналтирилганлигини ҳисобга олиш ҳисобланади. Ўқитувчига шу билан бир қаторда талабанинг ўқиш ва ўрганишга ички “қаршилик кўрсатиш” каби психологик-педагогик жараёнлар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Буни талабаларга таъсир кўрсатишининг методлари ва шаклларини танлашда эътиборга олиш

керак. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнинин муваффақиятли режалаштириш учун тадқиқот ишини ўтказиш давомида шароитлар ва содир бўлган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг методлари ва воситаларини асосли ва аниқ системалаштириш лозим.

Ўқитувчи талабанинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини маъруза ва лаборатория-амалиёт машғулотларида дастурлаш имконига эга бўлади. Бу жараённи дастурлаш аввало жараённи бошқариш дастурини тузиш, кейин эса мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Бундан келиб чиқадики, талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бошқаришда нафақат талабанинг тадқиқот ишини бажариши давомида кузатиш методини, балки натижалар бўйича унинг фаолияти бўйича мулоҳазалар ҳам киради.

Шундай қилиб, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бошқариш бутун ўкув ва аудиториядан ташқари машғулотларда, талаба фаол тадқиқот ишига кири-тилганда бевосита амалга оширилади. Шунинг учун, маърузани режалаштириш ва ўқиш, лаборатория-амалиёт машғулотини ўтказишдан олдин ўқитувчи тадқиқот элементларини назарда тутади ва талабанинг у ёки бу фаолиятини ташкил этишдан олдин ўқитувчи педагогик вазиятнинг асосий факторларини ўрганади, таҳлил қиласидан ҳисобга олади.

Олий таълим муассасаси талабаларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикасини ишлаб чиқиши касбий мослашув ва касбий маҳорат босқиҷларида касбий жиҳатдан оёқка туриш воситаси сифатида бугунги кунларда олий таълим амалиётининг ўзининг талаб-эҳтиёжлари билан шартланади, чунки, конкрет таълим муассасасидаги таълим мазмуни мана шу олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда ишлаб чиқиладиган, қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган таълим дастурлари билан белгиланади.

ОТМлар ривожининг мавжуд тенденцияларида талабаларда билишнинг тизимли типини шакллантиришга эҳтиёж тобора ошмоқда. М.М.Зинковкина ОТМларда кўп ўлчовли ижодий шахсни тарбиялаш, тизимли билимлар асосида яхлит (бир бутун) тасаввурни

шакллантиришни таъминловчи назоратнинг фанлараро шакли, интерактив курслар, фундаментал, гуманитар ва касбий фанларнинг оптимал бирлашмаси, предметлари алоқадорлик асосида уларнинг бир-бирига кириб бориши орқали амалга оширилиш лозимлигини таъкидлаган [65].

Хозирги вактда ОТМлар касбий таълим йўналишларида бўлажак касб таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаша асосий масалалардан бири бўлиб, уларда тизимли фикрлашни, шунингдек янги гояларни англаш ва мақсадли генерациялашга қобилиятлиликни шакллантириш хисобланади. Талабалар ижодий масалаларини ечишни асослашини ОТМларда ўрганишни керак. Бунинг учун эса масалалар ва топшириклар талабалар келажак фаолиятида дуч келадиган реалликка максимал даражада яқин бўлиш керак. Танланган масалалар талабаларни ўргатиш жараёнида ечиладиган масалаларга қанчалик яқин бўлса, уларнинг ижодий тайёргарлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Бу эса ўз навбатида талабаларни билиш фаолигини оширишга имкон беради. Билиш фаолиятининг етакчи рафбати бўлиб муаммолилик хисобланади.

Шунинг учун хам биз ўз тадқиқотимизда бўлажак касб таълим ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикасини ишлаб чиқиши асоси сифатида муаммони, шахсга йўналтириб ўқитишини асос қилиб олдик. Уларнинг асосий қоидалари эса бўлажак касб таълим ўқитувчилари тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини ташкил этади.

ОТМларда ўқув жараёнини ташкил этишга бағишлиган тадқиқотлари (П.Ф.Кубрушко, И.Я.Лернер, М.В.Мухина ва бошқалар) таҳлили ва бўлажак касб таълим ўқитувчилари тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнини мувафакиятли ташкил этишининг мавжуд имкониятларини эътиборга олиб, биз ўз тадқиқотимизда, яъни бўлажак касб таълим ўқитувчилари тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлиги методикасини ишлаб чиқишининг назарий асосига куйидаги тамойилларни кўйдик: тизимлийлик, илмийлик, интегративлик, прогностик, инновацион ва илгарилаб борувчи [84, 95, 104].

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёни учта шаклда амалга оширилди: талабаларнинг аудиториядаги тадқиқотчилик фаолияти; аудиториядан

ташқаридаги тадқиқотчилик фаолияти; инновацион-тадқиқотчилик фаолияти.

Талабаларнинг ўқув фаолиятидаги тадқиқотчилик фаолияти маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари, мустақил таълим, курс иши, битирув малакавий иши ва маҳсус курс дастури фаннинг турли соҳалари бўйича изланиш фаолиятини ташкил этиш орқали амалга оширилди.

Талабаларнинг ўқув фаолиятидан ташқаридаги тадқиқотчилик фаолияти эса уларнинг илмий-амалий аңжуманлар, ҳар хил йўналишдаги илмий ишлар танловлари, турли даражадаги олимпиадаларда иштирокини таъминлаш орқали амалга оширилди.

Талабаларнинг инновацион-тадқиқотчилик фаолияти илмий ишлаб чиқариш, фундаментал тадқиқотчилик, амалий ва инновацион лойиҳаларда бевосита иштирок этиши орқали амалга оширилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда муаммоли маъруза машғулотларидан фойдаландик. Муаммоли таълим қандай номланишидан қатъи назар, унинг асосий хусусияти - билим олувчининг аклий фаоллигини ошириш, мустақил, илмий, ижодий изланиш, ўзи учун янги билим, кўнукма ва малакаларни кашф этишга йўллашдан иборатdir. Демак, муайян мавзуни муаммо шаклида олиб чиқиш йўли билан эгалланадиган билим, кўнукма ва малакалар йигиндисига муаммоли таълим дейилади.

Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим жараёни ташкил этилганда, билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган боскичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни ўқувчи онгига етказиш, ёдга олиш, ёдда саклаш, қайта ёдга тушириш, сўзлаб бериш, фикрни ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини англатади. Бу даражаларда билим олувчидан ижодий ёндашув талаб этилмайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида талабалардан олган билимларини амалда татбиқ этиш, маълум натижаларни қўлга киритиш, тўлдириш, бойитиш, ўзгартириш, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиш талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув аҳамиятли ҳисобланади.

Республикамиизда замонавий педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши муаммоли таълимни ҳозирги

шароитда долзарб педагогик масалага айлантириди. Муаммоли таълим ўзининг маҳсус тушунчаларига эга бўлиб, уларнинг моҳиятини билмасдан туриб, машғулотларни муаммоли тарзда ташкил этиб бўлмайди.

Тайёр жавоби бўлмаган, ўрганиш, тадқиқ этишни талаб қиласдан назарий ёки амалий масала муаммо ҳисобланади. Шунга кўра педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли-вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш қоидалари қуидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли-вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;

- муаммоли-вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуслар (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва бошқалар) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутади;

- муаммоли-вазиятли топшириқлар тушунчалар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёnlар ўртасидаги мухим боғлиқликни объектив равишда кўрсатиши керак;

- муаммоли-вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгода, ҳодисалар ва жараёnlар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

- муаммоли-вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан хали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;

- муаммоли-вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;

- тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

- муаммони ҳал этишда яққол бўлмасада, бироқ бошланғич тушунчалар ўртасидаги жуда мухим боғлиқликлар очиб берилади;

– янги тушунчалар шакллантирилади ва унинг таркибиغا ўзгартирилган оддий тушунчалар киради;

– муаммоли-вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуидаги амалларни бажаради: тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади; тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади; илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-мантикий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради; назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Муаммоли-вазиятли топшириқларни ҳал этиш жараёнида илгариги амалларни бажариш доимий назорат қилиб борилади. Уларни таҳлил қилиш натижасида субъект ўқув топшириқларини бажариш умумий усулларини ўзлаштиради. Топшириқлар муваффакиятли бажарилганда талабаларнинг мустақилликлари автоном хусусият касб этади, сўнгра тўла мустақилликка эришилади. Бошқалар эса талабаларга ўқув педагогик ва техник-технологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида ҳисобга олинадиган ифода этилган шартлар қўринишидаги йўналишларни кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини ривожлантириш методикасида креативликнинг устувор тавсифлари сифатида биз мустақиллик ва ижодий фаолликни кўрсатиб ўтамиш. Бу тушунчаларнинг моҳиятини англаб етиш, тушуниш уларнинг талабалар илмий тадқиқотчилик фаолияти жараёнида шаклланishi-нинг эҳтимолий йўлларини очиб беради:

- мустақил ишларни ташкил этиш;
- билиш фаолияти усулларини шакллантириш;
- фаолиятнинг тахминий асосларини ташкил этувчи умумлаштирилган билимлардан фойдаланиш;
- ўқитиш мазмунига методик билимларни киритиш;
- ўқув фаолиятини ўз-ўзи томонидан назорат қилинишини амалга ошириш.

Белгиланган масалаларнинг ҳал қилиниши талабаларда ижодий фаолиятнинг қуидаги маҳоратлари шаклланishiiga ёрдам беради:

- гипотезаларни шакллантириш;
- экспериментал текшириш режасини тузиш;

- ишнинг асосий мақсадларини шакллантириш;
- вазиятларни таҳлил қилиш, хуносаларни шакллантириш;
- мазмунни абстрактлаш ва муҳимларни ажратиб олиш, маълумотларни гурухлаш;
- дастурлаштириш;
- фантазияни, тасаввурни рағбатлантириш;
- кузатишлар, экспериментлар натижаларини қайд этиш ва тизимлаштириш;
- натижаларни график ва жадвалли кўринишда тақдим этиш, энг оптимальларини танлаб олиш;
- натижалар тавсифларини ва уларнинг ишончлилигини белгилаш;
- натижаларни реферат, доклад, мақола, тезис ва шу каби кўришишларда расмийлаштириш.

Илм-фандада ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларни таҳлил қилишга интегратив-ривожлантирувчи ёндашувлар бўйича тўпланган тажрибаларда талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишининг ўзига хосликларини ўрганишда фойдаланилиши мумкин.

Инсон ҳаёти ва фаолияти давомида шахсий, ижтимоий, турмуш, таълим-тарбия ва шу каби бошқа чексиз муаммоларга дуч келади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос ечим йўлларига эга. Таълими миқоматлар билим олувчидан ақлий операцияларни бажаришни талаб этади. Бу операциялар муаммоли ҳолатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қиласади. Муаммоли саволда бажариладиган ақлий операция муаммоли вазифаникidan, муаммоли топшириқда бажариладиганлари муаммоли вазиятникidan ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳаёт давомидаги бундай муаммолар гирдобидан чиқишнинг асосий йўли инсон салоҳияти ва интеллектидир.

Муаммоли таълимининг кейинги асосий тушунчаси муаммоли савол саналади. Муаммоли савол ахборот шаклидаги саволдан фарқли, тафаккур қилиш йўли билан изланган номаълумни топишни таъминлайдиган сўроқ бўлиб, алоҳида ҳолларда муаммоли вазият ва вазифаларнинг таркибида бўлиши мумкин. Муаммоли саволга фикр юритиш орқали жавоб топилади.

“Нима учун? Нима сабабдан? Буни қандай тушунса бўлади? Бундан қандай хуоса чиқариш мумкин?” каби сўроқлар муаммоли савол пайдо бўлишини ва ечимини топишни таъминлайди.

Бир нечта ечимини кутаётган муаммоли саволнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда қўйилиши муаммоли вазифани келтириб чиқаради. Муаммоли вазифа шарти аниқ бўлган, кимдир томонидан ҳосил қилинган, жавобини топиш доираси чекланган дидактик тушунчадир.

Муаммоли вазифанинг мазмуни билим олувчига аниқ бўлган масаланинг ноаниғи билан зиддиятлашувидан иборатдир. Топилиши зарур бўлган ноаниқ масала изланиш, фикрлаш, мантиқий хуосалар чиқаришни таъминлайди. Муаммоли вазифа, албагта, вазифа берувчи томонидан ҳосил қилинади.

Педагогика фанининг таълим методлари мавзуси юзасидан талабалар учун ўқитувчи томонидан қўйидаги муаммоли вазифани бериш мумкин:

Илғор ўқитувчининг дарсига кириб, уни таҳлил қилинг. Ўқитувчи таълимнинг қандай методларидан фойдаланди? Бу методлар фан ва мавзу мазмунига қандай даражада мослигини изоҳланг. Сизнингча, қандай методлардан фойдаланилганда дарс янада самарали бўлиши мумкин эди?

Бу вазифаларнинг ечимини топиш учун талаба биринчи ўринда мавзу юзасидан мавжуд билимларни муфассал эгаллаши, таълим методларини билиши ва уларни бир-биридан фарқлай олиши ҳамда тадқиқотчилик қўникмасига эга бўлиши зарур. Шу асосда талаба ўқитувчининг ютуқ ва камчилигини таҳлил қила олади.


Муаммоли савол ва вазифалар биргаликда муаммоли топширикнинг таркибиға киритилади. Муаммоли топшириқ ўқитувчи, таълим берувчи, китоб муаллифи томонидан муаммоли савол ва вазифа шаклида билим олувчини муаммоли вазиятга туширадиган ўқув топшириғидир.

Муаммоли топширикда муаммоли савол ва вазифаларнинг элементлари мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам у талабани муаммоли вазиятга олиб киради. Муаммоли топширикнинг ечимини топишда, унинг шарти мухим аҳамиятга эга.

Муаммоли вазият - субъектнинг психологик ҳолати бўлиб, муаммо билан дуч келганда аклий қийинчлиликнинг пайдо бўлиши,

зудлик билан ҳал қилишга халақит берадиган янги билим ва ҳаракат усулларни излаш, уларни топиб, ҳосил бўлган кийинчиликларни бартараф этишни таъминлайди. Муаммоли вазият талабани янги билимларни эгаллашга, ижодий фикрлашга, ички интеллектини намоён этишга даъват қиласди.

Бу босқичларни мувваффақиятли амалга ошириш талабанинг тадқиқотчилик фаолияти тўғрисидаги тасаввурларини ойдинлаштиради. Чунки уларнинг ҳар бири қўйидаги алоҳида мақсадларни ўз ичига олади ва бир бутун натижага олиб келади (2.6-расм).




**2.6-расм. Муаммони ҳал этилиши тартиби.**

Муаммони ҳал этиш жараёнида талабанинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бу жараённи шартли равишда қўйидаги тўрт босқичга ажратиш мумкин:

– талабани муайян мавзуга қизиқтириш, уни тадқиқ қилишга ундаш;

- муаммони англаш;
- муаммо юзасидан мустақил фикрлаш;
- муайян илмий холосалар чиқариш.

Юқоридаги топшириқнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда муаммоли топшириқ ва вазифаларнинг бажарилиш тартиби қўйидагича кўринишга эга бўлади (2.7-расм).



## 2.7-расм. Муаммоли топшириқ ва вазифаларни бажариш босқичлари.

Биринчи босқичда ўқитувчи фаоллик кўрсатади, мавзу ёки саволнинг мазмунини акс эттирувчи муаммони танлайди, қўлга киритиладиган натижага ва уни баҳолаш мезонларини ҳамда ҳар бир босқичга тегишли бўлган вақтни белгилайди.

Кейинги босқичларда фаоллик талабаларга ўтади. Даставвал, улар муаммоли топширикни тушуниб олишлари керак. Кичик гурухларга бўлинган ҳолда муҳокама, мунозара, ақлий хужум, далиллаш, исбот қилиш ва бошқа интерфаол методлардан

фойдаланиб, ҳар бир гурухдаги талабалар ўзлари тўғри деб хисоблаган ечимларни илмий жиҳатдан изохлайдилар.

Ўқитувчи гурухлар ва алоҳида талабаларнинг фаоллигини назорат қилиб боради. Асосан, ҳар бир босқичга ажратилган вақтга қатъий амал қилишни таъминлаш ўқитувчиларнинг зиммасида бўлади.

Тўртинчи босқичда барча гурухлар ўзларининг жавобларини изохлайдилар. Бунда талабалар бир-бирларининг тадқиқот фаолиятларини ўзаро баҳолашлари зарур бўлади.

Охиригина босқичда ўқитувчи барча жавобларни умумлаштириб, энг тўғри жавобни белгилайди. Зарур бўлган ҳолларда айрим кўшимча ва тўлдиришлар киритилади ва хулоса қилинади.

Шунда талабаларда муаммонинг ечимига ҳисса кўшганлик ва тўғри жавобларнинг топилишида ўзининг улуши борлигини ҳис этиш билан бир каторда, янги муаммоларни ҳал этишга қизиқиш пайдо бўлади.

Бу жараёнда талаба авваламбор қўйилган муаммонинг моҳиятини англаб этиши керак. Тадқиқотчилик кўнникмалари талабаларнинг муаммоли вазиятларни ечишлари давомида намоён бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда олий ўкув юртларида муаммоли таълимни кенг кўллаш талабаларда тадқиқотчилик кўнникмаларини самарали ривожлантириш имконини беради. Ўз навбатида илмий ижодкорлик шахс тафаккури тарақ-киётини таъминлайди.

Талабани муайян мавзуга қизиқтириш, уни тадқиқ қилишга ундаш учун мутахассис ёки илмий раҳбар мавзунинг жамият манфаатига мослиги, унинг табиий ёки илмий билимлардаги ўрни, талабанинг уни тадқиқ қилишдаги имкониятлари кенглиги каби тушунчалар билан маънавий руҳлантириши зарур. Муаммони англаш учун тадқиқотчи талаба мавзуга даҳлдор илмий билимларни чуқур ўрганиши, унинг ҳал этилмаслиги қандай ижтимоий, иқтисодий, маънавий оқибатларга олиб келиши ва аксинча унинг ҳал этилиши қандай ижобий ҳолатларга сабаб бўлиши ҳакидаги тасаввурларга эга бўлиши керак.

Муаммо юзасидан мустақил фикрлаш жараёни бевосита талабанинг тадқиқот ишларида қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўлларини излаши, уни амалга ошириш шартларини аниqlashi,

ундан кутиладиган натижаларни тасаввур қилиши ва нихоят, хулоса чиқаришида катта аҳамиятга эга.

Муайян илмий хулосалар чиқариш тадқиқот аввалида қўйилган мақсад ва вазифалар, уларни амалга оширишга йўналтирилган тадқиқот методлари, фарази, илмий янгилиги, таҳлилий маълумотлар, тажриба-синов натижалари асосида амалга оширилади. Замонавий педагогик технологияларнинг зарур ва муҳим шартларидан бири талабани мустакил билим олиш ва тадқиқотчилик фаолиятига йўналтиришдан иборат.

Замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг зарур шартларидан бири, таълим жараёнида ўқитувчи таълим олувчиларнинг мустакил билим олишларини таъминловчи, уларни илмий тадқиқотга йўналтирувчи, маслаҳат берувчи, тафаккурини ривожлантиришнинг тўғри йўлларини кўрсатувчи, ҳамкорлик қилувчи шахс саналади. Бунга муаммоли таълим технологияси орқали эришиш энг маъқұл йўл ҳисобланади. Яъни:

- илмий мавзунинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятини англаш, истиқболини тасаввур қилиш;
- илмий адабиётлар, манбалар, материалларни таҳлил қилиш;
- илмий материаллар ёзиш усулларини ўрганиш;
- таҳлил асосида илмий мақола, маъruzza, тезислар тайёрлаш;
- илмий мавзуларда сұхбат, мунозара, баҳс юритиш ва шахсий илмий нұктай назарни баён қила олиш;
- илмий конференцияларда иштирок этиш;
- муаммоли мавзуларда сұхбат-тренинглар ташкил эта олиш;
- муомала, мұлоқот маданиятини ўрганиш;
- тажриба-синов ишларини ташкил этишни ўрганиш;
- тадқиқот мавзусига оид саволлар тузиш ва улар асосида мұлоҳаза юритиш.

Муаммоли таълим мустакил, ижодий ва фаол ўзлаштиришни таъминлаш билан бирга, кенг қамровли фикр юритиш, аввалига ўзи учун янги билимларни кашф этиш ва кейинчалик илм-фанни ривожлантирадиган кашфиётлар қилишга замин ҳозирлайди.

ОТМда таълимни замонавий педагогик технологияларга асосланган ҳолда муаммоли таълимни ташкил этишда ноанъянавий усулдан унумли фойдаланиб, талабалар гурухлари кичик гурухчаларга ажратилади ва маъruzza матнлари бўйича топшириклар

олдиндан тақдим этилади. Кичик гурух сардори бошчилигида олдиндан бериб борилган мавзу бўйича талабалар тайёргарлик кўриб боришади. Дарс жараёнида эса ҳар бир гурухнинг эркин фикр билдириши учун тўлиқ шарт-шароит яратилади.

Анъанавий дарсларда 80-90 дақика давомида ўқитувчи фаоллик кўрсатиб, талаба суст тингловчига айланган бўлса, замонавий педагогик технологиялар талаби асосида олиб борилган дарсларда талаба эркин фикр билдириб, ҳар бир дарснинг ноанъ-анавий шаклларда: баҳс-мунозара, учрашув, дидактик ўйинлар, саҳна дарслари, компьютер дарслари, композицияли дарслар, семинар, мушоира, аклий ҳужум, савол-жавоб тарзида ўтиши таъминланади. Ўқитувчи фаолликни талабаларга ўтказиши методикасидан фойдаланади. Дарс сўнггида кафолатланган натижа олишга оид хуросалар, тавсияларни ўқитувчи томонидан умумлаштириш имконияти яратилади. Замонавий педагогик технологиялар асосида талабаларни илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришига йўналтириш ўзига хос дидактик хусусиятларга эга. Гурухлар ишида фаолликни таъминлаш учун ҳар бир талабанинг алоҳида ва бошка микромурухлар доирасида ўзини тутиши, хулк-автори, билими, мулоқот маданиятига амал қилиши, шахсга нисбатан гурухий таъсиrlар, гурухдаги шахслараро муносабат, ўзаро мослиқ, гурух фаолиятини бошқариш, мулоқот жараёнида бир-бирини тўғри тушуниш, тадқиқотчилик кўникмаларини намоён қилиш талабани мужассам ривожлантириш учун жуда зарурдир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнида, уларда куйидаги педагогик кўникмалар шаклланниши лозим:

- муаммони топиш ва шакллантириш кўникмаси;
- ўз фаолиятини босқичлар ва фазалар бўйича режалаштириш кўнимаси;
- кашфиётчилик масалаларини ечиш назариясидан фойдаланиб намунавий бўлмаган масалаларни ечиш кўникмаси;
- жамоа билан ишлаш ва жамоада ишлаш кўникмаси;
- фаолият натижаларини танқидий баҳолаш кўникмаси.

Булар орасида муаммони излаш ва шакллантириш кўникмаси ўта муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дастлаб бўлажак касб таълими ўқитувчиларини функционал таҳлил каби методикалардан

фойдаланишга ўргатиш зарур. Бу методика фойдаланилаётган муаммога энг нозик жойни аниқлашга йўналтирилган ва фаннинг турли соҳаларида баъзи бир чекловлар билан қўлланилади.

Бўлажак касб таълим ўқитувчилари тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикасининг ишлаб чиқишинг навбатдаги босқичи бу ўкув материалини танлаш мезонини ишлаб чиқиш бўлиб, П.Р.Атутов, Ю.К. Бабанский бошқалар томонидан таклиф этилган мезонлар таҳлили асосида биз ўз тадқиқотимиз учун куйидаги мезонларни танлаб олдик [30, 32]:

1) Ўқитиш мазмунида инсоннинг интеллектуал ва ижодий қобилияtlарини шакллантириш масалаларини яхлит акс эттириш лозим.

2) Ўқитиш мазмунини бўлажак касбий фаолиятга яқинлаштириш заруратини ўзида акс эттирувчи унинг амалий аҳамиятлилик мезони.

3) Ўқитиш мазмуни мураккаблигининг бўлажак касб таълим ўқитувчисининг реал ўкув имкониятларига мувофиқлиги мезони. Ю.К.Бабанскийнинг фикрича, агар ўқитиш мазмуни таълим олувчининг ёши ва тайёргарлик даражасига ёки қаралаётган предметни ўрганиш ажратилган вақтга мос бўлмаса, у ҳолда уни оптималь деб ҳисоблаб бўлмайди [32]. Агар ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълим ўқитувчисининг ёш ва шахсий хусусиятлари эътиборга олинмаса, у ҳолда тадқиқотчиликка тайёргарлик жараёнида уларнинг ижодкорлигини бошқариб бўлмайди.

4) Ўқитиш мазмунига ОТМда ўкув-методик ва моддий-техник баъзасини мувофиқлиги мезони.

Ўкув материалини танлаш мезонлари аниқлангандан сўнг ўқитиш кетма-кетлигини режалаштириш ва бу тизим амалга ошириладиган фанни танлаш зарур. Бундай фан сифатида бизнинг тадқиқотимизда “Умумий педагогика” ва “Касбий педагогика” умумкасбий фанлари танланган. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида бўлажак касб таълим ўқитувчиларида қуйидаги методологик тайёргарлик асослари шаклланади: фаолиятнинг мантикий тузилмасини, амалларнинг назарий ва амалий методикасини эгаллаш, тадқиқотчилик фаолияти элементи сифатида лойихалаш фаолияти кўнникмаларини такомиллаштириш. Шунингдек, ушбу курсни ўзлаштириш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини техник тизимлар

ривожланиш қонуниятларини ва техник объектлар ривожланишини башорат қилишни ўрганади. Ушбу курсни ўрганишда тадқиқотчилик тайёргарликнинг якуний босқичи бўлиб, тадқиқотчилик характеридаги лойиҳаларини яратиш ҳисобланади.

Биз ўз тадқиқотимизда “войиҳа методлари” технологияси, кейс технология, тренинг технологиялар, ўқитишининг жамоавий усуллари, янги ахборот технологиялари, табакалаштириб ўқитиши, ҳамкорлик педагогикаси, ривожлантирувчи таълим, ўкув билимларини босқичма-босқич шакллантириш усулларидан фойдаландик. Лойиҳа деганда вакт бўйича билим ва охири мавжуд қоида олдиндан аниқланган натижга ёки мақсадга йўналтирилган, ресурслар ва муддат бўйича берилган чекловлар, шунингдек сифатига кўйлган талаблар асосида аниқ маҳсулот ёки шароит яратиш фаолияти тушунилади.

ОТМлар касбий таълим йўналишларида умумкасбий фанлар, шу жумладан “Касбий педагогика” фанини бўлажак касб таълими ўқитувчиларига ўргатиш учун ўз ичига масала ва топширикларни олган турли хил ҳисоблаш ишларидан фойдаланилади.

Жумладан, умумкасбий фанлар бўйича маъруза машғулотларида муаммоли таълим технологиялари (муаммоли – маъруза, олдиндан режалаштирилган хатоларни ўзи ичига олган маъруза, визуаллаштирилган маърузалардан), амалий-лаборатория машғулотларида эса лойиҳа-тадқиқот методлари (ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва кейс-технологияси), мустақил таълимни ташкил этишда эса топшириклар тизими (технологик, ижодий, изланишга ундовчи, башоратловчи ва ташхисловчи топшириклар) кўпланилди.

Ўтказиладиган ўкув машғулотларида кўпинча янгилик элементлари мавжуд бўлмасдан олдиндан маълум ва кўп марта тақрорланадиган алгоритм бўйича бошқа эксперементларни тақрорлаш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлажак касб таълими ўқитувчиси етарлича янги муаммони қандай ташлашни, эксперементни қандай режалаштириш ва ўтказишни билмаслиги бирдан англайди. Агар машғулотларда бир қатор техник ва технологик мақсадларни ечиш талаб этиладиган янги конструкция ва лойиҳани ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бу жараён

янада мураккаблашади. Бундай ижодий масалаларга биринчи марта дуч келган бўлажак касб таълими ўқитувчиси психологик травма (жароҳат) олади, синаш ва хато методи билан бир неча масалаларни ечишга уринишдаги муваффакиятсизликлар эса уни ўзида қобилият йўқ деган хуносага олиб келади, яъни унда ўзини ўзи ривожлантиришга қизиқиши пасяди. Биз ўз тадқиқотимизда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг таянч воситаларидан бири сифатида тадқиқотчилик ўкув масалалари ва топширикларини яратдик ва улардан фойдаландик (З- илова).

Масала – бу онгда акс эттирилган ёки белгили моделда объективлаштирилган муаммоли вазият бўлиб, билим ва тажрибанинг мавжуд воситалари асосида унинг ҳал этиш учун зарур ва етарли бўлган маълумотлар ва материалларни ўзида саклайди ҳамда барча турдаги таълим муассасаларида қўлланиладиган таълим олувчи-ларнинг билим ва амалий малакаларини текшириш методларидан бири ҳисобланади [172].

Топшириқ – бу ўқитиш жараёнида таълим олувчи бажариш учун шакллантирилган ва расмийлаштирилган масала. Топшириқ ҳамма вақт ўзида куйидаги талабларни саклайди: саволга жавоб; қандайдир машқни бажариш; ниманидир исботлаш ва бошқалар. Агар топшириқ таълим олувчи томонидан мазмунли қабул қилинса, у ҳолда бу топшириқ таълим олувчилар учун масалага айланади, яъни аниқ шартда берилган мақсадни ўзида субъектив ифодалайди [172].

Келтирилган таърифлар асосида топшириқ ва масалалар ўртасидаги бизнинг тадқиқотимиз учун хос бўлган фарқларни шакллантирамиз. Бизнинг тадқиқотимиз учун асосий фарқ бўлиб муаммоли вазиятни шакллантиришдаги фарқ ҳисобланади. Агар муаммоли вазият шартда уни ҳал этиш учун етарли бўлса у ҳолда биз бу муаммони масала сифатида талқин этамиз. Агар маълумотлар ёки уларнинг маълум бир қисмлари етарли бўлмаса ва уларни муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ҳамда бу жараён билан боғлик ечимни олиш жараёнида олиш зарур бўлса, у ҳолда бундай масалани биз топшириқ сифатида талқин этамиз.

Ўкув масаласи ва топширикларини психолого-педагогик функцияси турли манбалардаги объектив билимларни субъектив кўринишга ўзгариши билан, шунингдек, таълим олувчининг

фикрлаш фаолиятини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини бошқариш билан боғлиқ [85, 86, 96]. Топшириқ элементи сифатида ўкув масалаларининг хусусияти шундан иборатки, ўкув амаллари воситасида уни ечишда бир жинсли хусусий масалалар бутун синфини ечишнинг умумий усуллари кашф қилинади ва эгалланади [125]. Ўқитишига технологик ёндашув талабаларига энг тўла жавоб берувчи восита сифатида масала таълим олувчининг ўкув харакатлари (амаллари)ни лойихалаш имконини берувчи ва билимларни ўзлаштириш ва кўникмаларнинг кенг доирасининг шаклланганлик дараражасини ташхислаш инструменти бўлиб ҳизмат қиласди.

Ўкув масалалар назарияси ўкув масалаларини уларнинг тузилмаси, шунингдек педагогик моҳияти ва дидактик функциялари нуктаи назаридан қарашга имконият берди. Аммо бундай масалалар бизнинг тадқиқотимиз учун нокулай, чунки улар талабалардан мустақил мақсад қўйиш, яъни масалаларни ечиш мақсадини шакллантириш ва уни ечиш алгоритмини ишлаб чиқишини талаб этади. Методик асосларини ўргатишида эса, бундай масалалардан фойдаланиш мумкин эмас. Агар улар таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиурса, у ҳолда бу оддий фикрий операцияларнинг катта қисми бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлапшида шартларнинг аниқ кўринишида эмас, балки тадқиқот мақсади, обьекти ва предметини мустақил англаши ва ўз фаолиятини ташкил этишнинг аниқ усулларидан ва муаммоси ёки тадқиқотчилик вазиятли кўринишида шакллантирилган масалалардан фойдаланиш зарур.

Бизнинг нуктаи назаримизча реал муаммоли вазиятларга асосланган ўкув масалаларидан фойдаланишда турли хил манбалардан олинган ва масалаларни ечишда мустақил эришиладиган обьектив маълумотлар таълим олувчининг субъектив билимларга айланади. Ўкув масалаларининг кўпфункциялиги ўқитиши технологиясининг турли ташкил этувчиларини, мақсадга эришиш шартлари, усуллари ва воситалари билан бирлаштиришга имкон беради.

Талабаларда тадқиқотчилик фаолиятига нисбатан содир бўлган ўзгаришлар (қизикиш, эҳтиёж, фаоллик, ташкил этилганлик ва бошк.) таҳлили натижасида уларни шакллантириш истиқболларини

олдиндан айтиш мумкин. Бу талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бевосита амалга оширишнинг сўнгги босқичи бўлади. Талабаларнинг тадқиқот ишига муносабати ва унда фаол иштироки ҳақидаги билимлар тадқиқот қобилияти ва кўникмаларини шакллантириш жараёнининг бошқарилишини, ўқитувчи меҳнатини эса осонроқ ва самаралироқ бўлишини таъминлаяди.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бошқариш таркибига улар томонидан керакли ғояни тузиш; реал имкониятлар ҳисобидан тадқиқот ишларини режалаштириш; қабул қилинган режалар амалга оширилиши билан боғлиқ ташкилий ишлар ва ўз-ўзини баҳолаш, назорати киради.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ўқитувчилар томонидан ўқувчилар тадқиқот ишини ташкил эта оладиган касб таълими ўқитувчисининг тайёргарлиги мақсади ва вазифаларига мувофиқ илгари суриладиган педагогик факторлар ва шароитлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу факторлар ва шароитларга Олий таълими муассасаларда мақсадли ва ўз вақтида ташкил этилган тадқиқотчилик машғулотлари киради.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бошқариш вазифаси эса талабаларни зарурӣ техник воситалар ва жиҳозлар, луғатлар ҳамда ўқув адабиётлари ва тадқиқот ишини бажариш жойи билан таъминлашдан иборат.

Бошқариш тизимини ишлаб чиқишида шуни ҳисобга олиш керакки, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ўқув жараёнига тадқиқот элементларини мақсадли, тартибли ва онгли киритиш, талабаларда ечимларни мустақил топишга ундовчи муаммоли вазиятларни яратиш, ўқитувчи ва талаба орасида касбий шаклланишга қаратилган кўшма тадқиқотчилик фаолиятни режали ташкил этиш ва олиб бориш воситасида муносабатларни бошқаришдан иборат.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олиб борилган назарий ва амалий изланишлар асосида биз томондан уларни шакллантириш дастури ишлаб чиқилди.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириши самараси қўйидаги дидактик шароитлар билан, яъни таъминланиши; талабаларнинг тадқиқот иши ва унинг натижаларига муносабатни шакллантириш; ўкув-тадқиқот ишида “ўқитувчи-талаба” тизимидағи субъект-субъект ҳамкорлигини ташкил этиш; ўкув фанларини ўқитиш ва тадқиқот ишини чукур ўрганиш бирлигини таъминловчи тадқиқот-ижодий муҳитни яратиш; ҳар бир талабанинг тадқиқот мавзуси ва таркибининг интегратив характеристини қўллаш ва индивидуал ўрганиш тажрибаси эркинлиги асосида ижодий фаоллигини ривожлантириш; ўрганишнинг илмий методлари ва тадқиқот масала ва вазифаларини ечиш методикаларини ўргатиш орқали асосслаб берилди.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг тавсия этилган дастури бутун ўкув жараённида ўқитувчи фаолиятининг маълум босқичлари ва талабада ўкув-тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмаларини шаклланганлик дараҷасига мувофиқ шароитлар орасидаги боғлиқликни акс эттиради. Талабанинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш дастурида уни амалга ошириш босқичлар кетма-кетлиги белгиланди.

Талабалар тадқиқот кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик асослари инструментал-дидактик воситаляр асосида талабалар ва ўқитувчининг ўзаро боғланган характеристарининг кетма-кет системаси сифатида кўрсатилди. Ўқитувчининг фаолияти талабаларнинг ўкув-тадқиқот қобилияти ва кўникмалари холати мониторинги; фан бўйича дастурий ва қўшимча материаллар таркиби таҳлили ва танлови; таълимни дарс ва аудиториядан ташқари ишларнинг фаол шакллари ва методлари ёрдамида тадқиқот сифатида ташкил этиш; талабаларга тадқиқот вазифаси ёки муаммосини мустақил ташлаш имконини бериш; талабаларни илмий ўрганиш ва ўкув тадқиқоти технологияларига ўргатиш; тадқиқот жараённи дидактик ва услубий воситалар билан таъминлаш; талабаларга режалаштирища, тадқиқот давомида ва натижаларни баҳолашда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш методикаси талабанинг тадқиқот иши фаолиятида ва ўкув жараённида умумкасбий фанлар, маҳсус фанлар ва

педагогик-психологик цикл фанларини ўрганишда тажриба-синовдан ўтказилди. Унинг амалга оширилиш кетма-кетлиги педагогик жараён компонентлари ва ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғланган фаолият турларига мувофиқ кўрсатилди.

Турлича ўқув-тадқиқот фаолиятида талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмалари нафақат шаклланади, балки мукаммалашади, тажриба орттирилади ва касбий билимлар кенгаяди. Ўқитувчи томонидан тўғри ташкил этилган ва бошқариладиган талабанинг тадқиқот фаолияти тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириш учун катта аҳамиятга эга.

Талабанинг тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини амалга ошириш ва уни бошқариш механизми ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини илмий асосда бошқариш ўқитишга ва илмий тадқиқот ишларига фаол ва онгли таъсирни билдиради ва талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг оптимал боришини таъминлашни мақсад қиласди. У талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг ички қонунларининг илмий билимлари ҳақида ўзаро боғлиқлиги хамда биридан иккинчисига ўтиш асосида амалга оширилади.

## ҮМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бүлажак касб таълими ўқитувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ўрганиш натижасида таълим ва тарбия жараёнида ижодий ёндашувни куҷайтириш, талабанинг ўз йўлини белгилаб олиши ва шахсий фазилатларни амалга ошишга имконият яратиш; талабанинг ўкув вазифаларини ва муаммоларини мустақил ечиш муҳимлиги; унинг ижодий қобилияти ва тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш бутунги кун талаби эканлигини тадқиқотчилик ишининг дастурний-методик таъминоти билан боғлиқлиги асослаб берилди.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарадорлиги шартларини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш бизнинг тадқиқотимиз мақсади бўлди. Бунинг учун ўкув-тадқиқот жараёни давомида талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш моҳияти ҳамда мазмунини ёритиш; уларнинг шаклланганлиги мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаш; талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ҳамда методикасини ишлаб чиқиш, амалда жорий этиш; ўрганиладиган жараён самарадорлигига ёрдам берувчи дидактик шароитларни аниқлаш ва экспериментал асослашдан иборат вазифалар белгиланди. Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижалари таҳлили қуидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёни талабанинг дунёқараши, илмий билиш қобилияти ва кўникмалари, унинг натижаларига қадрли муносабати ва ўз йўлини топиш ва ижодий ривожланиш билан характерланадиган шахсий малакавий компонентларидан ташкил топади.

Фаолиятли ёндашув жиҳатдан талабанинг тадқиқотчилик кўникмалари тизимлаштирилган таълимни ташкил этади. Бу жиҳатдан улар ўз тузилмасига, гносеологик, технологик, ижодий ва шахсийлар компонентларни олади. Тадқиқотчилик кўникмалари мазмуни эса ушбу компонентларнинг дидактик яхлитлигига ифодаланади. Функционал компонентлар эса (илмий-дунёқарашиб, ахлоқий, коммуникатив, ахборий ўргатувчи, шахсий-ривожлантирувчи) унинг жараёнили жиҳатини ёритади.

2. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланганлик даражалари бир қатор аниқланган кўрсаткичлар (адаптив, репродуктив, эвристик, креатив) ва мезонлар (тадқиқотчиликка мотивация, илмий фикрлашни, ўқув изланишларига, технологик тайёргарлик, шахсни ижодий фаоллиги) ёрдамида аниқланади. Математик статистика методлари компонентлар орасида ўзаро боғлиқликлар ва боғланишлар мантигини ўрнатиш имконини берди, бунинг натижасида ўрганилган жараёнларнинг тизимли ва мақсадли характеристиҳақида холоса қилинди.

3. Талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари ҳолати таҳлили шуни кўрсатди, бўлажак касб таълими ўқитувчилари давлат таълим стандартларига мос ҳолда ўқитишига ижодий ёндашувни амалга ошириш зарурятини кўрсатди; талаба касбий тайёргарлиги даражасини ошириш самарадорлиги мезонларидан бири сифатида тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланганлиги ва ривожланганлиги даражасини кўллаш мумкинлиги асослаб берилди. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда ўқитувчиларнинг илмий-методологик тайёргарлигига мувофиқ тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг ва ривожлантиришнинг дидактик шартлари, дастури ва методикасини ишлаб чиқиши зарурияти кўрсатилди.

4. Касбий таълим йўналиши талабаларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлиги қўйидаги дидактик шартлар таъминланиши билан белгиланади. Буларга талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти ва унинг натижаларига муносабатини шакллантириш; ўқув-тадқиқот фаолияти жараёнида “ўқитувчи-талаба” тизимида субъект-субъект ҳамкорликни ташкил этиш; ўқув фанлари ва тадқиқот ишларини чукур ўрганиши бирлигини таъминловчи тадқиқот-ижодий мухитни яратиш; ҳар бир талабанинг тадқиқот мавзуси, тадқиқот иши таркиби интегратив характеристини кўллаш ва индивидуал ўрганиш тажрибаси эркинлиги асосида ижодий фаоллигини ривожлантириш; ўрганишнинг илмий методлари ва тадқиқот масала ва вазифаларини ечиш методикаларини ўргатиш киритилди.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик қўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ҳамда унинг компонентлари мазмуни ёритиб берилди.

6. Биз томондан талабаларда тадқиқотчилик қўнималарини шакллантиришнинг ва ривожлантиришнинг тавсия этилган дастури бутун ўқув жараёнида ўқитувчи фаолиятининг маълум босқичлари ва талабада ўқув-тадқиқот қобилияти ва қўнималарини шаклланганлик даражасига мувофиқ шароитлар орасидаги боғлиқликни акс эттиради. Талабанинг тадқиқотчилик қўнималарини шакллантириш дастурида мақсадли, таркибий, технологик ва рефлексив босқичлари кетма-кетлиги белгиланган.

7. Талабаларнинг тадқиқотчилик қўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик асослари инструментал-дидактик воситалар асосида талабалар ҳамда ўқитувчининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларининг кетма-кетлиги тизими сифатида кўрсатилган. Ўқитувчининг фаолияти талабаларнинг ўқув-тадқиқотчилик қобилияти ва қўнимлари ҳолатининг мониторингининг; фан бўйича дастурий ва қўшимча материаллар таркиби таҳлили ва танлови; таълимни дарс ва аудиториядан ташқарида ишларни таълимнинг фаол шакллари ва методлари ёрдамида тадқиқотчилик элементларидан фойдаланиб ташкил этиш; талабаларга тадқиқот вазифаси ёки муаммосини мустақил танлаш имконини бериш; талабаларни илмий ўрганиш ва ўқув тадқиқоти технологияларига ўргатиш; тадқиқот жараёнини дидактик ва услубий воситалар билан таъминлаш; талабаларга режалаштиришда, тадқиқотчилик давомида ва натижаларни баҳолашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Танланган методикамиз ўқув предметини чуқур ўрганиш ва талабларни тадқиқотчиликка йўналтириш ўқишининг бутун даври бўйича ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини самарали ташкил этиш имконини беради.

8. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, талабаларда тадқиқотчилик қўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришнинг оптималь даражаси ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги фаолияти билан ифодаланиб, у қуидаги омиллар йиғиндиси билан характерланади: тадқиқотчилик қўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш мақсади, таркиби, характеристи ва ўқитиш методлари; дидактик воситалар ва талабаларнинг ёш хусусиятлари. Барча

кўрсатилган омиллар талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ўзаро боғланган.

9. Талабалар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг натижаларини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилиб, унинг компонентлари етарлича ёритиб берилди.

10. Талабаларнинг ўкув-тадқиқот ишини такомиллаштириш субъекти бўлиб алоҳида ўқитувчи эмас, барча кафедра ўқитувчилари жамоаси хисобланади. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг илмий ташкил этилиши, ўкув-тадқиқот жараёнини илмий бошқариш даражасини амалга ошириш заминида бўлиши мумкин. Бунинг асосий шарти ва воситаси бўлиб ўкув-тадқиқот жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик бошқариладиган системасини яратиш бўлиб, унинг мавжудлиги ўкув жараёнининг сифатини оширади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни (23 сентябрь 2020 йил) // <https://lex.uz/docs/-5013007>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997, 31-61 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. –Т., 2017, 39 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ф-4941-сонли Фармойиши.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017, 103 б.
6. Абдуллаева Қ, Касбий фанлар орқали ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш// Ж.Педагогик таълим.2004.- №6, 53-55 б.
7. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. – М.: Просвещение, 1990, 140 с.
8. Авлиёқулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
9. Авлиёқулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Муаллиф. 2001.
10. Алексеев В.Е. Активизация работ по развитию технического творчества учащихся. – М.: Высшая школа, 1989, 73 с.
11. Алексеев В.Е. Ўсмирларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992, 88 б.
12. Алимов Н.Н. Касб-хунар коллекции ўқувчиларини техник ижодкорлик фаoliyatiга тайёрлаш методикаси: Пед.фан.докт. ... дисс. –Т., 2009, 138 б.
13. Амиргазина А. О. Развитие творческой активности студентов – важнейшее условие профессиональной подготовки будущего специалиста // Международная научно-практическая конференция

посвященная 50-летию основания КазГАТУ им. С.Сейфуллина.- Астана,2007, 191-193 с.

14. Амелина Н.С. Учебно-исследовательская деятельность студентов педвуза (в процессе изучения дисциплин пед. цикла): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Киев, 1982, 22 с.
15. Андрианов П.Н. Развитие технического творчества младших школьников. – М.: Просвещение, 1999, 109 с.
16. Арсенова СП. Формирование исследовательских умений студентов в системе их профессиональной подготовки: (на материале вузов ГДР и СССР): Дис.... канд. пед. наук. – М., 1990, 250 с.
17. Атутов П.Р., Ложкин В.М. Подготовки преподавателей для профессиональной подготовки учащихся // Сов. Педагогика. – М.:1985.-№2.-С.54-57.
18. Атутов П.Р. Всестороннее развитие и профессиональная подготовка учащихся // Советская педагогика. –М.:1987.-№3, 36-41 с.
19. Атутов П.Р. Мактабда политехник таълим.-Т.: Ўқитувчи, 1988.-169 б.
20. Атутов П.Р. Концепция политехнического образования в современных условиях // Педагогика. – М.: 1999, 17-20 с.
21. Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. М.: 1997, 671 с.
22. Барболин М.И. Методологические основы развивающего обучения. М.: Высшая школа, 1991, 230 с.
23. Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса.-М.: Педагогика, 1982, 190 с.
24. Бабанский Ю.К. Методы обучения учащихся в средних профессионально-технических учебных заведениях. Методические рекомендации. – М.: 1982, 40 с.
25. Батышев С.Я. Диалектика творчества. – М.: 1984, 228 с.
26. Батышев С.Я. Подготовка рабочих в средних профессионально-технических училищах.-М.: Педагогика, 1988. – 175 с.
27. Батышев С.Я. О всеобщем профессиональном образовании // Советская педагогика . –М.: 1991.-№6, 66-70 с.
28. Батышев С.Я. Научная организация педагогического труда. – М.: Изд-во АЛО, 1992, 237 с.

29. Байраба Т.Н. Дидактические условия эффективности использования исследовательского метода в обучении младших школьников: Дис. ... канд.пед. наук. – Киев, 1988, 217 с.
30. Барчук Е.И. Формирование исследовательских умений в лабораторном практикуме в высшей школе: Дис. ... канд. пед. наук. - Киев, 1986, 193 с.
31. Березовин Н.А., Литовченко В.Н. Формирование у будущих учителей готовности к исследовательской деятельности // Психология подготовки к педагогической деятельности. - Минск, 1990. - Вып. 2, 70-75 с.
32. Богоявленская Д.Б. Пути к творчеству. – М.: Знанее, 1981, 96 с.
33. Богоявленская Д.Б. Психология творческих способностей. – М.: Академия.-2002.
34. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учеб. Пособие. Екатеринбург. - 1998.
35. Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как проблема творчества. – Ростов-на Дону, 1983, 174 с.
36. Буш Г.Я. Далогика и творчество. – Рига: Авотс, 1985, 318 с.
37. Бударкевич В.П. Формирование исследовательских умений в трудовой подготовке учащихся 9-10 классов городской школы: Дис. ... канд. пед. наук.- М, 1981, 233 с.
38. Вейна А.М. Мозг и творчество // Наука и жизнь. 1987.-№3, 78-80 с.
39. Воробьев А.И., Лиманский С.А. Техническое конструирование. Учебное пособие для студентов ИПФ педагогических и учащихся педучилищ. – Т.: Укитувчи, 1990. – 110 с.
40. Выготский Л.С. Педагогическая психология. Под ред. В.В.Давыдова. – М.: Педагогика, 1991, 480 с.
41. Галиев Т.Т. Системный подход к интенсификации учебного процесса. Дис. док. пед. наук. – Караганда.: 2002, 50 с.
42. Гетта В.Г., Плуток А.М. О комплексном характере подготовки студентов к руководству техническим творчеством учащихся // Школа и производство, № 4, 1987, 59-60 с.

43. Гусев С.С., Гусева Е.А. Взаимодействие познавательных процессов и научном и техническом творчестве. Под ред. В.Т.Мещерякова. – Л.: Наука, 1989, 125 с.
44. Жалолова Д.Ф. Махсус фанларни ўқитишида ўқувчиликнинг мустакил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш (Касб-хунар коллекциянинг “Тикувчилик ишлаб чиқариш” йўналиши мисолида): Дис. фан. ном. дис. – Т.: 2009, 140 б.
45. Зайиров К.А. Политехнические основы формирования конструкторско-технологических знаний и умений у будущих учителей труда с применением компьютерной техники. : Автореф. Дис. ... канд. Пед. Наук. – Т.: 1994, 21 с.
46. Зеер Э.Ф. Психологические основы профессионального становления личности-педагога. Автореф. Дисс. ... док. Псих. Наук. – Л.: 1988, 35 с.
47. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебное пособие. - Ростов н/Д: Изд-во «Феникс», 1997, 480 с.
48. Иодко А.Г. Формирование у учащихся умений исследовательской деятельности в процессе обучения химии: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -М, 1984, 16 с.
49. Исаева З.А. Формирование у студентов университета профессиональной готовности к организации исследовательской работы со школьниками: Автореф. дис..канд. пед. наук. - Алма-Ата, 1989, 24 с.
50. Исмаилов Т.Д. Научные основы подготовки будущих учителей труда к работе по развитию технического творчества учащихся.: Дис. ... канд. Пед. Наук. – Т.: 1995, 184 с.
51. Качнев В.И., Магзумов П.Т. Творческая и техническая конструкторская деятельности в трудовой подготовки школьников (метод.рекомен). –Т.: УзНИИНТИ, 1990, 58 с.
52. Камышникова Т.А. Исследовательский подход в обучении как средство развития у учащихся познавательной самостоятельности - необходимого качества социально - активной личности: Дис. ... канд. пед. наук. -М., 1985, 254 с.
53. Керстин Ваквитц. "Кишилордук хужалиги соҳаси бўйича махсус дидактика". "Марказий Осиё давлатларида ўқитувчиларни ўқитишинг (Касбий педагогика, дидактика) регионал тармоғи" лойиҳа доирасида. Тошкент-2010.

54. Козыбай А.К. Научные основы формирования профессионализма инженера- педагога: Монография, Алматы-Москва, 2004, 326.
55. Комский Д.М. Основы теории творчества. Пособие для студентов и учителей. – Екатеринбург, 1993, 192 с.
56. Кузьмин К.И. Профессиональное образование в США // Профессионал. – М.: 1997.-№7-8, 57-63 с.
57. Лашик Я. Развитие теории и практики педагогики творчества.: Автoref. Дис. ... док. Пед. Наук. – М.: 1999, 24 с.
58. Лerner И.Я. Дидактические основы методов обучения. – М.: Педагогика, 1981, 186 с.
59. Литовченко В.Н. Формирование исследовательских умений студентов педагогических специальностей университета средствами НИР: Дис.... канд. пед. наук. - Минск, 1990, 197 с.
60. Маркова Л.К. Ўқитувчи фаолияти, мулокоти ва шахси.- Ж.: "Совет мактаби", 1989.
61. Магзумов П.Т. Педагогические условия формирования профессиональной направленности школьников.: Автoref. Дисс. ... канд. Пед. Наук. – М.: 1982, 19 с.
62. Магзумов П.Т., Рузметов Ф. Формирование у учащихся потребности в трудовой деятельности. – Т.: Фан, 1991, 84 с.
63. Митрош О.И. Формирование исследовательских умений у учащихся педучилищ: Дис.... канд. пед. наук. - Минск, 1993, 173 с.
64. Морева Н.А. Основы педагогического мастерства. М.; Просвещение, 2006.
65. Мұслимов Н.А. "Касб тәълими ўқитувчинини касбий шакіллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фун.докт. ... дисс. –Т., 2007, 349 б.
66. Новиков Д.А. Статические методы в педагогических исследованиях. –М.: МЗ- Пресс, 2004, 66 с.
67. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы перспективы: – Т.: Фан, 1995, 85 с.
68. Олимов К.Т. Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси. Тошкент. – Фан, 2009.
69. Олимов Қ.Т. Касб тәълими услубияти.Тошкет. Молия-Иктисад. 2006, 96 б.

70. Олимов К.Т. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари// Касб-хунар таълими. №3. 2007.
- 71.Ожегов С.И. Словарь русского языка: Ок.57000 слов/Под ред Н.Ю.Шведовой.-15-е изд., стереотип.-М.:Рус.яз., 1984, 816 с.
72. Панеях В.М. Творчество и судьба историка. Б.А. Романов. – Спб, 2000.
73. Перкинс Д.Н. Творческая одаренность как психологическое понятие // Общественные науки за рубежом. Р.Ж.Сер. Наукование.-М.:1988.-№4.-С.88-92.
74. Перешикин А.В. Ўрта мактабда физика ўқитиш асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1990, 243 б.
75. Петрова И.И. Педагогические основы межпредметных связей.-М.: Высшая школа, 1985, 79 с.
76. Педагогика: Учебн. пособие для студентов педагогических вузов и педагогических колледжей/ Под ред. П.И. Пидкасистого. - М.: Российское пед-е агентство, 1996, 602 с.
77. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ. пед. вузов: В 2 кн. - М: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1999. - Кн. 1: Общие основы процесса обучения. - 576 с: ил.
78. Психология.Словарь. – М.: Политиздат, 1990, 393 с.
79. Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений - Ростов н/Д.: изд-во «Феникс», 1998, 544 с.
80. Рашидов Х., Хабиб Х., Ёлдашева Г., Закирова А. Касбий педагогика. Тошкент.-2007. 136 б.
81. Райннером Хельмиг. «Методы профессионального обучения и повышения квалификации» в рамках «Региональной сети обучения преподавателей (профессиональная педагогика/дидактика) в центрально-азиатских странах. Тошкент-2010.
82. Разумовский В.Г. Физика ўқитиш методикаси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 202 б.
83. Разумовский В.Г., Рабоджийская Р.К. Обучение школьников и развитие их способностей // Физика в школе. – Т.: 1994.-№2.
84. Рожкова Е.И. Формирование творческой деятельности студентов технических вузов средствами модульного обучения: Дисс. ... канд. Пед. Наук.-Калуга, 1991, 197 с.

85. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: 1976. Педагогика, – 416 б.
86. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. Учпедгиз, 1996, 642 б.
87. Рубинштейн С.А. Основы общей психологии: - СПб.: «Питер», 1999, 705 с.
88. Скаакун В.А. Методика производственного обучения в схемах и таблицах. Методическое пособие М: изд. отдел НОУ «ИСОМ» 2005.
89. Содиков У. Математика дарсларида ижодий фикрлашни шакллантириш усуулари // Ж. Педагогик таълим. -2006.- №1. –Б.27-28.
90. Соатова Г.К. Каким должен быть современный преподаватель профессионального колледжа. «Подготовка инженерно-педагогического кадров для учебных заведений технического и профессионального образования» материалы международной научно-практической конференции . Астана-2010. - 6 б.
91. Стаяров Ю.С. Развитие технического творчества школьников: опыт и перспективы. – М.: 1983, 160 с.
92. Тигров В.П. Развитие технического творчества студентов индустриально-педагогических факультетов: Дис. ... канд. пед. наук. – М., 1988, 174 с.
93. Томасом Кёлер. «Выбор и разработка учебных и обучающих средств» в рамках «Региональной сети обучения преподавателей (профессиональная педагогика/дидактика) в центрально-азиатских странах. Тошкент-2010.
94. Тучкова Т.У. Функциональные опоры как средство обучения иноязычному диалогическому общению в средней школе: Дис. ... канд. пед. наук. -Липецк, 1989.
95. Турматов Ж.Р., Тоғаев Х., Алимов Н.Н. Касбий таълим мутахассисликка оид тадқиқотчилик билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш модули ҳақида “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимига педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. (Халқаро эксперталар жалб қилинган холда). Тошкент-2004. ЎМКҲТРИ. 150-151- б.

96. Турматов Ж.Р. Талабалар касбий тайёргарлигига тадқиқотчилик кўникмаларининг ўрни ва аҳамияти
97. Турматов Ж.Р., Алимов Н.Н., Ўқувчиларни техник ижодкорлик фаолиятга тайёрлашда ахборот таъминоти. Жиз. ПИ.
98. Турматов Ж.Р., Алимов Н.Н. Касб-хунар таълимида табиий фанларни ўқитишнинг илмий тадқиқот ва ижодкорлик ишлари интеграцияси
99. Мокрицкая Н.И. Формирование исследовательских умений у студентов технических специальностей при обучении общетехническим дисциплинам: Дис. канд. пед. наук. - Н. Новгород, 2006, 219 с.
100. Муслимов Н.А. Бўлажак касб-таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. - Т.: Фан, 2004 - 132 б
101. Муслимов Н.А. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида компетентлик. Мехнат ва касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини таъминлашнинг интегратив технологиялари: Республика илмий-амалий конференция материалы. - Тошкент: ТДГУ, 2010. - Б. 114-118.
102. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис.- Т.: 2007. - 315 б.
103. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари: Дис. ...пед. фан. докт. - Тошкент, 1993. – 364 б.
104. Мухина М.В. Развитие технического мышления у будущего учителя технологии и предпринимательства средствами системы познавательных заданий. Дисс. канд. пед. наук. - Н. Новгород. - 2003. -210 с.
105. Успанова В.В. Сохранение психологического здоровья детей как условие развития творческого мышления в образовательном пространстве // Международная научно-практическая конференция посвященная 50-летию основания КазГАТУ им. С.Сейфуллина. Астана-2007.-С. 239-241.
106. Устемиров К., Шаметов Н.Р., Васильев Н.Б. Профессиональная педагогика (Под. ред. К.Устемирова) Алматы, 2005
107. Хасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли лутғат. Тошкент. Фан ва технология. 2009, 421 б.

108. Ханно Хорч. "Ориентированное на действие обучение, связанное с рынком труда" в рамках «Региональной сети обучения преподавателей (профессиональная педагогика/дидактика) в центрально-азиатских странах (Казахстан, Таджикистан, Кыргызстан и Узбекистан)». Тошкент-2010.
109. Хорошко Н.Ф. Теория и практика развития конструкторской мобильности школьников: Дисс. ... док. Пед. Наук. – Ставрополь, 1995, 426 с.
110. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дис. ... док. Пед. Наук. – Т.: 1992, 406 с.
111. Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобретательского творчества студентов.: Автореф. Дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 2000, 20 с.
112. Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълимида ўкувчилик ижодкорлик қобилиятларини узлуксиз ривожлантириш. Монография. – Тошкент, Фан, 2005, 140 б.
113. Шипилова Т.Н. О понятиях «исследовательские умения и навыки» и различных подходах к их формированию // Творческое отношение преподавателей, студентов и учащихся к учебно-познавательной деятельности. - Липецк: ЛГПУ, 2001.-С. 3-15.
114. Шумилин А.Т. Вопросы становления теории творчества // Проблемы философии. Сб. научных трудов.-Киев: школа. Голов. Изд-во, 1978.-вып. 44.-С.12-15.
115. Якиманский И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. – М.: Педагогика , 1996.-91 с.
116. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. Дарслик, “Фан ва технология”, Т.; - 2010, 435 б.
117. Ғозиев Э. Умумий психология. Психология мутакассислиги учун дарслик. 2-китоб.-Т.: 2002.39-43 б.
118. Ulrich Kline. Projekt - und transferorientierte Ausbildung - PETRA (Лойихаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятта кўллашга каратилган таълим). Printed in Germany
119. Frank Vengkefer. Berufliche Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» маҳсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси). D-13189 Berlin, 2002

120. Petsche, H.J., Zapf, A. & Kohler, T. (2007). *Die Neuen Medien und die kulturelle Vielfalt Europas*. Empirisch-vergleichende Erhebung unter Studierenden Deutschlands, Polens, Spaniens, Tschechiens und Ungarns unter besonderer Berücksichtigung des Internets. Berlin, Trafo Verlag.
121. Lompscher, J. (1994): Was ist und will psychologische Didaktik?, IN: *LLF-Berichte/ Interdisziplinäres Zentrum für Lern- und Lehrforschung, Universität Potsdam. BiL, Bildungsinnovation und individuelle Lernförderung e.V.* - 7 (1994)
122. Spanhel, D.: Forderung der Medienkompetenz im Handlungsfeld Schule. In: Schell,F., Stolzenburg, E., Theunert, H. (Hrsg.): *Medienkompetenz. Grundlagen und padagogisches Handeln*. München 1999 S. 159 - 166
123. Bundesinstitut für Berufsbildung (2008). *Modulsystem „Handlungs- und prozess-orientiert ausbilden“ in der Berufsbildung* [http://www.bibb.de/lernzentrum/handl\\_prozess\\_ausb/handlung\\_auswahl.html](http://www.bibb.de/lernzentrum/handl_prozess_ausb/handlung_auswahl.html); Bonn.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
<b>І БОБ. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА</b>	
1.1-§. Талабалар тадқиқотчилик фаолияти муаммоларининг педагогик ва психологияк таҳлили.....	5
1.2-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тадқиқотчилик күнилмаларини шакллантириш жараённiga таъсир этувчи омииллар.	26
1.3-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларидағ тадқиқотчилик күнилмаларининг шаклланганлигини аниқлаш мезонлари ва даражалари.....	42
1.4-§. Тадқиқотчилик фаолияти бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий имкониятини ошириш омили сифатида...	52
<b>2-БОБ. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КҮНИКМАЛАРИНИ БОСҚИЧМА- БОСҚИЧ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ</b>	
2.1-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик күнилмаларини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ҳамда унинг таркибига бўлган дидактик талабларни ишлаб чиқиш .....	62
2.2-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятга тайёрлаш жараённинг концептуал ғоялари .....	75
2.3-§. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик күнилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш модели .....	89
2.4-§. Талабаларда тадқиқотчилик күнилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини бошқаришнинг психологик – педагогик асослари .....	95
Иккинчи боб бўйича хулосалар .....	120
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР .....</b>	<b>123</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>127</b>

Л.Т.РАЗИКОВА

ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК  
КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2021

Мухаррир:	М.Ҳайитова
Тех. мухаррир:	А.Мойдинов
Мусаввир:	А.Шушунов
Мусаххиха:	Ш.Мирқосимова
Компьютерда саҳифаловчи:	М.Зойирова

E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +99899920-90-35  
Нашр.лиц. АИН№009, 20.07.2018. Босишига руҳсат этилди 23.03.2021.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 9,0. Нашр босма табоги 8,5.  
Тиражи 100. Буюртма № 18

«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»  
босмахонасида чоп этилди.  
100174, Тошкент ш., Олмазор тумани Университет кўчаси, 7-уй.



Разикова Лола Туйчиевна 1944 йилда Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида туғилган. Оиласи, 1 нафар фарзанднинг онаси.

Л.Т.Разикова 1968 йил Самарқанд давлат университетини тамомлаган. 1980 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспирантурасини муваффақиятли тамомлаб, филология фанлари бўйича фан номзоди илмий даражасини олган.

1983-1998 йиллар давомида Самарқанд давлат университетида доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

Л.Т.Разикова педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий ва услубий ишларнинг муаллифидир. Жумладан, 4 та ўкув қўлланма, 20 та услубий қўлланма ва 80 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп эттирган.

2012 йилдан буён Самарқанд давлат тиббиёт институти “Педагогика ва психология” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.



ISBN 978-9943-7134-5-1



9 789943 713451